

Р. ЖУМАНИЁЗОВ

پەنجا
بەكزىپى
پەنجا

«УКИТУВЧИ»



РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ



МУСТАҚИЛ УРГАНУВЧИЛАР УЧУН

БИБЛИОТЕКА

Инв. № 27

ТОШКЕНТ "Уқитувчи" 1989 й. Дониш. ГПИ

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Ғани Абдурахмонов, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов.

ТАҚРИЗЧИЛАР: филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов, филология фанлари номзодлари: Эргаш Умаров, Зиёдулла Ҳамидов, Нишонбой Ҳусанов.

ХАТТОТ — муаллифнинг ўзи.

Бугунги воқелик ўтмиш меросимизни чуқур, ҳар томонлама ўрганиш орқали ҳаётга, истиқболга назар ташлашни зарурий вазифа қилиб қуймоқда.

Ўзбек халқи минг йил давомида яратган илмий-маданий мерос араб ёзувида битилган китобларда жамланган. Ўтмишни ўрганиш учун эса эски ёзувни билиш керак.

Ушбу китоб X асрдан тўртинчи аср бошларигача расмий ёзув сифатида қўлланилиб келган араб алифбоси ҳақида бўлиб, эски ёзувимизга қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мулжалланган.

4602000000 — 199
№ 353(04) — 89 инф.п. — 89

ISBN5-645-01125-2

© "Ўқитувчи" нашриёти, 1989.

МУҚАДДИМА

Ёзув — инсоният тафаккури яратган маънавий бойликларни асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга етказувчи бебаҳо восита. У инсоннинг энг олий кашфиётларидан бири.

Жаҳон тарихидан маълумки, ҳоким маънавият, бой маданиятга эга ҳар бир халқнинг ўз ёзуви бўлган. Дунё халқларининг тиллари каби ёзувлари ҳам ўзига хос.

Афсуски, ижтимоий—сиёсий шароит, моддий ва маънавий вазият тақозосига кўра, айрим халқларнинг ёзуви, ҳатто, тили ҳам унутилиб кетган. Бунга уруш ва низолар, кескин суръатда олиб борилган сиёсий тазйиқ ва таъқиблар ҳам сабаб бўлган. Истеъмолда йўқ тил ҳам, ёзув ҳам, шубҳасизки, таназзулга юз тутди. Урта Осиёда қўлланилган қадимий битиклар — айрим хроника ва тарихий манбалардагина сақланиб қолган хоразм, сўғд (оромий), ўрхун—енисей ва уйғур ёзувларининг тарихий қисмати ҳам шундай бўлди. Маълумки, УП асрдан бошлаб, араб босқинчилари

Урта Осиё ва Кавказ бўйлаб катта ҳарбий юриш қилдилар. Қонли муҳорабалар натижасида бу улкан территориянинг асосий қисмини босиб олдилар. Тез фўрсат ичида араблар ўз тили, ёзуви ва маданиятини, урф-одатини маҳаллий халқларга зўрлик билан сингдиришга киришдилар. Шу тариқа бу ўлкаларда араб алифбоси ҳукмрон ёзув бўлиб қолди. Барча расм-русумлар, ижтимоий-иқтисодий масалалар араб ёзуви асосида расмийлаштириладиган бўлди. Фан ва маданият, адабиёт ва санъат, ўқиш ва ўқитиш ишлари ҳам араб ёзуви ва тили негизида амалга оширила бошлади.

Хўш, араб ёзуви қандай ёзув? Унинг қандай турлари мавжуд?

Араб хатларининг тури кўп. Шулардан қадим замонлардан бери ишлатилиб келинадиганлари асосан, қуйидагилардир:

ناسخ	наسخ,
كوفي	куфий,
رقاع	риқоъ,
شكسته	шикаста,
تعلیق	таълиқ ва ҳоказо.
مقالی	маъқалий,
توقیع	тавқеъ,
نستعلیق	настаълиқ,
مکتب	сулс,

Бу ёзув турларининг ҳар бири ўзига хос хусуси-

ятларга эга^I. Кўфий ва сулс хатлари бошқаларига қараганда ўқилиши ва ёзилиши жиҳатидан бирмунча мураккаб. Бу хатлар кўпинча иморатлар, меъморчилик ёдгорликлари пештокига, қабр тошларига ёзилган. Настаълиқ ёзуви бу турлар ичида осон ўқилиши ва чиройли ёзилиши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё ва Кавказда у расмий ёзув сифатида қабул қилинган. Ёзма ёдгорликлар шу ёзувда яратилган.

Настаълиқ – "наسخ" ҳамда "таълиқ" хатларининг ўзаро бирикувидан вужудга келган ёзув туридир. Ўрта Осиё ва Закавказьенинг бошқа халқлари сингари ўзбек халқининг ҳам минг йиллик маънавий мероси ана шу ёзувда битилган.

Машҳур шоиру носирлар, муарриху мутаржимларимиздан: Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Бобур ва Отаҳийлардан тортиб, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонларнинг энг яхши бадиият дурдоналаригача, Беруний, Жувайний, Мухаммад Наршахий, Рашидид-

^I Китобнинг "Илова" қисмига қаралсин.

дин Вотвот, Насавий, Байҳақий сингари муаррихлар яратган ўлкамиз тарихига оид мумтоз асарларнинг барчаси араб ёзувида битилган. Булардан ташқари, тиббиёт, риёзиёт, ҳандаса, кимё, илми нуҷум, жўроғия каби фанлар тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берувчи манбалар ҳам ана шу ёзувда сақланиб қолган. Буларнинг ҳаммаси биздан, хусусан, ўша соҳалар тарихи бўйича шуғулланувчилардан араб ёзувини мукаммал ўрганишни тақозо этади. Чунки халқимизнинг кўп асрлик маънавияти, руҳий олами, ижодкорлик салоҳияти ана шу ёзувда акс этган. Шундай экан, ўз халқи тарихини, ўтмиш адабиётини билиш, уни чуқурроқ идрок қилиш истагида бўлган ҳар бир ўқувчи араб алифбоси асосидаги эски ўзбек имло-сидан бохабар бўлиши, мазкур ёзувнинг ўзига хос нозик жиҳатларини обдон ўрганган бўлиши зарур. Тарихий манбаларни ўқиш-ўрганиш учун, Қозон босмасидан ташқари, Тошкент литографик нусхалари, қўлёзма асарларга хос ёзув қоидаларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим.

Қўлёзма китобларни ўқиш учун эса кишида

етарли малака, савия, бой тажриба бўлиши керак.

Бугунги воқелигимиз, ҳаётнинг тараққиёт оқими ўтмиш меросимизни ҳар томонлама ўрганиш-ни тақозо этмоқда. Бу эса олдимизга ўтмиш ме-росимизни атрофлича эгаллаш билан боғлиқ муам-моларни тезликда ҳал этиш вазифасини кўндаланг қўяди. Маънавий меросимизни ўрганиш, тадқиқ этиш, унинг илғор ғояларини кенг халқ оммасига етказиш учун эса эски ўзбек тили, яъни араб ёзувини пухта ўзлаштириш лозим.

Биз ўтмиш меросимизни қанчалик пухта бил-сак, бугунги кунимиз қадрини, мазмунини шу қа-дар теранроқ англаб етамиз. Рус революцион де-мократларидан бири Н.Г.Чернишевскийнинг "Ўтмиш-ни унутма, ўтмиш келажакнинг устозидир",—деган сўзлари замирида ҳам ана шу мантиқ ва кўламдор маъно ётганлигини англаб олиш қийин эмас.

Қўлланманинг мақсади, тузилиш принциплари. Ушбу қўлланмада араб ёзуви ва унинг ўзига хос томонлари хусусида сўз юритилади. Мазкур китоб тил ҳамда ёзувимиз тарихига қизиқувчиларга мўл-жалланган.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлири филология факультетлари студентлари учун мўлжаллаб, 1959 ҳамда 1973 йилларда чиқарилган "Ўқиш китоби" (Тузувчилар: Т.Шермухамедов, Ф.Абдуллаев, Л.Халлилов)дан фарқ қилади. "Ўқиш китоби"да асосий диққат эски ўзбек тилининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари ҳамда араб ёзувининг босма шаклларига қаратилган. Китобга киритилган матнлар ҳам босма ҳарфда берилган. Ушбу қўлланма эса эски ўзбек тили курсининг илк босқичи, яъни араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувини босма ҳамда ёзма шаклларини ўргатишга, аниқроғи настаълиқ хатининг сирлари хусусида маълумот беришга бағишланган. Демак, китобнинг асосий мақсади эски ўзбек имлосини ўрганувчиларга ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатишдан иборат. Шунингдек, китобда ҳарфларнинг ўзаро боғланиши асосида сўзлар ясалиши ҳам бирмунча соддалаштирилган ҳолатда берилган.

Қўлланма оддийликдан мураккабликка принципи асосида тузилган, бу эса ўрганувчиларда ўқиш ва ёзиш малакасини секин-аста ошира боришни на-

зарда тутади. Шу тариқа ўқувчиларни ўтмиш даврлардан мерос бўлиб қолган, уста хаттотлар томонидан кўчирилган қўлёзма китобларни ўқиш ва ўрганишга чоғлайди. Ўқувчиларга осон бўлсин учун китоб дарс-сабоқлар тартибида тузилди. Ҳар бир дарс сўнгида ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсадида машқлар келтирилди. Китобнинг "Илова" қисми ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Машҳур хаттотлар ўз хуснихатларини чиройли ва жозибадор бўлиши учун араб алифбосидаги ҳар бир ҳарфга сайқал беришга интиланлар. Бу эса араб ёзувининг, хусусан, ундаги ҳарфларнинг турлича ёзилишига олиб келган. Қолаверса, араб ёзувидаги бежиримлик, котибларнинг қоғоз ва сиёҳни иқтисод қилиш мақсадида қисқа бир шаклда ёзишга интилиши ҳам ҳарфларнинг ўзгаришига олиб келган. Шунинг учун ҳам ўтмиш даврлардан сақланиб қолган китобларнинг босма ҳамда қўлёзма нусхалари ўртасида катта тафовут бор. Ҳатто бу фарқни қўлёзманинг нусхалари орасида ҳам кўришимиз мумкин. Шунингдек, турли шаҳарлардаги матбааларда чоп этилган китоблар ўрта-

сида ҳам фарқлар сезилади. Масалан, Қозон ва Тошкент босма китоблари ёзув жиҳатидан бири-биридан ажралиб туради. Қозон босма китоблари кўпроқ типографик усулда, Тошкентда нашр этилган китоблар эса тошбосма усулида чоп этилганлиги билан характерланиб туради. Булардан шу нарса равшан бўляптики, араб ёзуви асосидаги эски ўзбек имлосини чинакам маънода ўзлаштириш фоят мураккаб жараён, у ўқувчидан тинимсиз ўқиш, машқ қилиш ва ёзишни талаб этади. Шуларни ҳисобга олиб, ушбу қўлланмада имкони борича араб ёзувининг тошбосма ва қўлёзма турлари хусусида тўлароқ маълумот беришга ҳаракат қилинди.

Дастлабки сабоқларда араб алифбосидаги ҳарфларнинг вазифаси ва ёзилиш хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Кейинги сабоқларда эски ўзбек имлосини тўла ўзлаштириш билан боғлиқ мунфасил ва муттасил ҳарфлар, унли товушларнинг ёзувда ифодаланиши, араб сатр ости ва сатр усти белгилари, араб ва форс изофалари, йил, абжад ҳамда мучал ҳисоби, араб, форс календари

ва туркий календарь ойлари, ислох қилинган эски ўзбек ёзуви каби масалаларга эътибор берилди. Сабоқлар охирида ўқувчиларнинг олган билимларини синаш мақсадида "Савол ва топшириқлар" қисми ҳам киритилди.

Қўлланманинг охириги бўлими хрестоматиядан иборат. Унда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлэмалар фондида сақланаётган, "халқ китоблари" номи билан юритилувчи асарларнинг айримлари факсимилеси билан берилди. Эски ўзбек ёзувидаги айрим матнлар ўқувчиларнинг тушунишлари осон бўлиши учун ҳозирги ўзбек ёзувида ҳам берилди.

Қўлланма охирида, анъанага мувофиқ, ёзма ёдгорликлардан келтирилган парчалардаги тушунилиши мушқул сўзлар изоҳланди.

Бинобарин, ўтмиш даврлардан мерос бўлиб қолган манбаларни ўқиб ўрганишда луғатларнинг қиммати ва аҳамияти беқиёс. Эски ўзбек тили ва ёзуви ёдгорликларини мутолаа этишда ҳам бу жуда асқотади. Чунки, ҳозирги тилимиз билан эски

тилимиз ўртасида фарқ жуда катта. Бу тафовут, айниқса, ўнинг луғат таркибида яққолроқ кўзга ташланади. Эски ўзбек ёзуви ёдгорликлари тилида (ҳозирда кам истеъмолда бўлган) арабча, форсча сўзлар салмоқли қисмини ташкил этади. Ижтимоий-иқтисодий шароит ва маънавий заруратнинг тақозосига кўра арабча, форсча сўз ва иборалар халқ тилига сингишиб кетган. Баъзилари эса адабиёт ва санъат тилида сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам эски ўзбек тилидаги манбаларни луғатсиз ўқиш ва тушуниш гоётда мушкул.

Мазкур луғат ўқувчиларни ана шу эзгу ният йўлидаги қийинчиликларини бир мунча бўлса-да енгиллаштиришга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Луғатда эски ўзбек тили ёдгорликларидан олинган сўзларнинг изоҳи келтирилди. Луғат эски ўзбек алифбосидаги ҳарфларнинг жойлашиш тартиби асосида тузилган. Биринчи устунда муайян сўзнинг араб ёзувидаги кўриниши, иккинчи устунда транслитерацияси (ҳозирги имлодаги шакли) ва учинчи устунда эса ўша сўз ифода этган маънолар берилди. Бу эса, аввало, эски ўзбек тили

ва ёзуви ёдгорликларини мутолаа этиш ва тушу-
нишга, иккинчидан, турли матнларда учрайдиган
арабча-форсча сўзларни тўғри ёзиш ва ўқишга ёр-
дам беради.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистон ССР
Фанлар академиясининг Абурайҳон Беруний номи-
даги Шарқшунослик ҳамда Ҳамид Сулаймонов номи-
даги Қулёзмалар институтлари фондларида сақла-
наётган "Устоди аввал", "Муаллими соний",
"Адиби аввал", юқорида зикр этилган "Ўқиш ки-
тоби" ҳамда Малик Абдусаматов томонидан тузил-
ган "Форс тили" (1977) дарслигидаги йўл-йўриқ
ва айрим фикр-мулоҳазаларга таянилди.

Мазкур қўлланма тузувчининг шу йўлдаги
илк тажрибаси бўлганлиги учун айрим камчилик-
лар бўлиши табиий.

Тузувчи ҳурматли тақризчиларга, қимматли
маслаҳатлар берган тилшунос олимлар Иристой
Қучқортоев, Қаюмжон Каримов ҳамда мазкур қўл-
ланмани нашр эттиришдаги ёрдамлари учун фило-
логия фанлари доктори Бахтиёр Назаровга сами-
мий миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қилади.

Биз қуйида араб имлоси асосидаги эски ўзбек алифбосининг муайян жиҳатлари билан бири-биридан фаркланиб турувчи ёзма ва босма шакллари битилган иккала жадвални келтирамиз. Уларни дафтарингизга кучириб олинг, узаро солиштиринг ва ёдланг.

Ҳарфлар ифода- лаган товуш- лар	ЁЗИЛИШ ШАКЛЛАРИ				Ҳарф- ларнинг номла- ниши
	Сўз охирисида	Сўз урта- сида	Сўз бошида	Якка қолди	
А,О					алиф
Б					бе
П					пе
Т					те
С					се

Ж					жим
Ч					чим
Х					хойи хуттий
Х					хе
Д					дол
З					зол
Р					ре
З					зе
Ж					же

С		СИН
Ш		ШИН
С		СОД
З		ЗОД
Т		ТО
З		ЗО
Ъ		АЙН
Ғ		ҒАЙН
Ф		ФЕ

Қ	ق	ق	ق	ق	қоф
К	ك	ك	ك	ك	коф
Г	گ	گ	گ	گ	гоф
Л	ل	ل	ل	ل	лом
М	م	م	م	م	мим
Н	ن	ن	ن	ن	нун
В, У, Ү	و	و	و	و	вов
Х (А)	ه	ه	ه	ه	хойи хавваз
Е, И, Й, Э	ی	ی	ی	ی	йо

Ҳарф ифода этган товуш- лар	Ҳарфларнинг ёзилиши				Ҳарф- нинг номи
	Сўз охирида	Сўз уртасида	Сўз бошида	Алоҳида ҳолда	
а, о	ا	—	—	ا	алиф
'б	ب	ب	ب	ب	бе
п	پ	پ	پ	پ	пе
т	ت	ت	ت	ت	те
с	ث	ث	ث	ث	се
ж	ج	ج	ج	ج	жим
ч	چ	چ	چ	چ	чим
ҳ	ح	ح	ح	ح	ҳе, ҳойи хуттий
х	خ	خ	خ	خ	хе
д	د	—	—	د	дол
з	ذ	—	—	ذ	зол
р	ر	—	—	ر	ре
з	ز	—	—	ز	зе
ж	ژ	—	—	ژ	же
с	س	س	س	س	син
ш	ش	ش	ش	ش	шин

с	ص	ص	ص	ص	СОД
з	ض	ض	ض	ض	ЗОД
т	ط	ط	ط	ط	ТО (ИТҚИ)
з	ظ	ظ	ظ	ظ	ЗО (ИЗҒИ)
Ь(а, и, у)	ع	ع	ع	ع	айн
Ғ	غ	غ	غ	غ	Ғайн
Ф	ف	ف	ف	ف	Фе
Қ	ق	ق	ق	ق	Қоф
К	ك	ك	ك	ك	Қоф
Г	گ	گ	گ	گ	Ғоф
Л	ل	ل	ل	ل	ЛОМ
М	م	م	م	م	МИМ
Н	ن	ن	ن	ن	НУН
В, у, ў	و	—	—	و	ВОВ
ҳ(а)	ه	ه	ه	ه	ХОЙИ ҳав- ваз, ҳе
и, э, й, е	ی	ی	ی	ی	ЙО

БИРИНЧИ ДАРС

Араб алифбоси. Алиф ҳарфи.

Эски ўзбек алифбосидаги ҳарфларни таърифлашдан олдин араб ёзувига хос умумий хусусиятлар туғрисида сўз юритиш зарур.

Араб алифбоси жами 28 ҳарфдан иборат. Эски ўзбек ёзувида эса 32 та ҳарф бор.

Муайян бир тилдаги товушларни ифодаловчи ҳарфлар иккинчи бир тилга тегишли бўлган айрим товушларни ифодалашга ҳамيشа ҳам қодир бўлавермайди. Табиийки, бундай ҳолларда иккинчи тилга тегишли ҳарфлар қабул қилиш зарурияти туғилади. Уш асрдан бошлаб араб алифбосини ўз ёзуви сифатида қўллаб келган форсий халқлар араб алифбосига ўз тилларидаги айрим товушларни ифодаловчи тўртта  (пе),  (чим),  (же),  (гоф) ҳарфларини қўшганлар.

Шунинг учун араб алифбосида ҳарфлар сони 32 тага етган. Эски ўзбек ёзувида ҳам узоқ даврлардан бери ана шу ўттиз иккита ҳарф истифода этиб келинади.

Араб ёзувининг асосий хусусиятлари: а) хат ун-дан чапта қараб ёзилади; б) ёзувда бош ҳарф ҳамда кичик ҳарфлар ифодаланмайди; в) ун-ли товушларнинг айримлари, аниқроғи қисқа ун-лилар ёзувда акс этмайди; д) ҳарфлар бир-бири билан боғланиш-боғланмасликлари жиҳатидан ик-ки гуруҳга бўлинади; г) сўзнинг ўзагида бир хил қўш ундош ёки қўш унли келса улардан бит-тасигина ёзувда ифодаланади. Эски ўзбек ёзуви-нинг бу жиҳатлари ҳақида кейинги дарсларимиз-да махсус тўхталамиз.

ا (алиф) - араб алифбосидаги энг биринчи ҳарф. У муайян вазифаларни бажаради. Бир то-мондан қўшилувчи ҳарфлар сирасига киради, яъни ўзидан олдин келган ҳарфга қўшилиб, ўзидан кейингисига қўшилмайди. Шунинг учун ҳам ёзув-да икки кўринишда акс этади: алоҳида (ا) ҳамда боғланган ҳолда (ل).

ا (алиф) ёзувда а унлисини ифодалайди: اى
-ака; اى - ана.

ا (алиф) сўз бошида мадд белгиси билан кел-ганда (ا) о ҳарфини ифодалайди. Сўз ўртаси

ва охирида келганда, асосан, мадд белгиси ту-
шиб қолади, лекин сўзнинг матний маъносига қа-
раб о тарзида уқилаверади:

ات - от; بابا - бобо;

|(алиф)сўз бошида келиб баъзан и, э, у,

ў унли товушларни ифодалашга хизмат қилади:

اپ - ип; ايل - эл; اويچ - уч; اوت - ўт.
алиф араб хатларининг турларига қараб чў-

зинчоқсимон , ёйсимон шаклларда

ёзилади. У (лом) ҳарфига боғланган ҳолда

келганда кўпинча қия шаклда, сўл томонга оғди-
рилиб ёзилади: у

|(алиф)ёзма шаклда ифодаланганда унинг уст-
ки қисми остки қисмига нисбатан йўғонроқ бўла-
ди. Чунки, қалам юқоридан пастга томон юритил-
ганда қорозга нисбатан чуқурроқ ботади: |

|(алиф) ҳарфининг мустақил ҳолатдаги шаклини
ёзганда қалам тепадан пастга томон юритилса,
уланган ҳолатдаги шаклини ёзишда эса пастдан
тепага томон юритилади. Сатр чизиғида ёзилади.

I - машқ.

Алиф ҳарфининг алоҳида ҳамда

боғланган шаклларда кўринишини олти қатордан ёзиб чиқинг.

2- машқ. Мадр белгили алиф ҳарфини олти қатордан ёзинг.

3- машқ. Алиф ҳарфининг лом ҳарфига боғланган ҳолатини беш қатордан кўчириб ёзинг.

ИККИНЧИ ДАРС

— шаклидаги ҳарфлар

Бу типдаги ҳарфлар тўртта. Улар шаклан ўхшаш, лекин нуқталарининг ўрни ва миқдори билан фарқланиб турадилар.

1.  (бе) араб алифбосидаги иккинчи ҳарф. Ўзбек тилидаги б портловчи ундошини ифодалайди. Ҳар иккала томонидан келадиган ҳарфлар билан боғланади. Шунинг учун ҳам тўрт хил кўриниши (алоҳида - , суз бошида - , сўз ўртасида - , сўз охирида - ) мавжуд. бе ҳарфида битта нуқта бўлади ва у ҳарфнинг остига қўйилади. "Бе" сатр чизигида ёзилади унинг нуқтасигина сатр чизигидан пастга ту-

шади.

Масалан, "бош" сўзини қандай ёзиш керак? У учта ҳарф воситасида ифодаланади. У араб алифбосидаги **ب** (бе), **ا** (алиф) ва **ش** (шин) ҳарфларининг ўзаро боғланиши асосида ясалди. Аввал бе ҳарфининг сўз бошидаги шакли (**ب**)-ни оламиз. Сўнг алиф ҳарфининг сўз ўртасидаги шаклини ёзамиз (**ا**). Ш товуши сўз охирида келаётган бўлса ҳам, уни ифода этувчи шин ҳарфининг алоҳида ёзиладиган шаклини оламиз **ش**. Чунки, аввалги сабоғимизда айтиб ўтганимиздек, алиф ҳарфи ўзидан кейин келган ҳар қандай ҳарфга қўшилмаслик хусусиятига эга. Шу сабабли шин ҳарфининг алоҳида ёзиладиган кўриниши ёзилади, чунки ундан кейин бошқа ҳарф йўқ, акс ҳолда сўз бошидаги шакли ёзиларди.

Натижада қуйидагича бирикув юзага келади:

бош - **ب ا ش** — **ب + ا + ش** — **باش**

Бе ҳарфининг сўзнинг турли ҳолатларида

ёзилишига доир айрим мисоллар:

باتر - ботир - ب + ت + ر
 قبول - қабул - ق + و + ل
 ل اب - лаб - ل + ب
 رواب - рубоб - ر + و + ا + ب

ب (бе) ҳарфининг ёзма ва босма кўринишлари орасида деярли фарк йўқ. Ёзувда баъзан бир оз чузиқроқ тарзда битилади: 

Бу усул хаттотларнинг қороз юзидаги бўшлиқни тўлдириш истаги, субъектив майли билан боғлиқ.

4-машқ. ب (бе) ҳарфининг турли шакллари орти қатордан дафтарингизга кучириб ёзинг.

5-машқ. Тубандаги бўгин ва сўзларни ўқинг ва кучириб ёзинг.

اب، با، باب، بابا، آب، آبا، آبا

2. پ (пе) ҳарфи форслар томонидан киритилган ҳарфларнинг биринчиси. Унинг ўзига ўхшаш ҳарфлардан фарқи учта нуқтаси борлиги ва нуқталарнинг ҳарфининг остига қўйилишидир. Она тилимиздаги п жарангсиз ундошини ифодалайди. Пе

харфи сатр чизиғида ёзилиб, унинг нуқталаригина сатр чизиғидан пастга туширилади. Нуқталарнинг жойлашиш ўрнига ҳам эътибор қилиш керак. Олдинига ёнма-ён иккита нуқта қўйилиб, сўнг уларнинг тагига битта нуқта қўйилади (❖). Бу ҳам ҳар иккала томонидан қўшилиб ёзидувчи ҳарфлар таркибига киради. Тўрт хил ёзилиш шаклига (якка ҳолда پ , сўз бошида پ , сўз ўртасида پ , сўз охирида پ) эга. Масалан:

پ ا د ه — пода
 پ + ا + د + ه — پاد ه
 ا ي پ ا ك — ипак
 ا ي ر پ + ك — ايرپك
 س ي پ — сеп
 س + ي + پ — سپ ي
 ق ا پ — қоп
 ق + ا + پ — قاپ

Келинг, яхшиси ҳарфларни боғлашда қийналмаслигимиз учун пе ҳарфи иштирок этувчи сўзлардан бунтрасини ёзиб кўрайлик. Масалан, "паршон" сўзини қандай ёзамиз?

Аввало, еттита ҳарфдан иборат бўлган ушбу сўзни ифодаловчи ҳарфларни алифбедан ажратиб

оламиз: **پ، ا، ر، ي، ش، ا، ن**
Бу ёзганимиз ҳарфларнинг алоҳида кўринишлари.
Энди уларни сўзда келиш ўрнига қараб изчиллик
билан жойлаштирамиз пе ҳарфи ўша сўзда би-
ринчи ўринда келаётганлиги учун сўз бошидаги
шаклини (**پ**) оламиз. "Паришон" сўзидаги
иккинчи товуш а қисқа унлисидир. Араб ёзуви-
да қисқа унлилар ифода этилмаслигига асосла-
ниб, уни ёзмаймиз.

Учинчиси **ر** (ре) ҳарфи. Бу ҳарфни ёзув
қоидасига мувофиқ пе ҳарфи билан боғлаймиз:


(**پر**) Кейинги ҳарф **ي** (йо). Сўз
ўртасида келаётган бўлса ҳам, унинг сўз боши-
даги шаклини (**پرپ**) ёзишимиз шарт. Нега?
Чунки ре ҳарфи ўзидан олдин келган ҳарфга
қўшилиб, кейингисига қўшилмаслик хусусиятига
эга. Қўшиб ёзилса, ёзув қоидасига хилоф равиш-
да иш тутилган бўлади. Бешинчи ҳарф - **ش** (шин)
нинг сўз ўртасидаги шаклини (**شش**) ёзамиз:
(**پرشش**). Ундан кейинги ҳарф очўзик унлисини
ифодаловчи алифдир. Алифнинг сўз ўртасидаги
шаклини (**ا**) ёзамиз: **پرششا**. Нун ҳарфи сўзда

охирги уринда келаётганлиги ҳамда алифнинг узидан кейинги ҳарф билан боғланмаслигини эътиборга олиб, алоҳида ёзиладиган шаклини () оламиз.

Натижада қуйидагича боғланиш юзага келади:

پارىشون ← پ + سر + ي + ش + مان ← پىرشيان

Пе ҳарфи ҳам ёзувда келиш ўрнига қараб баъзан чўзинчоқ шаклда ёзилади: . Бу ҳарфдаги уч нуқта кўпинча каттароқ бир нуқта шаклида, баъзи ҳолларда қуйидагича ёзиб кетилади:



Бундай усулда ёзиш кўпинча қўлёзма китобларга хосдир.

ЭСЛАТМА: Ёзма ёдгорликларнинг аксариятида п товуши иштирок этувчи сўзларда  (пе) ҳарфи эмас  (бе) ҳарфи ёзиб кетилиши кўзга ташланади.

6-машқ.  (пе) ҳарфининг сўзнинг турли ўринларидаги кўринишларини олти қатордан ёзиб чиқинг.

7-машқ. Қуйидаги сўз ва бўғинларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

پا، اپ، اپا، آپ، آپا، باپ، پاپا

باپا، اپاب، اباب، پاپاب، ابپا

8-машқ. Бе ва пе ҳарфларини алиф билан боғланган ҳолда уч қатордан ёзиб чиқинг.

3. **ت** (те) ҳарфи ўзбек тилидаги т товушига мувофиқ келади. Ҳар иккала томонидаги ҳарфларга қўшиб ёзилади. Сатр чизиғида ёзилади. Тўрт хил кўринишга эга: (якка ҳолда **ت**, сўз бошида **ت**, сўз ўртасида **ت**, сўз охирида **ت**). Те ҳарфида нуқталар сони иккита, улар ҳарфнинг устига қўйилади. Масалан:

ت ي ل - تيل
 ك ي ت ا ب - كيتوب
 ا ن ت - انت
 م ا ت - موت

ت (те) ҳарфнинг икки нуқтаси қўлёзма асарларда кичик чизиқча билан ҳам ифодалаб кетилади: ت

Баъзи манбаларда те ҳарфи сўз ўртасида келса, унинг нуқталари ёнма-ён эмас, балки уст-ма-уст қўйиб кетилиши ҳам кузатилади:

کيندى - кетди тарзида.

ت (те) ҳарфи сўз охирида келган арабча сўзларда сал бошқачароқ ифодаланади. Яъни ҳойи ҳавваз ҳарфи ёзилиб, унинг устига иккита нуқта қўйилади. Масалан: حكمة - ҳикмат.

9-машқ. ت (те) ҳарфнинг турли шакллари олтти қатордан ёзиб чиқинг.

10-машқ. те, бе, пе ҳарфларини узаро боғланган ҳолда ёзиб машқ қилинг.

11-машқ. Мазкур бўгин ва сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

تا، تاب، تاپ، تاپا، بات، باتا، تب
ات، اتا، اتاب، آت، آتا، تات، پت

4. **ش** (се) ҳарфи арабча сўзларга хос.

Тил оралиғи с товушини ифодалайди. Демак, эски ўзбек тилига фақат араб тилидан ўтган сўзлардагина ишлатилади. Ҳар иккала томондан келувчи ҳарфлар билан боғланади. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга: (якка ҳолда **ش**, сўз бошида **ش**, сўз ўртасида **ش**, сўз охирида **ش**). Сатр чизиғида ёзилади.

Се ҳарфида ҳам учта нуқта бор, лекин (пе ҳарфига зид ўлароқ), нуқталар ҳарфнинг устига қўйилади. Се ҳарфида олдин иккита нуқта ёнма-ён қўйилиб, учинчиси уларнинг устига қўйилади. Масалан: **ش**

سابوت - **ش اب ات** — **ش** + **ب** + **ا** + **ت** — **شبات**
ناسر - **ن اش ر** — **ن** + **ش** + **ر** — **نشر**
بويس - **ب اع ش** — **ب** + **ا** + **ع** + **ش** — **باعث**
ماسال - **م اش ال** — **م** + **ش** + **ل** — **مثل**

Се ҳарфининг уч нуқтаси қуйидагича тарзда ҳам ифодаланади:

ث ث ث ث ث ث

I2-машқ. ث (се) ҳарфининг турли кўри-
нишларини олти қатордан ёзиб чиқинг.

I3-машқ. Ушбу бўғин ва сўзларни ўқинг ва
кўчириб ёзинг.

ثا، ثاب، ثابت، ثب، ثبا، ثبات،
اث، اثب، اثبا، اثبات، اثبت

I4-машқ. ت (те) билан پ (пе) ҳамда
ا (алиф) билан ث (се) ҳарфларини ўзаро
боғлаган ҳолда уч қатордан ёзиб чиқинг.

I5-машқ. Утилган ҳарфларни уйда бир неча
вараққа ёзиб машқ қилинг.

I6-машқ. а) Алиф, бе ва те ҳарфларидан фой-
даланган ҳолда қандай сўз ва бўғинлар ясай
оласиз?

б) ўқилиши ва ёзилиши таниш бўлган сўзлар
иштирокида содда гаплар тузишга ҳаракат қилинг.

УЧИНЧИ ДАРС

ز шаклидаги ҳарфлар

Бу типдаги ҳарфлар ҳам тўртта бўлиб, шаклан ўхшаш, аммо нуқталарининг урни ва сони билан фарқланадилар.

I. ج (жим) ўзбек тилидаги жўра, жун сўзларидаги ж ҳарфига тўғри келади. Иккала томондан келувчи ҳарфларга қўшиб ёзилади. Шунинг учун ҳам ёзувда тўрт хил кўринишга эга: (якка ҳолда ج, сўз бошида ج, сўз ўртасида ج, сўз охирида ج). Жим ҳарфида битта нуқта бўлиб, у нуқта ҳарфнинг барча кўринишларида тагига қўйилади.

Жим ҳарфининг якка ҳолда ҳамда сўз охиридаги шакллари сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Унинг нуқтаси эса ҳарфнинг ҳамма кўринишларида сатр чизиғидан пастда бўлади. Мисоллар:

ج ا ه ا ن ← ج ه س ا ن ← جهان — жаҳон
ن ا ج ا ت ← ن ه س ا ت ← نجات — нажот

گانج - گ ان ج ← گ + ن + ج ← گنج
 - ى ل ا ج ← ع + ل + ا + ج ← علاج

ج (жим) типидаги ҳарфларнинг сўз ўртасидаги кўринишлари ёзма ва босма шаклларда бирмунча фарқ қилади. Босмада **ج**, дастхатда **ج** тарзида ёзилади.

17-машқ. **ج** (жим) ҳарфнинг сўзнинг турли ўринларида қўлланадиган шакллари олтти қатордан ёзинг.

18-машқ. **ت** (те) ҳарфини **ج** (жим) билан боғланган ҳолда бир неча қатордан ёзиб машқ қилинг.

19-машқ. Тубандаги бўғин ва сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

جا، آجا، باج، باجا، جاب، جبا،
 تاج، تاجا، جات، بجا، اج، اجبا

2. **چ** (чим) араб алифбосига форслар томонидан қўшилган ҳарфларнинг иккинчисидир. Ўзбек тилидаги **ч** ҳарфига мос тушади. Ҳар иккала томондан келадиган ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга: (якка ҳолда **چ**, сўз бошида **چ**, сўз ўртасида **چ**, сўз охирида **چ**). **чим** ҳарфида нуқталар миқдори учта бўлиб, улар ҳарфнинг ҳамма кўринишларида тагига қўйилади.

Чим ҳарфининг мустақил ҳолатдаги ҳамда сўз охиридаги кўринишлари сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. Ҳарфнинг нуқталари сатр чизигидан пастга қўйилади. Нуқталарнинг жойлашиш тартиби худди **пе** ҳарфиники кабидир. Мисоллар:

چال — чол
 باغچ — боғча
 كىچ — кеч
 امچ — омоч

Чим ҳарфининг нуқталари дастхатда қўйида-

гича шаклларда ҳам келади:

چ چ چ چ چ

Эски ўзбек имлосида **چ** (чим) харфи жуда кам қўлланиб, унинг ўрнига, асосан, **ج** (жим) харфи ишлатилган, лекин аксари ҳолларда мазмунга қараб ч ўқилаверган.

20-машқ. **چ** (чим) харфининг тўрт хил ёзилиш шаклини олти қатордан кўчириб ёзинг.

21-машқ. Қуйидаги бўғин ҳамда сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг:

چا، چاپ، چاپا، چاچ، پاچا، آچ، آچا،
چات، چت، چتا، چپ، پچا، چپا

22-машқ. **ب** харфини чим билан боғлаган ҳолда уч қатордан ёзинг.

23-машқ. Ўзингиз мустақил равишда жим ва чим харфлари иштирок этувчи сўзлардан топиб ёзишга ҳаракат қилинг.

3. **ح** (ҳойи ҳуттий ёки ҳе) харфи ўзбек

тилидаги ҳ товушига яқин келади. Бу ҳарф фақат араб тилидан ўтган сўзларда учрайди. Иккала томонидан келувчи ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил кўриниши мавжуд: (якка ҳолда **ح**, сўз бошида **ح**, сўз ўртасида **ح**, сўз охирида **ح**). Унинг шу типдаги ҳарфлардан фарқи нуқтаси йўқлигидадир. Ҳойи ҳуттий ҳарфининг сўз боши ва сўз ўртасидаги кўринишлари сатр чизиғида ёзилиб, қолган шакллари сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Мисоллар:

ح - ҳоким **ح** **ا** **ك** **ر** **م** ← **ح** **ا** **ك** **ر** **م** ← **ح** **ا** **ك** **ر** **م** ← **ح** **ا** **ك** **ر** **م**
ح - маҳрам **ح** **ا** **ر** **ا** **م** ← **ح** **ا** **ر** **ا** **م** ← **ح** **ا** **ر** **ا** **م** ← **ح** **ا** **ر** **ا** **م**
ح - сатҳ **ح** **ا** **ط** **ا** **ح** ← **ح** **ا** **ط** **ا** **ح** ← **ح** **ا** **ط** **ا** **ح** ← **ح** **ا** **ط** **ا** **ح**
ح - руҳ **ح** **ا** **ر** **و** **ح** ← **ح** **ا** **ر** **و** **ح** ← **ح** **ا** **ر** **و** **ح** ← **ح** **ا** **ر** **و** **ح**

Қулёзма китобларда ҳойи ҳуттий ҳарфининг тағига қуйидагидек белги (**ح**) қўйиб кетилади. Бу унинг шу шаклдаги ҳарфлардан фарқлаш ва юмшоқ талаффуз этилиши зарурлигини англатади. Мазкур белги ҳойи ҳуттий ҳарфининг ҳамма кўринишларида эмас, балки сўз бошида ҳамда сўз ўртаси-

даги шаклларида кўпроқ учраши кўзатилади. "Майин", "кўмшоқ" маъноларидаги "ҳилм" сўзининг ёзилишига диққат қилайлик: . Ушбу ҳарфнинг ана шу белгисидан беҳабар ўқувчи уни "чилм" деб ўқиши, бу эса сўз маъносига путур етказиши мумкин.

24-машқ.  (хойи ҳуттий) ҳарфининг сўзининг турли ўринларидаги шаклларини олти қатордан ёзиб чиқинг.

25-машқ. Қуйидаги бўғин ва сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг:

حَا، حَاج، حَاجَت، حَاجِب، حَب، حَبَاب، حَبَابٌ، حَج، حَجَا، حَجَاب، حَجَّت، حَجَّتْ، حَجَّتْ

4.  (хе) ҳарфи ўзбек тилидаги х товушини ифодалайди. Ҳар иккала томондан келадиган ҳарфларга қўшиб ёзилади. Турт хил ёзилиш шакли (якка ҳолда , сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида ) га эга. Унда нуқта битта бўлиб, ҳарфнинг барча кўринишларида устига қўйилади. Хе ҳарфининг якка ҳолда

ва сўз охиридаги шаклларигина сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. Мисоллар:



خالِق - халқ ← خ + ل + ق ← خلق
 باخْت - бахт ← ب + خ + ت ← بخت
 تالِخ - талх ← ت + ل + خ ← تلخ
 شاخ - шох ← ش + ا + خ ← شاخ





Хе ҳарфнинг ёзма, босма турлари орасида айтарли фарқ сезилмайди. Эски ёзувимизни бошловчи ўрганувчилари бу ҳарфнинг сўз охиридаги шаклини кўпинча غ (гайн) ҳарфнинг якка ҳолдаги шаклига ўхшатиб ёзишади. Ҳолбуки, бу икки кўринишларини жиддий фарқлаш керак. Қиёсланг: خ -хе, غ -гайн.

Энди, хе ва жим ҳарфи қатнашувчи сўзлардан бирини ёзайлик. Масалан, ханжар сўзини қандай ёзамиз. Даставвал, алифбо жадвалидан ўша сўзни ташкил этган ҳарфларни ажратиб оламиз.

Сўнгра эса ҳарфларнинг ҳар бирини сўзда келиш ўрнига қараб жойлаштирамиз. "Ханжар" су-

зидаги биринчи ҳарф х бўлиб, уни ифода этувчи хе ҳарфининг сўз бошидаги шаклини оламиз.

 . Иккинчи ҳарф қисқа а унлиси бўлганлиги учун уни тушириб қолдирамиз. Учинчи ҳарф н, уни ифода этувчи нун ҳарфининг сўз ўртасидаги шаклини () ёзамиз ва хе га боғлаймиз  . Тўртинчи ҳарф ж сўз ўртасида келаётганлиги учун унинг ҳам сўз ўртасидаги шаклини () ёзиб, олдинги бирикмага боғлаймиз.  . Сўзнинг иккинчи бўғинида келаётган а ҳам қисқа унли бўлгани учун тушириб қолдириб, кейинги ҳарфга ўтамиз. Сўз охирида келаётган р ҳарфини боғлаймиз. Уни ифодаловчи р (ре) ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиш хусусиятига эга бўлгани учун уни жим ҳарфига боғлаймиз.  . Натижада қуйидаги бирикув юзага келади:

 - ханжар       - ханжар

26-машқ.  (хе) ҳарфининг ёзилиш шакллари олти қатордан ёзинг.

27-машқ. Ушбу бўғин ва сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

خا، خاب، خابا، ختا، خب، باخ،
بخت، تخت، بخت، خابجا

28-машқ. Қуйидаги бўғин ва сўзларни эски ўзбек имлосида ёзинг: чо, со, хо, жо, то, оч, бож, тож, бажо, исбот, собит, ҳожж, чоп, чоч, поча, ҳожат, тахт, ҳужжат, ижобат.

29-машқ. ج (жим) ва خ (хе) ҳарфларини ا (алиф), ب (бе), ت (те) ва ح (ҳойи ҳуттий) ҳарфлари билан боғланган ҳолда бир неча қатордан ёзиб чиқинг.

30-машқ. Қуйидаги ҳарфларни ўзаро боғланг, қандай сўз келиб чиқишини ва маъносини айтинг.

ح اج ب، ح اج

31-машқ. Мазкур сўзларни ўқинг, алифбодан фойдаланган ҳолда улар иштирокида гап тузинг.

اجابت، حجاب، بخت، تاج

ТЎРТИНЧИ ДАРС

ﻩ (дол) ва ﺩ (зол) ҳарфлари.

ﻩ (дол) - эски ўзбек алифбосидаги ўнинчи ҳарф. У ўзбек тилидаги д товушини ифода этади. "Дол" фақат бир томондан қўшиб ёзилувчи ҳарфлар таркибига киради. Шунинг учун ҳам у икки кўринишга эга: (алоҳида ﻩ , уланганда ﺩ). Ўнг томондан келган ҳарфга қўшилиб, чап томондагисига қўшилмасдан ёзилади. Сатр чизиргида ёзилувчи ҳарфлардан. Мисоллар:

داس ت ← د + س + ت ← دست - даст

قادر ← ق + د + ر ← قدر - кадр

پان د ← پ + ن + د ← پند - панд

موراد ← م + و + ر + ا + د ← مراد - мурад

Дол ҳарфининг сўз ўртаси ва охиридаги кўринишлари босма ва ёзма хат турида бирмунча фарқланади. Босма турда дол ҳарфининг устки қисми кўпроқ эгик ҳолатда бўлади. Масалан,

"далда" сўзининг босма ҳамда ёзма шакллари
қиёсланг: **دلده** (далда) ва **دلده**
(далда).

Агар ўқувчи **د** (дол)нинг ёзилиш шакл-
ларини яхши билмаса, "далда" сўзини "далра"
деб ўқиши ҳеч гап эмас. Дол акралиб ёзилувчи
ҳарфлардан бўлса ҳам, баъзан ёзувда хаттотлар-
нинг хоҳиш-истакларига қараб қоидага хилоф ра-
вишда ўзидан кейин келган ҳарфга қўшиб ёзилиши
ҳам кузатилади: **دار** -дор; **دور** - давр
шаклида. Буни шошиб ёзувчи хаттотнинг иши деб
ҳам изоҳлаш мумкин.

Хаттотлар аксарият ҳолларда дол ҳарфидан
кейин ҳойи ҳавваз ҳарфи келса қўйидагича тарз-
да қўшиб ёзганлар. Масалан: **باد** -бода.

32-машқ. **د** (дол) ҳарфининг алоҳида ҳам-
да боғланган ҳолатдаги шакллари олти қатордан
ёзиб чиқинг.

33-машқ. Тубандаги сўزلарни ўқинг ва кўчи-
риб ёзинг:

ادا، داد، دادا، بد، باد، جدا،

ابد، ادب، آداب، آباد، حد، خدا

34-машқ. Ўзингиз мустақил равишда ﴿ (дол) ҳарфи иштирок этувчи сўзлардан топиб араб алифбосида ёзинг.

؛ (зол) ҳарфи ҳам ёзувда ифодаланиши жиҳатидан ﴿ (дол)га ўхшаш хусусиятларга эга. Зол тиш оралигида талаффуз қилинувчи товуш, у фақат араб тилидан кирган сўзларда учрайди. Ўзбек тилидаги з ҳарфига яқин келади. Бу ҳарф ҳам ўзидан олдинги ҳарфга қўшил**иб**, кейингисига қўшил**майдиган** ҳарфлар сирасига киради. Икки хил кўринишга эга (якка ҳолда ؛ , боғланган шаклда **ند**). Сатр чизиғида ёзилади. дол дан устида битта нуқтаси борлиги билан фарқ қилади. Мисоллар:

ذاکیر - зокир ← ذاکیر ← ذاکیر
مذکور - мазкур ← مذکور ← مذکور
لاذیذ - лазиз ← لاذیذ ← لاذیذ

35-машқ. ذ (зол) ҳарфнинг боғланган ҳамда якка ҳолда келган шаклларини олти қатордан ёзиб чиқинг.

36-машқ. Қуйидаги бўғин ва сўзларни ўқинг ва дафтарингизга кўчириб ёзинг:

ذات، اذا، جذب، جاذب، ذاتا

37-машқ. Ўтилган ҳарфлар иштирокида сўз ва бўғинлар ясанг.

38-машқ. Тубандаги ҳарфларни алфавитдаги ўрни бўйича жойлаштириб, улар иштирокида сўз бўғинлари ҳосил қилинг.

ج، ث، ا، خ، ب، ذ، چ، پ

БЕШИНЧИ ДАРС

шаклидаги ҳарфлар

Бу хилдаги ҳарфлар учта. Улар ҳам шаклан ўхшаш, бироқ нуқталарининг ўрни ва миқдори билан фарқланадилар.

I. **ر** (ре) ҳарфи ўзбек тилидаги **р** тову-
 шини ифодалайди. Ўздан олдинги ҳарфга қўши-
 либ, кейингисига қўшилмайди. Икки хил ёзилиш
 шаклига эга (якка ҳолда **ر** , боғланган ҳол-
 да **ر**). Шу типдаги ҳарфлардан фарқи шуки,
 нуқтаси йўқ. Ҳарфнинг маълум қисми сатр чизи-
 гидан пастга тушириб ёзилади. Мисоллар:

راح م — رح + م — رحم — раҳм
 اس رار — اس + ر + ر — اسرار — асрор
 ل اب ار — ل + ا + ب + ر — لابر — лобар
 ق ار ار — ق + ر + ر — قرار — қарор

Ёзма шаклда, **ر** (ре) ҳарфи сўзнинг ўрта-
 си ва охирида келса, ўздан олдинги ҳарфдан
 пастга тушириб ёзилади, боғланиш чизиғи сезил-
 май кетади:

پر پر پر — пар

39-машқ. **ر** (ре) ҳарфининг якка ҳамда
 боғланган шаклларини олти қатордан ёзиб чиқинг.

40-машқ. Мазкур сўзларни тўғри ўқинг ва
 дафтарингизга кўчириб ёзинг:

آرا، بار، بارار، تارا، تاراج، خبر، جراح،
 جراحات، راحت، خرج، خراج، دار، دارا،
 جبر، جابر، پاد، حرارت، ارباب، درخت

4I-машқ. ر (ре) ҳарфи иштирокидаги сўз-

лардан топиб, араб алифбоси асосида ёзиб чи-
 қинг.

2. ز (зе) ҳарфи ўзбек тилидаги з ҳар-
 фини ифодалайди. ز (зе) ўзига ўхшаш ҳарф-
 лардан битта нуқтаси борлиги билан фарқланади.
 Ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиб кейингисига қў-
 шилмайди. Икки хил кўринишга (якка ҳолда ز ,
 боғланган ҳолда ز) эга. Сатр чизигидан
 пастга тушириб ёзилади. Мисоллар:


زبان - забон — ز + ب + ان — ز + ب + ان
 ماخزون - маҳзун — م + ح + ن + و + ن — م + ح + ن + و + ن
 پاليز - полиз — پ + ل + ي + ز — پ + ل + ي + ز
 آواز - овоз — آ + و + ا + ز — آ + و + ا + ز


Қўлёзма китобларда зе ҳарфи ўзидан олдинги ҳарфга боғланиб келганда, кўпинча унги томонга сал оғдирилган алиф ҳарфига ўхшаб кетади: Масалан, жазо сўзининг ёзилиш шаклини кўрайлик:


جا

Одатда, китобни тезроқ кўчириб битказиш ниятида бўлган котиблар зе ҳарфини ана шундай шаклда ёзиб кетишган.

3.  (же) ҳарфи араб алифбосига форслар томонидан киритилган ҳарфларнинг учинчисидир. Ўзига ўхшаш ҳарфлардан устига қўйилган учта нуқтаси билан фарқ қилади. Бу ҳарф ҳам ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиб, кейинги ҳарфга қўшилмайди. Икки хил ёзилиш шаклига эга: алоҳида , уланган ҳолда . Же журнал сўзидаги ж товушига мос келади. Сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Мисоллар:

аждар - 

мужда - 

мужгон - 

каждум — ک اشردوم — ک + ش + د + و + م — ک شردوم

42-ماشқ. ژ (зе) ва ژ (же) харфларининг турлича ёзилиш шаклларини олти қатордан ёзиб чиқинг.

43-ماشқ. Қуйидаги сўзларни тўғри ўқинг ва кўчириб ёзинг.

زار، راز، باز، بازار، آرز، آزار، ارار، زرب،
رخ، اشرد، زرد، زربز، زرداب، زردار، زخاب

44-ماشқ. Ўтилган харфлар иштирокида сўзлар тузинг ва эски ўзбек имлоси асосида ёзинг.

45-ماشқ. د (дол) ва ذ (зол) харфларини ا (алиф) ت (те), چ (чим), ر (ре), ژ (же) харфлари билан ўзаро боғланган ҳолда сўз бўғинлари ясанг.

46-ماشқ. Мазкур харфлардан фойдаланган ҳолда қандай сўзлар ясай оласиз?

ت، ر، د، ا، ب، ج، ز، پ

47-ماشқ. Ўтилган икки хил кўринишдаги

харфларни ажратиб ёзинг. Улар иштирокида сўзлар ясанг.

48-машқ. د (дол) билан / (ре) ҳамда
ذ (зол) билан ز (зе) ҳарфларининг турли кўри-
нишларини ўзаро қиёсланган ҳолда икки қатордан
ёзинг.

ОЛТИНЧИ ДАРС

س (син) ва ش (шин) ҳарфлари

س (син) ҳарфи ўзбек тилидаги с тову-
шини ифодалайди. Ҳар иккала томонидан келувчи
ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил ёзилиш шакли
мавжуд: (якка ҳолда س, сўз бошида س,
сўз ўртасида س, сўз охирида س). Син
ҳарфининг якка ҳолда ҳамда сўз охиридаги шакл-
лари сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади.

Мисоллар:

س - сочиқ ← س + چ + يد + ق ← س + پ + ا + ي + ق

ج - жисм ← ج + س + م

ن - нафас ← ن + ف + س ← ن + ف + س

дарс - **وارس** ← **واريس** ← **درس**

Син ҳарфи қўлёмаларда икки ҳолатда уч-
райди: тишли **س**, ҳамда тишсиз **س**.
яъни бир чизиқ шаклида.

Син ҳарфининг қўлёмаларда ифодала-
ниши яна бир неча хусусиятга эга:

а) син баъзан, сўзнинг қайси ўринларида
келишидан қатъий назар, остки қисмига уч нуқта
қўйилган ҳолда ёзилади: **حسين** ҳусн.

Эслатма: Араб ёзувини ўрганаётган ўқувчи-
лар син тагига қўйиладиган уч нуқтага қараб,
уни **پ** (пе) ҳарфи билан алмаштириб юбормас-
ликлари лозим;

б) син ҳарфи сўз охирида (кўпинча бир
томондан қўшиб ёзилувчи ҳарфлардан кейин кел-
ганда) ҳарф устига миндириб ёзилади:

قياس - қиёс, **يولباري** - йулбарс.

Айрим хаттотлар сўзда ҳарфларнинг бир-
бирига боғланиш чизиғини атай чўзиқ ёзадилар.
Бунда гўё син ҳарфининг сўз ўртасидаги шакли

ҳосил бўлганга ўхшайди:

ҳижрон - ҳижрон,
جمع - жам(ъ). Уни син деб ўқимаслик
керак. Хаттотлар, юқорида таъкидлаганимиздек,
қороздаги бўшлиқни тўлдириш ва ёзувнинг чирой-
ли чиқишини назарда тутиб шундай йўл тутадилар.

49-машқ. س (син) ҳарфининг сўзнинг
турли ўринларидаги шакллари орти қатордан
ёзиб чиқинг.

50-машқ. Тубандаги сўزلарни ўқинг ва даф-
тарингизга кўчириб олинг:

ساز، سات، ساپ، أس، آست،
راست، ساچ، پست، اسرار، سر،
باس، اساس، اسباب، سراب،
جسارت، استراحت، سرحد، سرباز

51-машқ. Син ҳарфининг қўлёзма асарларга
хос ёзув шаклини уч қатордан ёзиб чиқинг.

52-машқ. Қуйидаги сўзларни араб ёзувида ифодаланг: дор, чорпо, жар, боадаб, чодир, обод, роҳат, адир, сабз, масоҳат.

ش (шин) ҳарфи ўзбек тилидаги ш ҳарфига тўғри келади. Ҳар иккала томонидан келувчи ҳарфларга боғланади. Тўрт хил ёзилиш шаклига (якка ҳолда ش, сўз бошида شش, сўз ўртасида شش, сўз охирида شش) эга.

Мисоллар:

ش ا ه ا ر - шаҳар ← ش + ه + ر
 ب ا ش ا ر - башар ← ب + ش + ر
 ت ي ش - тиш ← ت + ي + ش
 ق و ش - қуш ← ق + و + ش

Син ҳарфига хос хусусиятлар кўп жиҳатдан шинга ҳам тегишлидир. Шин қўлёзма асарларда кўпинча тишсиз ёзилади: پشيمان - пушаймон. Шин ҳарфининг синдан фарқи шуки, устида учта нуқтаси бўлади. Бу учта нуқта қўлёзма асарларда қуйидагича ифодаланади:

ش ش ش ش

53-машқ. **ش** (шин) ҳарфининг сўзнинг турли ўринларидаги шаклларини олти қатордан ёзиб чиқинг.

54-машқ. Син ва шин ҳарфларини бир томондан қўшилувчи ҳарфлар билан ўзаро боғланган ҳолда ёзинг ва қандай сўз ва бўғинлар ҳосил бўлишини изоҳланг.

55-машқ. Мазкур сўзларни ўқинг ва кўчириб олинг:

شاش، باش، تاش، ستاب، شارت،
شربت، آش، آشپز، تشبث، شمر، شمر،
شراب، شاد، شرار، شاخ، چاش، شاپ

56-машқ. Утилган ҳарфлар иштирокида ўнта сўз топинг ва эски ўзбек алифбосида ёзиб чиқинг

57-машқ. Шин ҳарфининг қўлёзма китобларга хос шаклларини тўрт қатордан ёзиб чиқинг.

58-машқ. Ушбу ҳарфларни ўзаро боғлаган

Холда сўзлар ясанг:

ر، س، ا، ب، د، ش

ЕТТИНЧИ ДАРС

ص (сод) ва ض (зод) ҳарфлари

ص (сод) ҳарфи ўзбек тилидаги с товушига яқин келади. Ҳар иккала томонидаги ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил кўринишга эга: (якка ҳолда ص , сўз бошида ص , сўз ўртасида ص , сўз охирида ص). Сод – тил орқа ундоши, у фақат араб тили орқали кириб келган сўзларда учрайди.

Сод ҳарфининг сўз бошидаги ва сўз ўртасидаги шаклларигина сатр чизигида ёзилади. Қолган кўринишлари сатр чизигидан пастга тушади. Мисоллар:

ص ای اد ← ص پی با د ← ص یاد сайёд
واصل ل ← و ص مل ← وصل васл
ق اص د ← ق ص د ← قصد қасд

қасос - ق اص اص - قو + ص اص - قصاص

59-машқ. ص (сод) ҳарфининг сўзнинг турли ўринларидаги шакллари орти қатордан ёзиб чиқинг.

60-машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

صاحب، صبا، صباح، صباحت،
صبح، صد، صدا، صادر، صحراء، رخصت،
صابر، صبر، شخص، احتراض، رصد.

61-машқ. Қуйидаги ҳарфларни алифбодаги ўрни буйича жойлаштиринг.

ح، ذ، خ، ث، ر، س، ت، چ، ز، پ

62-машқ. Сод ҳарфи иштирокидаги сўзлардан бир нечтасини дафтарингизга ёзинг.

ض (зод) ҳарфи з товушига яқин келади. Устидаги нуқтаси билан сод ҳарфидан фарқ қилади. Бу ҳам тил орқа товушларидан, араб тилидан кирган сўзлардагина қўлланади. Ҳар иккала томо-

нидаги ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил ёзи-
лиш шаклига эга (якка ҳолда **ض**, сўз боши-
да **ض**, сўз ўртасида **ض**, сўз охирида
(**ض**). Зод ҳарфининг якка ҳолдаги ҳамда сўз
охиридаги шакллари сатр чизигидан пастга туши-
риб ёзилади. Мисоллар:

ض ي ا - зиё
غ اض اب - газаб
ق اض ا - қазо
ع رض - арз

Сод ва зод ҳарфларининг ёзма ва босма
шакллари бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Маз-
кур ҳарфлар кўпинча қўлёзма китобларда бир то-
мондан боғланувчи ҳарфлардан кейин келганда
ўлар устига мингаштириб ёзилади. **خاص** - хос.

Эслатма: **ض** (зод) ҳарфини араблар
ض (дзад) деб юритишади ва **ض** (дз) тар-
зида талаффуз қилишади: **ضرب** - дзарб,
ضرب - дзараба.

63-машқ. ض (зод) ҳарфнинг сўзнинг турли ўринларидаги шаклларини олти қатордан кўчириб ёзинг.

64-машқ. Қуйидаги сўزلарни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

ضرب، خضر، حاضر، حضرت، رضا،
ضرب، ضربدار

65-машқ. Луғатдан фойдаланган ҳолда сод ва зод ҳарфлари иштирок этувчи сўزلардан ўнта-сини дафтарингизга кўчириб олинг. Уларнинг ёзилишини ёдда тутинг.

САККИЗИНЧИ ДАРС

б (то ёки итқи) ва ب (зо ёки изғи)
ҳарфлари

б (то ёки итқи) ўзбек тилидаги т ҳарфига яқин келади. Ўнг ва чап томондан келган ҳарфларга боғланади. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга: (якка ҳолда б, сўз бошида ب, сўз ўртасида ب, сўз охирида ب). Бу товуш ҳам араб тилидан кириб келган сўзлар учун хосдир. Сатр чизиғида ёзилувчи ҳарфлардан. Мисол-

лар:

طالب - талаб ← ط + ل + ب ← طلب

لطف - лутф ← ل + ط + ف ← لطف

خات - хат ← خ + ط ← خط

شارت - шарт ← ش + ر + ط ← شرط

ظ (зо ёки изғи) ўзбек тилидаги з товушига яқин келади. Ҳар иккала томонидан келувчи ҳарфларга қўшилиб ёзилади. Тўрт хил ёзилиш шаклига (якка ҳолда **ظ**, сўз бошида **ظ**, сўз ўртасида **ظ**, сўз охирида **ظ**) эга. Бۇ ҳам тил орқа ундоши, у араб тилидан кирган сўзлардагина ишлатилади. Бу ҳарф ҳам сатр чизиғида ёзилади. Мисоллар:

ظافر - зафар ← ظ + ف + ر ← ظفر

نظار - назар ← ن + ظ + ر ← نظر

ظاهر - зоҳир ← ظ + ه + ر ← ظاهر

لافظ - лафз ← ل + ف + ظ ← لفظ

То дан фарқли ўлароқ зо ҳарфининг устига бир нуқта қўйилади. То ва зо ҳарфларининг тик тушган чизиғи қўлёзма манбаларда ҳарфнинг асосий қисми билан боғланмасдан ёзиб кетилади:

66-машқ. **б** (то) ва **ظ** (зо) ҳарфларининг сўзнинг турли ўринларидаги шаклларини уч қатордан ёзиб чиқинг.

67-машқ. Тубандаги сўزلарни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

خط، خطا، خطاب، خطا ط، طرح،
شروط، طرز، طب، طبابت، خاطر، ضبط

68-машқ. Луғатдан то ва зо ҳарфлари иштирок этувчи сўزلарни кўчириб олинг. Имлосини ёдда сақланг.

69-машқ. Зо ҳарфини алиф, те ва ре ҳарфлари билан боғлаган ҳолда бир неча қатордан ёзиб чиқинг.

ТУҲКИЗИНЧИ ДАРС

ع (айн) ва ع (ғайн) ҳарфлари

ع (айн) ёзувдаги вазифалари жиҳатидан бошқа ҳарфлардан ажралиб туради. Тўрт хил кўринишга (якка ҳолда ع, сўз бошида ع, сўз ўртасида ع, сўз охирида ع) эга. Айн ҳарфининг мустақил ҳолдаги ҳамда сўз охиридаги шакллари сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. Айн ҳам араб тили учун хос бўлган портловчи бўғиз товушидир. Тилимизнинг лексик составидаги араб тили орқали кирган сўзлардагина учрайди. аъ, еъ, иъ, уъ, эъ товуш бирикмаларини ифодалашга хизмат қилади. Қуйидаги хусусиятларга эга:


а) айн ҳарфи сўз бошида келганда тилимизга ўзлашган сўзларнинг айримлари а товуши сифатида талаффуз қилинади ва ёзилади: عمل - ақл:

عمل - амал.



б) араб тилидан ўзлашган баъзи бир сўзларда эса и унли товушини англашиб келади:

علم - илм; عمارت - иморат.

в) араб тили орқали кириб келган айрим сўзларда у ёки ў товушларини ифодалайди:


 - умр,  - убайдулло.

г) баъзи сўзларда о товушини ифодалайди, бунинг учун ёзувда айнга алиф ҳарфи қўшиб ёзилиши шарт:


 - олим,  - оқил.

Эслатма: Шунини айтиш керакки,  (ё) ҳарф бирикмаси сўз бошида келса, у кўпинча ба-
жарувчи шахсни билдиради.

 — илм
 — ишқ


 — олим
 — ошиқ


Айн ҳарфи сўз бошида алифдан кейин келганда кўпинча ҳозирги ёзувимизда айриш белгиси билан ифодаланади:

 — аътибор

 — аъло

Баъзи сўзларда айн ҳарфи сўз бошида ўз хусусиятларини йўқотган:

 (асо) — ҳасса;

 — (ийд)ҳайит.

Мазкур сўзлар асрлар давомида ўз талаффуз хусусиятини йўқотиб, ўзбек тилининг талаффуз қоидаларига мослашган.

Айн сўз ичида ёпиқ бўғиндан кейин келса, кейинги бўғинни олдингисидан ажратиб туради. Бу хусусият ҳозирги ёзувимизда айриш белгиси орқали берилади:

بدعت - бидъат, *سُنِّي* - сунъий.

Ҳозирги замон ўзбек тилидаги араб тили орқали кириб келган айрим сўзларда айн талаффуз ҳам қилинмайди, ёзилмайди ҳам. Лекин бу сўзлар эски ўзбек ёзувида ифодаланадиган бўлса, айн ҳарфи ёзилиши шарт:

ط ا ل ي ع — ط + ل + ل + ع — طالع — толе (ъ)
 ت ا ب ي ع — ت + ب + ب + ع — تابع — тобе (ъ)
 ج ا م ع — ج + م + ع — جامع — жам (ъ)
 ن ا ف ع — ن + ف + ع — نافع — наф (ъ)

70-машиқ. ع (айн) ҳарфининг сўзнинг

турли ўринларидаги шаклларини олти қатордан кўчи-

риб ёзинг,

71-машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг, дафта-рингизга кўчириб олинг, ёзилишини ёдқа тутинг, талаффузи ва ёзилиш хусусиятларига эътибор беринг:

عابد، عاجز، عادت، عرض، عار،
ساعت، عجرت، عصب، طبع، عطر،
استعداد، اطاعت، شاعر، اختراع، طاعت

72-машқ. Фақат мана бу ҳарфлардан фойдаланиб, қандай сўзлар ясай оласиз?

ص، ث، ا، ع، س، د، ت

73-машқ. айн ҳарфининг ёзилиш шаклларини уйда бир неча вараққа ёзиб, машқ қилинг. Улар иштирокида мустақил равишда сўзлар ёзинг.

غ (гайн) ҳарфи ўзбек тилидаги ғ товушига мос келади. ع (айн) ҳарфининг устига бир нуқта қўйилса، غ (гайн) ҳосил бўлади.

Ҳар иккала томонидаги ҳарфлар билан боғланиш хусусиятига эга. Тўрт хил ёзилиш шакли мав-

жуд: (якка ҳолда  , сўз бошида  , сўз ўртасида  , сўз охирида ).

гайн ҳарфининг сўз бошидаги ва ўртасидаги шакллари сатр чизигида ёзилиб қолган шакллари тушириб ёзилади.

 ай рат	гайрат
 м ағ р и б	мағриб
 т и ғ	тиғ
 т а ғ	тоғ

Эски ўзбек тилида ҳозир қ ҳарфи билан ёзиладиган сўзлар ғ талаффуз қилинган ва ёзилган. Бу ҳозир қ ҳарфи билан туговчи сўзларда кўзга ташланади:

– аччиғ(қ), 
 – балиғ(қ), 

74-машқ.  (гайн) ҳарфининг сўзнинг

турли ўринларидаги шаклларини олти қатордан ёзиб чиқинг.

75-машқ. Мазкур сўзларни ўқинг ва дафта-

рингизга кўчириб ёзинг:

غارا، غاز، غرض، تاغ، باغ، تاغارا، ساغ،
زاغ، چاغ، باغر، چاغر، غبار، غرات،
زاغارا، داغ، غرب، غربت، غش

76-машқ. Тубандаги сўзларни эски ўзбек

имлоси асосида ёзиб чиқинг: шиор, ор, арз,
ғубор, боғ, тиф, ғазот, ғарб, ғор, шоир, бағир,
ғурбат, атр, шижоат, шеър.

77-машқ. Фақат мана бу ҳарфлар иштирокида
қандай сўзлар ясай оласиз?

خ، ز، غ، ش، ا

78-машқ. Ғайн ҳарфининг сўз ўртасида кел-
ган шаклига мисоллар топинг ва араб алифбоси
асосида ёзиб чиқинг.

ЎНИНЧИ ДАРС

ف (ффе) ва ق (қоф) ҳарфлари

ف (ффе) ҳарфи тилимиздаги ф товушига муво-
фиқ келади. Фе ҳарфининг устида битта нүктаси

бўлади. Унг ва чап томондан келадиган ҳарфлар билан боғланади. Тўрт хил ёзилиш шаклига (якка ҳолда **ف**, сўз бошида **ف**, сўз ўртасида **ف**, сўз охирида **ف**) эга. Ф сатр чизиғида ёзилувчи ҳарфлардан.

ف - фахр — **ف** + **خ** + **ر** — **فخر**
ص - сафо — **ص** + **ا** + **ف** + **ا** — **صافا**
و - васф — **و** + **ص** + **ف** — **وصف**
ح - ҳарф — **ح** + **ا** + **ر** + **ف** — **حرف**

Баъзи хаттотлар аксарият ҳолларда **ف** (фе) ҳарфининг сўз ўртасидаги (**ف**) шаклини **ف** (ғайн) ҳарфининг сўз орасидаги (**ف**) шаклига ўхшатиб ёзишади. Уларнинг ўзаро фарқларини контекстан келиб чиққан ҳолда англаш мумкин.

Эски ўзбек ёзуви ёдгорликларида п товуши иштирок қилувчи айрим сўзларда кўпинча таллаффузига қараб **ف** (фе) ҳарфи ифода этилган.

79-машқ. **ف** (фе) ҳарфининг ёзилиш шакллари орти қатордан ёзиб чиқинг.

80-машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг, кўчириб

ёзинг:

فاش، فرد، فتح، فاتح، فردا، فرصت، ظرف،
طرف، اطراف، بخت، تفت، شرافت،
انتخاب، آفت، دفتر، سفر، صاف، شرف

81-машқ. фе ҳарфининг сўзнинг бошидаги

шаклига мисоллар топиб араб ёзувида ёзиб чи-
қинг.

82-машқ. фе ҳарфини икки хил кўринишга эга
бўлган ҳарфлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ёзиб
чиқинг.

ق (қоф) ҳарфи ўзбек тилидаги қ товуши-
ни ифодалайди. Қоф устига қўйилувчи иккита нуқ-
таси ва нисбатан чуқурроқ ярим доира қилиб ёзи-
лиши билан фе дан фарқланади. Ўзидан олдин ва
кейин келган ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил
ёзилиш шаклига (якка ҳолда ق , сўз бошида
قو , сўз ўртасида قو , сўз охирида ق)
эга. Қофнинг якка ҳолда ҳамда сўз охиридаги шакл-
лари сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади.

قاتل - қотил - قاتل - قاتل - قاتل

ناقل - нақл - نقل - نقل - نقل

قىلىق - қилиқ - قىلىق - قىلىق - قىلىق

طاق - тоқ - طاق - طاق - طاق

Ёзма нусхаларда **ق** (қоф) ҳарфи устидаги икки нуқта қўшилиб ёхуд кичкина чизиқча билан ифодалаб кетилаверади. Баъзан эса икки нуқта ҳарфнинг қайрилиш чизиғи билан қўшиб ёзилиши ҳам мумкин:

ق ق ق ق ق

83-машқ.

ق (қоф) ҳарфининг ёзилиш шаклларини олти қатордан кўчириб ёзинг.

84-машқ.

Ушбу сўзларни ўқинг, дафтарингизга кўчириб олинг:

قا، قاش، قاپ، قراق، فراق، فرق،
شرق، قضا، تقاضا، صادق، صداقت،
غرق، فقر، فقرا، عاقبت، شفقت،
قداق، شفق، قاچ، چاق، عقرب، قفس

85-машқ. Ҳар бирингиз мустақил ҳолда **ف** (фе) ва **ق** (қоф) ҳарфлари иштирок этувчи сўзлардан топиб, эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг.

86-машқ. **Қоф** ҳарфининг сўз охиридаги шаклига бешта мисол топиб ёзинг.

87-машқ. Мазкур ҳарфлардан фойдаланиб сўзлар ясанг:

ج، ق، ا، د، ز، ت، ر

ҲИ БИРИНЧИ ДАРС

к (коф) ва **г** (гоф) ҳарфлари

к (коф) ўзбек тилидаги **к** ҳарфини ифода-лайди. Ҳар иккала томонидан келувчи ҳарфларга боғланади. Шунинг учун ҳам тўрт хил ёзилиш шаклига (якка ҳолда **к**, сўз бошида **к**, сўз ўртасида **к**, сўз охирида **к**) эга. Сатр чизигида ёзилади. Мисоллар:

камон - **к** ам **ан** - **к** **а** **ман** - **к** **а** **ман**

тепки - ت پ ک ی - ت + پ + ک + ی - تپکی - تپکی

черик - چ ی ر ی ک - چ + ی + ر + ی + ک - چیریک - چیریک

чок - چ а к - ч + а + к - چاک - چاک

коф сўз охирида келганда қўйдагича шаклларда ёзилади: ك ك ك

Баъзи манбаларда коф ҳарфи сўз бошида келганда қўйдагича ифодаланади: ك ع ح

Қўлёзма китобларда кофнинг алиф билан боғланган ҳолати мана бундай ёзилади: ك

Эски ўзбек ёзувида битилган ёдгорликларнинг айримларида коф ўзбек тилидаги г товушини ҳам ифода этган.




88-машқ. ك (коф) ҳарфининг сўзнинг турли ўринларидаги шакъларини олти қатордан ёзиб чиқинг.

89-машқ. Ушбу сўзларни ўқинг ва бир неча қатордан кўчириб ёзинг:


اکا، کمر، کار، کاتب، کتاب، کتاب، ترک، ارک، کتابت، کاسب، کاسب، کبر، ذکر، شکر، ار

90-машқ. коф ҳарфининг сўз ўртасидаги шаклига бешта мисол топиб араб алифбоси асосида ёзинг.

91-машқ. коф ҳарфининг алиф билан қўлёзма асарларга хос боғланиш ҳолатини уч қатордан кўчириб ёзинг.

 (гоф) ҳарфи араб алифбосига форслар томонидан қўшилган ҳарфларнинг тўртинчисидир. У ўзбек тилидаги г товушини англатади. Ўнг ва чап томонидан келувчи ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил ёзилиш шакли (якка ҳолда , сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида ) мавжуд. Сатр чизиғида ёзилади.

 (гоф) ҳарфининг  (коф)дан кўриниши жиҳатидан фарқи устида уч нуқтаси борлигидир.

 гоф ҳарфи аслида қуйидагича шаклда бўлган:  Кейинчалик ўша уч нуқта бир чизиқ билан ифодалана бошлаган: 

Мисоллар:

گ - гул گ + گل گل گل گل

غامگىن - ғамгин
 رانگ - ранг
 مارگ - марг

Одатда, эски ўзбек ёзувида гоф ҳарфи ёзилмасдан, унинг ўрнига коф ҳарфи қўлланаверган.

Гоф ҳарфининг алиф билан ўзаро бирикуви қўлёзмаларда тубандагича битилади:

Коф ва гоф ҳарфларининг گا (лом) ҳарфи билан боғланиши хусусида ҳам шунини айтиш мумкин:

كل - кул, گل - гул.

92-машқ. گ (гоф) ҳарфининг сўзнинг турли ўринларидаги шакллари олтти қатордан ёзиб чиқинг.

93-машқ. Қуйидаги сўزلарни ўқинг ва кўчириб олинг:

گپ، گزفتار، گزرد، گزداب، اگر،
 برگ، گزوشش، گدا، گذر، گجک،
 گشک، گشت، گزنگ، گز، گزرد

94-машқ. Ўзингиз мустақил равишда коф ва гоф ҳарфлари иштирок этувчи сўзлардан топиб араб алифбоси асосида ёзинг.

95-машқ. Охири гоф ҳарфи билан тугайдиган сўзлардан топиб ёзиб чиқинг.

96-машқ. Гоф ҳарфининг алиф билан боғланиш ҳолатини икки қатордан ёзиб чиқинг.

97-машқ. Коф ва гоф ҳарфларининг лом билан қўлёзмаларга хос усулда боғланиш шаклини уч қатордан кўчириб ёзинг.

ЎН ИККИНЧИ ДАРС

ل (лом) ва م (мим) ҳарфлари

ل (лом) -- ўзбек тилидаги л ҳарфига мос келади. Ҳар иккала томондан келувчи ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил кўриниши (якка ҳолда ل, сўз бошида ل, сўз ўртасида ل, сўз охирида ل) мавжуд. Ушбу ҳарфнинг якка ҳолати ҳамда сўз охиридаги кўриниши сатр чизиғидан пастга тушириб ёзилади. Мисоллар:

لاطیف - латиф
 ل + ط + پ + ف = لطیف
 ایلاک - элак
 ا + ی + ل + ک = ایلاک
 قامال - қамал
 ق + ا + م + ل = قامال
 ساقال - соқол
 س + ا + ق + ل = ساقال

Босма хат турида лом ҳарфи алиф билан боғланган ҳолатда ёзма нусхадаги кўринишлари (لا لا لا) дан бирмунча фарқланади. Унда лом ҳамда алиф ҳарфларини боғланиш ўрнида  (ميم) ҳарфига ўхшаш думалоқ шакл ҳосил бўлади:
 (ло).

98-машқ. ل (лом) ҳарфининг сўзнинг турли ўринларидаги шаклларини олти қатордан кўчириб ёзинг.

99-машқ. Тубандаги сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг:

بال، تال، لال، قال، لابر، دل، لطف، ملك،
 حاصل، طلب، خلاص، اخلاص، خالص، فلک
 لقب، اخلاق، شکل، صالح، قلاق، غفلت، سال

IOO-машқ. Тубандаги ҳарфларни алифбодаги ўрни бўйича жойлаштиринг:

ص، ل، ث، چ، د، س، ط، ب،
ش، ز، ظ، ت، ف، ع، گ

IOI-машқ. Лом ҳарфи ўртада келган сўзлардан топинг ва эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг.

م (мим) – ўзбек тилидаги м ҳарфини ифодалайди. Ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшилади. Шу сабабли тўрт хил ёзилиш шакли (якка ҳолда , сўз бошида , сўз ўртасида , сўз охирида ) га эга.

Мимнинг алоҳида ҳамда сўз охиридаги шакллари сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. Мисоллар:

م - مولك ← م + ل + ك ← ملك - мулк

ت - تامغه ← ت + م + غ + ه ← تمغه - тамға

ص - سانام ← ص + ن + م ← صنم - санам

ا - ایلхам ← ا + ل + ه + ا + م ← الھام - илҳом

Мим ҳарфининг ёзма ва босма шаклларида унчалик фарқ йўқ. Шунини айтиш керакки, босмада

م (ميم)нинг думалоқ қисми сиёҳ билан чап-
 ланмасдан митти доирача шакли ёзилади. Ёзма
 нусхаларда эса ميمнинг думалоқ қисми сиёҳ би-
 лан чапланиб, катта нуқта ҳосил қилинган ҳолда
 ифодаланади. Шунингдек, қўлёзмаларда ميم ҳар-
 фӣ сўз охирида бир томондан қўшилувчи ҳарфлар
 билан келганда кўпинча ўша ҳарфларнинг устига
 мингаштириб ёзилади: - шом, -
 ҳарам.

102-машқ. م (ميم) ҳарфининг турли
 шакллари орти қатордан ёзинг.

103-машқ. Мазкур сўзларни ўқинг ва кўчи-
 риб ёзинг:

104-машқ. ميم ҳарфи сўз ўртасида келган
 мисоллардан топинг ва ёзинг.

105-машқ. Мазкур ҳарфлардан фойдаланиб

сўзлар ясанг:

ط، ل، ب، خ، ك، ت، ر

106-машқ. Қуйидаги сўзларни эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг: малол, маҳкам, раҳм, мисол, амал, камол, мерос, томоша, эҳтимол, таълим, муносабат, малҳам, маърака, комил, жамол, умр, алаф.

УН УЧИНЧИ ДАРС

ن (нун) ва و (вов) ҳарфлари

ن (нун) ўзбек тилидаги н товушини ифода-
далайди. Ҳар иккала томонидан келувчи ҳарфлар-
га боғланади. Тўрт хил ёзилиш шаклига эга:
(якка ҳолда ن , сўз бошида ن , сўз
ўртасида ن , сўз охирида ن). нун ҳар-
фининг сўз боши ва ўртасидаги шакли бе, пе, те,
се ҳарфларининг ёзилиш шаклларига ўхшаб кетади.
Улардан фақат устига қўйилувчи битта нуқтаси би-
лан фарқланади. Бе ҳарфида нуқта остки қисмига
қўйилса, нунда устига қўйилади. Ушбу ҳарфнинг
мустақил ҳолатдаги ва сўз охиридаги кўринишлари

сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади:

ناقش - нақш ← ز + ق + ش ← نقش
راعنا - раъно ← ر + ع + ن + ا ← رعنا
قىمىن - қимин ← ق + ي + م + ن ← قىمىن
ايمان - имон ← ا + ي + م + ا + ن ← ايمان

Хаттотлар нун ҳарфини сўз охиридаги ҳам-
да алоҳида ёзиладиган кўринишларини турли хил
шаклларда битганлар. Сўз охирида келганда ёй
шаклида ёзилиб, устига бир нуқта қўйилади:

ن - н, دان - дон.

Баъзи ҳолларда нунинг нуқтаси ҳарфнинг
асосий қисмига қўшиб ёзилади: چىن - чин.

107-машқ. ن (нун) ҳарфининг сўзнинг
турли ўринларидаги шаклларини олти қатордан
ёзинг.

108-машқ. нун ҳарфининг қўлёзма асарларга
хос шаклларини бир неча қатордан ёзиб чиқинг.

109-машқ. нун ҳарфининг сўз охирида кел-

ган шаклларига мисоллар топинг ва эски ўзбек алифбоси асосида ёзиб чиқинг.

IIО-машқ. Тубандаги сўзларни ўқинг ва кў-

чириб ёзинг:

نان، نام، نامدار، نمك، تامان، منطق، كان
نمگان، منانق، خان، جان، جانان، زمان،
امكان، نرگس، حسن، مكان، عنبر، نظم، شان

III-машқ. Ҳазингиз мустақил равишда нун

ҳарфи иштирок этувчи ўнта сўз топинг ва эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг.

و (воу) ўздан олдинги ҳарфга қўшилиб, кейингисига қўшилмайдиган ҳарфларнинг охиригидир. У икки хил кўринишга эга: (алоҳида  ва боғланганда ). Сатр чизиғидан дастга тушириб ёзилади. Бир неча товушни ифодалайди:

а) сўз бошида яқка ўзи келганида в ундolini ифодалайди:

والي - вали ← و+ل+ى ← ولى

воқеа - واقى عه ← واقى عه ← واقى عه ← واقى عه

б) сўз ўртаси ва охирида келганда ҳам асосан в товушини англатади: Мисоллар:

авлод - اولاد ← اولاد ← اولاد ← اولاد

аввал - اووال ← اووال ← اول ← اول

ов - آو ← آو ← آو

соқов - ساق او ← ساق او ← ساق او ← ساق او

в) вов ҳарфи у ва ў унлилари вазифасида келганида сўз бошида бошқачароқ хусусият касб этади, биринчи дарсда таъкидлаб ўтилганидек, ўзбек тилидаги у ва ў унлилари билан бошланувчи сўзларда вов ҳарфи олдида **ا** (алиф) орттирилиши шарт, Масалан: **او**

учқур - اوچق ور ← اوچق ور ← اوچق ور ← اوچق ور

учмоқ - اوچم اق ← اوچم اق ← اوچم اق ← اوچم اق

ўтлоқ - اوثل اق ← اوثل اق ← اوثل اق ← اوثل اق

ўрил - اوغى ل ← اوغى ل ← اوغى ل ← اوغى ل

г) у ва ў унлилари сўз охирида ва ўрта-
сида келганида ҳеч қандай воситачи ҳарфсиз

و (вов) ҳарфининг ўзи ёзилаверади. Унинг у,
ў ёки в эканлиги сўз маъносига қараб англаб
олинади. Масалан:

توق - тўқ ← تو+و+ق ← توق
شوم - шум ← شو+و+م ← شوم
ذوق - завқ ← ذو+و+ق ← ذوق

Эслатма: و (вов) ҳарфи қўлёзма асар-
ларда кўпинча و (дол) ҳарфига ўхшаб кетади. Ўқиш
жараёнида ана шунини эътибордан қочирмаслик ке-
рак.

II2-машқ. و (вов) ҳарфининг алоҳида
ҳамда боғланган ҳолатдаги шакллари орти қат-
тордан ёзинг.

II3-машқ. Ушбу сўзларни ўқинг ва кўчириб
ёзинг:

دولت، عوض، مولانا، اوتقان، وارث،
توی، نوا، وقت، ولد، اوزبکستان،

وحدت ، سو ، وطن ، كاوك ، بوى ، آو ،
آوقت ، اولاد ، اوستا ، واحد ، تا ، وقت ، قوى

II4-машқ. و (вов) ҳарфи у ва ў унли то-
вушларини ифодалаб келган ўнтача сўз топиб,
эски ўзбек алифбоси асосида ёзиб чиқинг.

II5-машқ. و (вов) ҳарфининг в ундошини
ифодалаб келишга мисоллар топиб ёзинг.

II6-машқ. و (вов) ҳарфининг сўзнинг
охирда келиш шаклига олтига мисол топинг.

II7-машқ. ن ، س ، ا ، و ، ب ، د ، ج
ҳарфларини ўзаро боғлаш орқали қандай сўзлар
ясай оласиз?


ҲН ТҲРТИНЧИ ДАРС

و (ҳойи ҳавваз) ва و (йо) ҳарфлари



و (ҳойи ҳавваз) араб-форс алифбосидаги
ўттиз биринчи ҳарф бўлиб, ҳар иккала томондан
келувчи ҳарфларга қўшиб ёзилади. Шунинг учун
ҳам тўрт хил кўринишга эга: (якка ҳолда و ,
сўз бошида و ، сўз ўртасида و ، сўз

охирида ~ 4). Сатр чизигида ёзилади. Ҳойи
ҳавваз ўзбек тилидаги бир неча товушни ифода-
лашга хизмат қилади:


а) сўз бошида, ўртасида келганида ҳ то-
вушни ифодалайди:

 - меҳр,
 - ҳамеша,
 - қаҳр;

б) сўз охирида келганида ҳам араб ва
форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда ҳ то-
вушни ифодалайди:

 - шох,  - моҳ,  таважжух;

в) сўз охирида келганида кўпинча а унли-
сини ифодалаб келади, бундай пайтда у алиф
билан бир хил вазифа утайди. Масалан:

 - нола
 - пора
 - нодира
 - кулча

г) сўз охирида келганда ҳозирги тилимиз-
даги форс тили орқали кириб келган баъзи сўз-
ларда и (аслида э) ҳарфни ҳам ифодалаб ке-

лиши кузатилади;

- чунки, - кимки, - балки.

Ҳойи ҳаввазнинг босма ва ёзма шакллари

бир-биридан фарқ қилади. Ҳойи ҳавваз сўз боши-да келганда босма хат шаклида қўйидагича ёзи-

лади: - ҳамроҳ. Қўлёзмаларда эса сўз бошида бутунлай бошқача кўриниш касб этади:

Ҳойи ҳаввазни ифодалаш учун битта илмоқ ҳосил қилиниб, сатр чизигидан пастда унга томон қаратилган кичкина вергул шаклидаги белги қўйи-

лади: - х, - ҳижрон каби.

Ҳойи ҳавваз ҳарфнинг сўз ўртасидаги кў-

ринишлари ёзма ва босмада ўзаро фарқ қилади.

Босма ҳолатда шаклида, ёзма усулда ёки тарзида ёзилади. Айрим тошбосма ки-

тобларда митти вергул шаклидаги белги ҳарфнинг сўз ўртасидаги шаклида ҳам қўйилиши кузатилади, масалан: - наҳр каби.

Худди шундай фикрларни ҳойи ҳавваз ҳарфнинг сўз охиридаги шакли ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Босма ҳолатда **ا**, ёзма шаклда эса тарзида берилади.

II8-машқ. **و** (ҳойи ҳавваз) ҳарфнинг сўзнинг турли ўринларидаги шаклларини олти қатордан ёзинг.

II9-машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг ва кўчириб ёзинг:

بهر، بهرام، باله، هوا، ظهر، ظاهر، طاہر،
نهر، انهار، بهار، دهر، هوس، زهر، شہرت،
پیالہ، حمیدہ، لالہ، ہوش، شہر، ہرات، ہماز

I20-машқ. Мазкур сўзларни эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг, ҳойи ҳавваз қандай вазифада келганлигини аниқланг: тола, пода, чаҳор, хона, бечора, ҳумо, меҳмон, меҳрибон, зинҳор, моҳир, ҳажв, ҳўкиз, ҳуш, баҳо, ҳид, ҳайкал, ҳаяжон, ҳудҳуд.

I21-машқ. Ҳойи ҳаввазнинг сўз бошидаги шаклига ўнтача мисол топиб ёзинг.

I22-машқ. Ўзингиз мустақил равишда ҳойи

ҳавваз ҳарфнинг а унли товушини ифодалаб келган ҳолатига бешта мисол топинг ва улар асосида содда гаплар тузинг.

I23-машқ. **ن** (нун), **و** (вов), **و** (ҳойи ҳавваз) ҳарфлари иштирок этган сўзлардан топинг, улар асосида гап тузинг.

I24-машқ. Мустақил равишда ҳойи ҳавваз ҳарфнинг сўз охирида ҳ товушини ифодалаб келган ҳолатига мисоллар топиб ёзинг.

ی (йо) ҳарфи ўнг ва чап томондан келган ҳарфларга қўшиб ёзилади. Тўрт хил ёзилиш шакли (якка ҳолда **ی**, сўз бошида **ی**, сўз ўртасида **ی**, сўз охирида **ی**) мавжуд.

Йо ҳарфининг якка ҳамда сўз охиридаги шакллари сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. **ی** ҳарфининг сўз боши ва ўртасидаги шакллари **ی** **ی** **ی** **ی** ҳарфларининг худди ўша ҳолатлардаги кўринишларига ўхшаш, лекин нуқтанинг миқдори ва ўрни билан улардан фарқланади.

ی ҳарфининг икки нуқтаси бор ва улар **ت** (те) ҳарфига тескари ҳолда **ی** **ی** ҳарфнинг ост-

ки қисмига қўйилади.

Ҳ ҳарфи ўзбек тилидаги й ундошини, и, э унлиларини ий товуш бирикмасини ҳамда е, ё, ю, я ҳарфларини ифодалашга хизмат қилади.

Агар **Ҳ** (йо) ҳарфи сўз бошида ҳеч қандай воситачи ҳарфсиз ўзи келса, й ундошини, е (ий), я (йе) ҳарфларини ифодалайди:

йул - **Ҳ** ул ← й + ул ← йул

елим (й) - **Ҳ** ил им ← й + ил + им ← йелим
яхши - **Ҳ** х ши й ← й + х + ши ← йхши

Ҳ ҳарфи е (йе) унлисини ҳамда ий (ёхуд ий) ҳарф бирикмасини ифода этиш зарурати туғилганда, икки тишли қилиб ёзилиши ҳам мумкин:

етим - **Ҳ** етим - ийл.

е, й, я ҳарфлари сўз ўртаси ва охирида келганида тўғридан тўғри **Ҳ** (йо) ҳарфининг ўша кўринишлари қўшимча белгиларсиз ёзиб кетилаверади:

пайрав - **Ҳ** ай рав ← п + ай + рав ← пайрав

муяссар - **موى** **هس** **س** **ار** - **ه** + **س** + **س** + **ر** - **مىسىر**

терим - **ت** **ى** **رى** **م** - **ت** + **ى** + **ر** + **م** - **تىرىم**

Агарда **ى** (йо) сўз бошида и ёки э унлиларини ифодалаши лозим бўлса, олдидан, албатта, | (алиф) ҳарфи орттирилиши шарт:

инкор - **اى** **نك** **ار** - **ا** + **پ** + **ن** + **ك** + **م** + **ا** - **انكار**

эртак - **اى** **رت** **اك** - **ا** + **پ** + **ر** + **ت** + **ك** - **ايرتك**

Кўпинча ёзувда алиф ҳарфидан кейин **ى** (йо) ҳарфи тушиб қолади, лекин ўқишда, албатта (йо) талаффуз қилинади. Масалан:

икрор - **اى** **ق** **رار** - **ا** + **ق** + **ر** + **ر** - **اقرار**

и ва э ҳарфлари сўз ўртаси ва охирида келганда алиф ҳарфи тушиб қолиб, фақат **ى** (йо)нинг ўзи ёзилиб кетилаверади:

тирик - **ت** **ى** **رى** **ك** - **ت** + **ى** + **ر** + **م** + **ك** - **تىرىك**

мэн(мен) - **م** **ى** **ن** - **م** + **ى** + **ن** - **مىن**

Агарда **ى** (йо) ҳарфи е, ё, ю, я ҳарфий

белгиларини ифодалашни керак бўлса, улардан кейин **ا** (алиф), **و** (во), **و** (ҳойи хавваз) ҳарфлари боғланади. Бу ҳолда куйидагича ҳарф бирикмалари юзага келади:

е (йе) - **ي+ى ← يى** , ё (йо) - **ي+ا ← يا**.

я (йа) - **ي+ه ← يه** , ю (йу) - **ي+و ← يو**

Мисоллар:

ёлқин - **ي+ال قى ن ← يه+ا+ل+ق+ن ← يه+ال قى ن**
 юмш - **ي+وم وش ← يه+و+م+ش ← يه+وم وش**
 тайёр - **ت+اى ار ← ته+په+ار ← تيه+ار**
 юсуф - **ي+وس وف ← يه+و+س+ف ← يه+وس وف**

е ва я ҳарфлари сўз боши ва ўрталарида келганда кўпинча иккинчи воситачи ҳарф тушиб қолади, лекин ўқишда е, я сифатида талаффуз қилинаверади:

ем - **ي+ى م ← يه+م ← يه+م**
 яқин - **ي+ه قى ن ← يه+ق+ن ← يه+ق+ن**

Эски ўзбек ёзувидаги ёлгорликларда кўпинча я (*يه*) ва ё (*يا*) харфий бирикмалари аралаш ҳолда қўлланган. Масалан:

يامان (ямон) - *يامان* (ёмон)

ى (ё) сўз охирида (баъзан ўртасида ҳам) келганида ий товуш бирикмасини ҳам англатишини кўрамиз, масалан:

علمى - илмий,
صنفى - синфий, *سياسى* - сиёсий.

Бундай ҳолда битта *ى* (ё) харфининг ўзи ёзилиб кетилади, баъзан иккаласи ҳам ёзилиб, биринчи *ى* (ё) харфи устига ҳамза белгиси қўйилади: *ئى*. Одатда, (*اوى*) чўзиқ унлилардан кейин келганда ҳамза қўйилади.

Баъзан сўзлар *ى* (ё) харфи билан тугаса ҳам, *آ* о сифатида талаффуз қилинади, масалан: *حتى* - ҳатто, *عيسى* - исо. Бу хусусият арабча сўзларгагина тегишли.

ى (ё) ёзма ва босма шакллари жиҳатидан бир-биридан кескин фарқланиб турувчи харфлардан. Ҳаттотлар *ى* (ё) харфининг сўз охи-

ридаги шаклини ҳаддан ташқари ўзгартириб юборганлар. Бу эса ўқишни бирмунча қийинлаштиради.

ی (йо) сўз охирида и ва й товушларини ифодалаб келганда қуйидагича кўринишларда ёзилади:

ёзма ҳолатда

босма ҳолатда

кетди

کتدی

- кетди

қолди

قالدی

- қолди

туй

توی

- туй

уй

اوی

- уй

ی (йо) ҳарфининг сўз ўртаси ва бошидаги

шакли ёзув қоида­сига муво­фиқ, асосан, алиф­бода кўрсатилгани­дек қилиб ёзилади. Фақат сўз боши ва ўртасидаги шакл­ларига қўйиладиган ик­кита нуқ­танинг бир-бирига жип­слашиб (**یۈ** **یۈ**) ёки кич­кина чизиқча шаклида (**یۈ** **یۈ**) иф­одаланишини ҳис­обга олмаганда, деярли бошқа ўз­гариш сезилмайди.

125-машқ. **ى** (йо) ҳарфининг сўзнинг тур-
ли ўринларидаги шакллари орти қатордан ёзиб
чиқинг.

126-машқ. Тубандаги сўзларни ўқинг ва даф-
тарингизга кўчириб ёзинг:

بىلىم، تىل، كىلدى، بىمىش، قىلىق، ايتىك،
ايل، بىلدى، بىرك، قىزىق، قىلىچ، ايشىك، بىرىك،
الدى، تىنىق، ايلين، ايليك، اقليم، تىردى

127-машқ. **ى** (йо) ҳарфи и ҳамда э унлила-
рини ифодалаб келган сўزلардан ўнта мисол топиб
араб алифбоси асосида ёзиб чиқинг.

128-машқ. **ى** (йо) ҳарфининг е, ё, ю, я
ҳарфларини ифодалаб келган ҳолатига бештадан
мисол ёзинг.

129-машқ. **ى** (йо) ҳарфининг е, ё, ю, я
ҳарфларидан фойдаланиб қандай сўзлар ясай ола-
сиз?

ЎН БЕШИНЧИ ДАРС

Араб ёзувининг баъзи ўзига хос- ликлари

Араб имлосининг мураккаб томонларидан бири, олдинги дарсларимизда таъкидлаганимиздек, унли товушларнинг ёзувда ифодаланмаслиги, бош ва кичик ҳарфларнинг берилмаслиги бўлса, иккинчи бир мураккаб жиҳати, ёзувда тиниш белгиларининг қўйилмаслиги ва бўғин кўчиришнинг йўқлигидир. Ўтмишдаги қўлёзма китобларда тиниш белгилари – вергул, нуқта, сўроқ ва ундов аломатларини қўйиш расм бўлмаган. Бир жумла тугаб, иккинчиси бошланиши ёхуд гапнинг хабар, сўроқ, ундов маънолари ҳам матндан келиб чиққан ҳолда, яъни гапнинг умумий руҳи, мазмуни ва оҳанги орқали пайқаб олинади.

Ана шу мураккаблик инобатга олиниб, ҳозир араб ёзувида тиниш белгиларини ифода этиш одат тусига кирган. Улардаги тиниш белгилари биз ҳозирда қўллаётган белгиларга тескари шаклдадир: Сўроқ аломати – , вергул –  шаклида ифодаланади. Лекин нуқта ва ундов белгилари бундан мус-

тасно. Умуман олганда, араб ёзувида бир сўзни бўлиб, икки сатрда ёзиш мумкин эмас. Бироқ баъзи ҳолларда (кўпроқ типографик нусхаларда), бўгин кўчириш зарурати туғилиб қолса, кўчириладиган сўзнинг сўнгги ҳарфи юқорига чиқарилиб, қайириб қўйилади. Қўлёзма манбаларда одатда бўгин кучирилмайди. Агар бирон сўзни янги сатр-га кўчириш лозим бўлиб қолса, уша сўздан олдин-ги сўзнинг ҳарфлари сатрдаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида махсус чўзиқ қилиб ёзилади. Араб им-лосида айрим ҳарфлар ёзувда ифодаланса ҳам, ор-заки нутқда талаффуз қилинмайди, масалан:

خوارزم (хворазм) - хоразм, خواجہ
 (хвожа) - хожа, خویش - (хвиш) - хиш (қа-
 риндош).

130-машқ. س، ح، م، ن шаклларга тегиш-ли нуқталарни қўйиб, қандай сўз ясай оласиз?

131-машқ. ش، ط، ل، ب، ق، گ ҳарфлари-дан фойдаланиб қандай сўзлар ясай оласиз?

132-машқ. Тубандаги сўзларга тегишли нуқта-
таларни қўйиб ўқинг:

китоб ، җилт ، мактаб ، җилм ، җилм ،
җилм ، җилм ، җилм ، җилм ، җилм ،
җилм ، җилм ، җилм ، җилм ، җилм ،
җилм ، җилм ، җилм ، җилм ، җилм ،

133-машқ. Қуйидаги ҳарфларни ўзаро боғ-
ланг ва қандай сўзлар келиб чиқишини айтинг:

т ، җ ، л ، м м ، җ ، р ، ф ، т
м ، р ، а ، ш м ، қ ، л ، о

134-машқ. Қуйидаги ҳарфларни алфавит тар-
тиби бўйича жойлаштиринг:

с ، ғ ، б ، җ ، к ، м ،
т ، җ ، р ، ш ، җ ، қ ، ғ ،
г ، җ ، җ ، җ ، җ ، җ ،
җ ، җ ، җ ، җ ، җ ، җ ،

ЎН ОЛТИНЧИ ДАРС

Араб алифбосидаги ҳарфларнинг ясалиши

Араб алфавитидаги ҳарфлар, асосан, ўн етти белгидан иборат. Улардан бир нечтасининг ост ёки устига бир, икки ва учтадан нуқта қўйиш орқали ҳарфлар сони кўпайтирилган. Бу белгилар тубандагилардир:

ا، ب، ج، د، ر، س، ص، ط، ع،
ف، ك، ل، م، ن، و، ه، ي

Шундан 7 белги - ا، ل، م، ن، و، ه، ي янги ҳарф ҳосил қилишда иштирок этмайди. Қолганлари эса ўзининг нуқтали ёки нуқтасизлигига, нуқталарнинг ўрни ёки миқдорига кўра бири-биридан ажралиб туради:

I.  шаклининг тагига бир нуқта қўйилса,  (бе) ҳарфи, остига уч нуқта қўйилса, 
(пе) ҳарфи, устига икки нуқта қўйилса,  (те) ҳарфи, устига уч нуқта қўйилса,  (се) ҳарфи ва  шаклини чўзиқ эмас, ярим доира шаклида ёзиб (), устига бир нуқта қўйилса,

ن (нун) ҳарфи юзага келади.

2. چ шаклининг ўзи ҳ товушини ифода-
лайди. Остига бир нуқта қўйилса, ج (жим) ҳар-
фи, остига уч нуқта қўйилса, چچ (чим) ҳарфи,
устига бир нуқта қўйилса, چخ (хе) ҳарфи ҳосил
булади.

3. د шаклининг ўзи д товушини ифода-
лайди. Устига бир нуқта қўйилса, د (зол) ҳар-
фи ҳосил булади.

4. ر шаклининг ўзи р товушини ифода-
лайди. Устига бир нуқта қўйилса ر (зэ) ҳарфи,
уч нуқта қўйилса, رر (жэ) ҳарфи вужудга кела-
ди.

5. س шаклининг ўзи син ҳарфини ифода-
лайди. Устига уч нуқта қўйилса, سس (шин) ҳарфи
ҳосил булади.

6. ص шаклининг ўзи с товушини ифода-
лайди. Устига бир нуқта қўйилса, ص (зод) ҳар-
фи пайдо булади.

7. ب шаклининг ўзи то ҳарфини ифода-
лайди. Устига бир нуқта қўйилса, ب (зо) ҳарфи
юзага келади.

8. ع шаклининг ўзи айн ҳарфни билдиради. Устига бир нуқта қўйилса, غ (гайн) ҳарфи ҳосил бўлади.

9. ف шаклининг устига бир нуқта қўйилса, ف (фэ) ҳарфи, бу шакл доирасини чуқурроқ ёзиб устига икки нуқта қўйилса, ق (коф) ҳарфи ҳосил бўлади.

10. ك шаклининг ўзи коф ҳарфни ифодалайди. Устига уч нуқта қўйилса, گ (гоф) ҳарфи ҳосил бўлади (Бу ҳарф, одатда, айтиб утилганидек, уч нуқта ўрнига бир узун чизиқ қўйиб ёзилади: گ).

Келтирилган изоҳлардан кўриняптики, ҳар бир ҳарфни ёзишда нуқталарнинг ўрни ва миқдорида катта эътибор бериш шарт. Акс ҳолда, сўз маъноси бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Навоий ҳақидаги ривоятлардан бирида шоир тилидан тажрибасиз хаттотнинг иши тўғрисида "қалам ўлсун кўзни кўр қилғон" деган ибора келтирилади. Бунинг маъноси шунки, کوز — кўз ва کور — кўр сўзлари ёзувда бир хил шаклда ёзилиб, фақат "кўз" сўзи нуқтаси борлиги билангина фарқланади.

Навоий юқоридаги мисрада масъулиятсиз ко-

тибнинг "кўз" сўзидаги нуқтани тушириб қолдириб, "кўр" ёзиб қўйгани, яъни "кўзни кўр қилишига" ишора қиляпти. Ҳатто, Алишер Навоийнинг ўз асарларида ҳам хаттотлик масъулияти ҳақида ибратли фикрларни учратиш мумкин. У "Маҳбубул-қуллуб" асарининг "Котиблар зикрида" номли ўн еттинчи ғаслида шу ҳақда сўз юрита туриб бепарво хаттот "бежо нуқта била  (хабиб)ни  (хабис) қилғай ва  (муҳаббат)ни  (меҳнат) қилғай" деб ёзади. (Маълумот учун қаранг: Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. Ўн учинчи том: Тошкент, 1966, 22-бет).

135-машқ.  шаклига эга ҳарфларнинг сўз ўртасидаги кўринишига ухтадан мисол топинг ва улар иштирокида гап тузинг.

136-машқ. Нуқталари устига қўйилувчи ҳарфларни ажратиб ёзинг.

137-машқ. Нуқталари остига қўйилувчи ҳарфларни ажратиб ёзинг. Улар иштирокидаги сўзлардан топиб, араб алифбоси асосида ёзиб чиқинг.

138-машқ. Битта нуқтали ҳарфлар асосида сўзлар ясанг.

I39-машқ. Иккита нуқтали ҳарфларни ажратиб ёзинг. Улар иштирокида сўзлар тузинг.

I40-машқ. Уч нуқтали ҳарфларни айрим ҳолда ёзинг ва уларни таърифланг.

I41-машқ. Ҳеч қандай нуқта иштирокисиз яса-
ладиган ҳарфларни ёзинг. Улар ҳақида маълумот
беринг.

I42-машқ.  шаклига эга ҳарфларнинг сўз
охирисидаги кўринишига иккитадан мисол топинг.
Улар асосида гап тузинг.

I43-машқ.  шаклидаги ҳарфларнинг сўз
бошидаги кўринишига гап тузинг, иккитадан мисол
топинг ва улар иштирокида гап тузинг.

ҶН ЕТИНЧИ ДАРС

Муттасил ва мунфасил ҳарфлар

Араб алифбосидаги ҳарфлар ўзининг шакл кў-
ринишларига қараб ҳам иккига: тўрт хил шаклга
эга ҳамда икки хил шаклга эга ҳарфларга бўлина-
ди. Биринчи гуруҳ, яъни тўрт хил шаклга эга ҳарф-
лар 25 та, улар қуйидагилардир:

ب، پ، ت، ث، ج، چ، ح، خ، س، ش، ص، ض

ط، ظ، ع، غ، ف، ق، ك، گ، ل، م، ن، ه، و، ی

Иккинчи гуруҳ – икки хил шаклга эга ҳарфлар эса еттита, улар қуйидагилардир:

ا، د، ذ، ر، ز، ش، و

Шаклий кўринишларига кўра ҳарфларни сал бошқачароқ гуруҳлаштириш ҳам мумкин: уларни ёзувда бир-бирига қўшилиш ва қўшилмасликларига қараб ҳам тасниф қилса бўлади:

1. Ўздан олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшиб ёзиладиган ҳарфлар. (Яъни ҳар иккала томонидан қўшилувчи ҳарфлар.)

2. Ўздан олдингисига қўшилиб, кейингисига қўшилмайдиган ҳарфлар (Яъни фақат бир томондан қўшилувчи ҳарфлар.)

Ўздан олдинги ва кейинги ҳарфларга қўшилиб ёзиладиган ҳарфлар араб ва форс тилшунослигида муттасил (қўшилган) ҳарфлар деб юритилади. Юқорида келтирилган йигирма бешта ҳарф ана шу сирага киради. Бу ҳарфлар ўзининг ўнг ва чап томонидаги ҳарфлар билан қўшилиб ёзилганлиги сабабли ёзувда алоҳида шаклда келишидан ташқари, яна уч хил кўринишда бўлади. Бу ҳарфларнинг

алоҳида шакли ҳеч ўзгаришсиз алифбода қандай берилса, шундай ёзилади. Қолган шакллари ҳам алифбода кўрсатилганидек қилиб ёзилади. Аксарият ҳарфларнинг сўзнинг турли ўринларидаги шаклларига диққат қилинса, уларнинг ўз аслига жуда кам ўхшайдиган шакл кўринишларини сезиш мумкин. Аслида араб-форс алифбосидаги ҳарфлар сўзнинг ҳамма ўринларида бир хилдир. Уларни чигал ва мураккаб кўрсатувчи нарса – ҳарфларни ёнверидагилари билан ўзаро боғлаш мақсадида келтирилган илмоқ – чизиқлар.

Мисол сифатида зод ҳарфининг турли шакллари кўрсатамиз. Бу ҳарфининг алоҳида ҳолдаги шакли – ض , сўз бошидаги шакли – ض , сўз ўртасидаги шакли – ض , сўз охиридаги кўриниши эса ض тарзида ёзилади. Зод ҳарфининг сўз бошидаги, ўртасидаги ҳамда охиридаги шаклларига қараладиган бўлса, ҳарфининг асосий қисми сақланган, ўзгариш фақат илмоқ-чизиқлар ҳисобига содир бўлгани яққол сезилади.

Ўзидан олдингисига қўшилиб кейингисига қўшилмайдиган ҳарфлар эса мунфасил ажралувчи ҳарф-

лар деб аталади. Буларга юқорида келтирилган еттита ҳарф киради: Бу етти ҳарфнинг ҳар бири ёзувда икки хил шаклда бўлади:

а) алоҳида ёзилиш шакли:

ا، د، ذ، ر، ز، ش، و

б) ўзидан олдинги ҳарфга қўшилиб ёзиладиган шакли:

با، دا، ذرا، راز، زو، شو

برادر - биродар,

دریا - дарё,

اولاد - авлод,

اشدرد - аждар.

I44-машқ. Муттасил (ҳар икки томонидан қўшиб ёзилувчи) ҳарфларнинг ҳар бирини бир неча қатордан ёзиб чиқинг. Уларнинг алифбодаги ўрнига эътибор қилинг.

I45-машқ. Мунфасил (бир томондан қўшиб ёзилувчи) ҳарфлар иштирокидаги сўзларга мисоллар ёзинг.

I46-машқ. Мунфасил ҳарфлардан учтаси иштирокидаги сўзлардан топиб, араб алифбоси асосида ёзиб чиқинг.

I47-машқ. Тубандаги жумлаларни ўқинг, ҳарфларнинг боғланишига диққат қилинг:

۱. قلب فی آرزو دن محروم قیامش سیرنی هوادن
 ایریب قوشش بیلان برابر دور ۲. اینسان
 اوزی نینگ بار کوچینی ایشگا سالیشی
 اوچون اوز الدگا الحام باغشیلیدگان بران
 بر عالمی جناب مقصد قویاغنی لازم دور
 ۳. خطا قیلمایدگان آدم وانا ایماس بوندای
 آدم لاریوق بولیشی هم ممکن ایماس .
 اونچ لیک جدی خطا قیلمایدگان و اونی
 تیز و آسان توزاته آلا دیگان کیشیگینه
 دانا دور ۴. اوزی فی بی نقصان حسابلاش
 ادایشیش نینگ اینگ توغری پولیدور (تفکر کلشیند)

۵. تاریخ فی بیلش چوقور اورگانیش هر میر شخص نینگ
مقدس بورچیدور، اورتہ آسیا خلقلاری جہان
خلق لاری کبی اولاری نینگ اوزاق تأریخس گایگا

148-машқ. Фақатгина мунфасил ҳарфлардан
фойдаланган ҳолда қандай сўзлар ясай оласиз?

ЎН САККИЗИНЧИ ДАРС

Сатр чизиғида ва сатр чизиғидан пастга
тушириб ёзилувчи ҳарфлар

Ҳар бир ҳарфга характеристика бериш асно-
сида кўриб ўтганимиздек, араб алифбосидаги
ҳарфлар ёзилишига қараб ҳам икки турга бўлина-
ди:

1. Сатр чизиғида ёзиладиган ҳарфлар. Бунга

ا، ب، پ، ت، ث، ط، ظ، ف، ك، گ،

ҳарфлар киради. ۵

2. Сатр чизиғидан пастга тушадиган ҳарфлар.

Бунга ج، چ، ح، خ، د، ذ، ر، ز، ش، س، ه،

ص، ض، ع، غ، ق، ل، م، ن، و، ی
ҳарфлар киради.

ХАРФЛАРНИНГ САТР ЧИЗИҒИГА НИСБАТАН
ЁЗИЛИШ УРНИ

ا ب پ ت ث

ج چ ح خ

د ذ ر ز ژ

س ش ص ض

ط ظ ع غ ف

ق ک گ ل

م ن و ه ی

Албатта, бу тасниф ҳам нисбий. Чунки мун-
фасил ҳарфларнинг айримларидан ташқари деярли
барча ҳарфларнинг сўз боши ва сўз ўртасидаги
шакллари сатр чизиғида ёзилади.

Эслатма: Хаттотлик санъати (каллиграфия)га
қизиқувчилар ҳарфларнинг ёзилиш шаклларини яхши
эгаллашлари зарур.

149-машқ. Сатр чизиғида битилувчи ҳарфлар-
ни ажратиб ёзинг ва улар асосида гап тузинг.
Ҳуснихатга диққат қилинг.

150-машқ. Сатр чизиғидан пастга тушириб
ёзиладиган ҳарфларнинг турлича кўринишларини
ёзинг. Ҳуснихатга эътибор қилинг.

151-машқ. Тубандаги жумлаларни ўқинг ва
ҳар бир ҳарфни сатр чизиғида қандай ёзилишига,
боғланиш боғланмаслигига қараб таърифланг:

۱. دنیا وہ عدالت و حقیقت نینگ غلبه سی مقرر دور
۲. میں علم اور گماناق او چون مکتب گابار امن
۳. علم بارچہ سراسر ارلار نینگ کلیدی دور

۴. دنیاوہ اینک بخشش ایش دانالار بیلان
 صحبت قورماق و علم او رکا نیاقدور
 ۵. بیز بخارا، خیوہ، شمرقند، شہر سبز کبی
 تاریخش شہرلارنی تاماشہ قیلدیک انسان
 اولوغ و معتبر دورلا خاطر لاش انسان
 نینگ جمعیت دهگی اورنی و اینرگو
 خدمت لاری گا مناسبت دیک
 ۸. هر بیر انسان کتہ حرمت و احترام گا
 لایق و مشرف بولیشی او چون خلق
 منفعتی پولیده اوز قابلیت و کوچ -
 غیرتی نی تینمای صر فلاشی لازم دور

УН ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС

Араб алифбосидаги ўзбек тилига хос булмаган товушларни ифодаловчи харфлар

Араб алифбосига диққат қилган булсангиз, бизнинг тилимиздаги бир товушни ифодалаш учун икки, уч ва ҳатто тўрт харф мавжудлигини кўрасиз. Масалан:

ط، ت	харфлари	<u>т</u>	товушни,
ح، ه	харфлари	<u>ҳ</u>	товушни
ذ، ز، ض، ظ	харфлари	<u>з</u>	товушни
ث، س، ص	харфлари	<u>с</u>	товушни ифодалайди.

Бۇлардан ت، ه، ز، س харфларигина ўзбек тилидаги товушларга яқин келади. Қолган саккизта харф фақат араб тилидан ўтган сўзлардагина учрайди. Улар биздагина бир хил товушдек туюлса-да, аслида эса араб тилида талаффузи жиҳатидан кескин равишда фарқланади. Бу харфлар ўзбек ва форс тилларига араб сўзлари билан бирга кириб келганлиги сабабли, улар шу тилларнинг товуш системасига бўйсунган ҳамда ўзининг талаффузда фарқланувчи хусусиятларини йўқотган.

Ўзбек тилида бу ҳарфлар ифода этган товушлар орасида ҳеч қандай фарқ кўзга ташланмайдди. Лекин тилимизнинг луғат составига кирган арабча сўзларда араблар қайси ҳарфни қўллаган бўлсалар, биз ҳам шу сўзни ёзишда ўша ҳарфни ишлатамиз.

Э с л а т м а: Фақат эски ўзбек ёзуви сифатида қўлланиб келинган араб ёзуви 1921 йили ислоҳ қилинган пайтдагина бу қоидага риоя қилинмади. Ислоҳ талабига мувофиқ имкон даражада ёзувда унли ва ундош ҳарфлар тўла ёзилган.

Хуш, қайси сўзда ўша ҳарфлардан қай бири ишлатамиз? Буни илғаб олиш жуда мушкул, муайян бир сўзда юқоридаги ҳарфлардан қай бири ишлатилишини фақат ёдда сақлаш орқалигина билиш мумкин. Чунки қайд этилган товушларнинг барчаси ўзбек тилида бир хилда талаффуз қилинади.

Мисол сифатида з товушини олайлик. У ўзбек тилида ягона талаффуз нормасига эга. Араб тилида эса талаффуз этилишига қараб турли ҳарфлар билан ёзилади. Солиштиринг:

золим -

ظالم

газаб -

غضب

зикр - ذکر

зийнат - زینت

152-машқ. Фақат араб тилидан ўтган сўзларгагина хос бўлган товушлар иштирокида сўзларга мисоллар ёзинг ва улар асосида гап тузинг.

153-машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг, қандай харфлар билан ифодаланишини ёдда тутинг:

اصراف، اصلاحات، اصلا، اصول، امضا، اهل
تقریظ، تنقیص، تلفظ، تذکره، تصنیف، تعطیل،
تعظم، تصادفاً، ثریا، ثور، ثبوت، ثمره،
ثواب، جثه، جراح، حریت، حصه، حاصل،
خاصیت، خطای، خصلت، ذکاوت، ذوق،
ذوالفقار، ذهن، ذیل، ذریات، رابطہ، رخت،
رذیل، ریاضت، سلطان، صاف، صدق،
صادق، صداقت، صفت، صنف، صنم،
صلح، صندوق، صیپی، صداش، صلابت

صنوبر، صورت، صورتی، صورت، صیقل،
ضدیت، ضرب، ضرورت، ضرر، ضعیف،
ضیا، ضیافت، طاقت، طالع، طبقه، طلسم،
طلعت، طناب، طعام، طیار، طلب، طوفان،
طومار، ظلمت، عاصی، عذر، عاجز، عارض،
عامل، عداوت، عجائب، عشوه، عصب، عار،
عشر، عذاب، عطا، علاوه، عیار، غصه، غواص،
فصل، فضیلت، قطب، قحط، قرض، قصاص،
قصد، قصد، لطیف، مثال، مثقال، مأموریت،
مطر، مخصوص، مصرع، نوع، نصب، نصیحت،
نقصان، نط، وارث، وظیفه، وصیت،
وطن، وصل، وثیقه، وحشت، همراه، یلیع

ЙИГИРМАНЧИ ДАРС

Унли товушларнинг ёзувда ифодаланиши

Дунёдаги аксар тилларда унли ва ундош товушлар ва шунга мос ҳарф белгилари мавжуд. Гарчи араб тилида ҳам унли ва ундош товушлар бўлса-да, унли товушларнинг ҳаммаси ҳам ёзувда ифодаланавермайди. Араб тилида қисқа унлилар талаффуз этилади-ю, ёзувда тушиб қолади. Араб алифбосида унлиларни ифодаловчи махсус ҳарфлар йўқ, бироқ баъзи бир белгилар унли товушларни билдириш вазифасини ўтайди. Араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида унли товушлар икки усулда:

а) араб графикасидаги учта белги | (алиф),
و (вов), و (йо) ҳарфларини қўллаш;

б) ундош товушларнинг остига ва устига диакритик белгилар қўйиш орқали ифода этилади.

Алиф, вов, ва йо ҳарфларининг қайси унлиларни ифодалаши ўтган дарсларда кўриб ўтилди (Шу ҳарфлар ҳақидаги дарсларни қайта ўқиб чиқишингиз мумкин).

Араб ёзувида унли товушларнинг акс этмаслиги сўзларни ўқишни қийинлаштиради. Чунки араб имлоси консонанс, яъни ундошларга асосланган ёзувлар сирасига киради.

Араб ёзувидаги китобларни равон ўқий олишга тинимсиз ёзиш ва мутолаа қилиш, лўғатлар билан ишлаш, сўз кўринишларини ёдда сақлай билиш, зукколик ва топқирлик орқалигина эришиш мумкин.

Эски ўзбек ёзувида унли товушлар ҳарфлар усти ва остига ҳаракат белгилари қўйиш орқали ҳам ҳосил қилинади (Бўни кейинги дарсда кўриб ўтамиз).

154-машқ. *ي. و. ا* ҳарфларининг чўзиқ унлиларни ифодалаб келган ҳолатига учтадан мисол ёзинг.

155-машқ. Қўйидаги сўзларни араб ёзувига айлантиринг, унли ҳарфларнинг тагига чизинг ва уларнинг ёзувда ифодаланишини тушунтириб беринг: улўғ, йигит, буюк, куч, ўтлоқ, чўчук, кичик, учук, қуюк, қорун, туюк, чигит.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ ДАРС

Ҳаракатлар

Ҳаракатлар тилшуносликда диакритик белгилар деб юритилади. Ҳаракатлар – араб ёзувида унли ҳарфларни ифодалашнинг муҳим усулларидан бири. Улар, одатда, қўлёзма асарларда тушириб қолдирилади. Айрим манбалардагина ёзувда ҳаракатларнинг ифодаланишини кўрамиз. Бевосита тилга тааллуқли тадқиқот бўлгани, туркий тил ҳақида араб тилида маълумот берилгани учун Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону лугатит-турк" асарида ҳам ёзув ҳаракатлар билан берилган.

Ҳаракатларнинг ёзувда тушиб қолиши ўқишни, савод чиқаришни мураккаблаштирган. Исломнинг муқаддас китобларидагина ажам (араб бўлмаган мусулмон мамлакатлари) халқларига тушунарли бўлиши учун ҳаракатлар ёзувда акс этган. Арабча сўзларни нотўғри талаффуз қилиш гуноҳ саналган. Матни бошдан-охир ҳаракатлар билан бериш, хусусан, "Қуръон"да кўзга ташланади. Унда араб сатр ости ва сатр усти белгилари, ҳаракатлар ўқиш ва талаффуз қилишда чалкашликларга йўл қўй-


маслик учун тўлиқ ёзилган.




Шунингдек, ёзувдаги бу тартиб XI–XIV асрларда Ўрта Осиёда кўчирилган айрим манбаларда аниқроғи, тилга оид китобларда ҳам учрайди.

ФАТҲА ЁКИ ЗАБАР. Унли товўшларни ифодаловчи ҳаракатларнинг биринчиси — (фатҳа). Форс-тожик тилида эса бу белги забар дейилади. Фатҳа ёки забар ёзувда ҳарфнинг устига чизиқча қўйиш орқали а унли товўшини ифодалаган. Масалан, машқ сўзи араб ёзувида қисқа унлилар қайд қилинмаслиги сабабли қуйидагича ёзилади:


 (машқ). Бу сўздаги а унлисини ифодалаш учун фатҳа белгиси  (ميم) ва  (шин) ҳарфларининг ўртасига қўйилади:

Мисоллар:

 - қамар (ой),
 - лайлак,
 - сафар,
 - қамар.

I56-машқ. Қуйидаги сўзларга фатҳа белгисини қўйиб ўқинг: 



157-машқ. Тубандаги сўзларни эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг ва фатҳа белгисини тегишли ўрнига қўйинг: фарзанд, байроқ, қасд, барака, фалак, карам, бадбахт, нафар, бастакор, бадарға, бардам, парда, тана, жанг, ҳабаш, ҳаракат, ҳабар, даромад, даража, ҳақиқат, расадхона, сатр, ғараз, сарҳад, қалам, сарқаш, шатак, садаф, паранжи, ғараҳбахш, қадам.

КАСРА ЁКИ ЗИР. Эски ёзувимизда қўлланилган иккинчи белги арабчада касра, форс-тожик тилида эса зир деб номланади. Бу белги фатҳа белгисига қарама-қарши ўлароқ, ҳарфнинг тепасига эмас, (—) балки остига чизиқча қўйиш орқали ифодаланади. Касра кўпинча и (е) товушларини ифодалаёт келади. Масалан, тирик сўзи касра билан ёзилганда қуйидагича шаклда бўлади:  (тирик). Агар бу сўзга касра белгиси қўйилмаганда, уни тарк ёки турк деб ҳам ўқишимиз мумкин эди.

158-машқ. Мазкур сўзларга касра белгисини қўйиб ўқинг:

طالب، خادم، شتاب، صادق، قصه،

مقدار، فاضل، فاسد، فاتح، صاحب،
 قران، حادثه، رزق، زئحار، عارف،
 ظاهر، عالم، انكار، خطاب، حاكم، اعتبار،
 اقرار، حرص، مصرع، شريك، نااثر، داخل،
 ناصح، تعبیر، تاوم، نیازمند، قرق، ناوړ،
 كتاب، ندا، فدا، ناظمه، باوید، منقار،
 سرشك، سپاه، حاضر، ذهن، سهر،
 خالص، والده، خالده، جانب، شاگرد

159-ماشқ. Мана бу сўзларга касра белгиси-

ни қўйиб, уларни эски узбек алифбоси асосида
 ёзинг ва шу сўзлар иштирокида гап тузинг: до-
 хил, хирож, ходим, мағриб, ҳозир, ҳоким, мискин,
 ҳофиз, ҳирс, ҳосил, мантиқ, лозим, гардиш, қи-
 роат, парҳез, фосиқ, сидқ, дил, сеҳр, зехн,
 зикр, дониш, холис, чирой.

ЗАММА ЁКИ ПИШ (ПЕШ). Учинчи белги арабча-да замма, форс-тожик тилида пиш(пеш) деб ата-лади. Бу белги, асосан, у ва ў унли товушлари-ни ифодалаш учун ишлатилади. Замма ҳам худди фатҳа каби ҳарфнинг ўстига қўйилади. Лекин фар-қи шундаки, замма ҳарф ўстига чизиқча қўйиш би-лан эмас, балки кичкина вертул шаклидаги белги билан ҳосил қилинади. Масалан, ҳунар сўзи замма белгиси билан ифодаланганда шундай ёзилади: 

Мисоллар:

جدا - жудо,
مژده - мужда,
كُلْف - қулф,
صُلْح - сулҳ.

I60-машқ. Тубандаги сўзларга замма белги-сини қўйиб ўқинг ва улар иштирокида гап тузинг:

مراود، مرید، نفوذ، خنک، فرقت، مبارک،
نسب، خرسند، شد، ناشد، ناشکر، نجوم،
مناسب، امید، خلاق، خمار، ملازم،
گلچین، خروج، نقص، چمالی، بران، برج،
خرما، قدرت، تصور، رسوم، موافق

I6I-машқ. Қуйидаги сўзларга пиш белгисини қуйиб араб алифбоси асосида ёзинг: нуқра, мувоффиқ, нуқта, уфқ, нутқ, нуқс, муноффиқ, ғурур, зулм, субҳ, мушоира, суғурта, рубоий, дур, гумон, хумдон, ҳурмат, жуфт, жувон, турбат, тухум, бебурд, бут, армуғон, бурж, анжуман, ускуна.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ДАРС

Сатр ости ва сатр усти белгилари

Юқорида сўз юритилган фатҳа, касра ва замма ҳам араб сатр ости ва усти белгилари таркибига киради. Лекин улар фақат унли ҳарфларни ифодалашда қўлланади. Уқиш, ёзиш ва тўғри таллаффуз қилишга ёрдам берувчи яна бир неча белгилар ҳам борки, улар ҳам ёзувда жуда кам ҳоллардагина қайд этилади. Бундай белгиларга қуйидагилар киради:

I. Ташдид (تشديد) (иккилантириш деган маънода) мана бундай шаклга эга: (و). Ташдид сўзда фақат ундош ҳарфларнинг устига қуйи-

лади. Ташдид белгиси тушган ундош кучайтирилган, иккилантирилган ҳолда талаффуз этилиши керак. Бу белги кўпинча тилимизга араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларга қўйилади. Ёзувда ёнма-ён келган бир ундошни икки бор такрорлаш араб алифбоси қондаси бўйича мумкин эмас. Араб ёзувида қўш ундошли сўз келганда, ўша ундошнинг бири ёзилиб, унинг устига ташдид белгиси қўйилади ва шу орқали сўзда иккита бир хил товуш борлиги англашилади.

Мисоллар: ^ح

^حنقاش - наққош,

^حعطار - аттор,

^ح

^حمحلہ - маҳалла,

^حمکّور - маккор.

Баъзи ҳолларда ташдид белгисининг устига фатҳа ва замма белгилари қўйилишини ҳам кўра-миз. Бу эса ҳар иккаласини ҳам ўқиш зарурлигини билдиради. Бунинг учун аввал ташдид остидаги ундошни такрорлаб, сўнгра ташдид устидаги ҳаракатни ўқиш лозим, масалан:


^حاَوَّل - аввал,

^حتَبَسُّم - табассум


162-машқ. Мазкур сўзларга ташдид белгиси-
ни қўйиб ўқинг:



فندق، منجم، مداح، تعجب،
مشقت، التلقظ، كلة، تترقيات، غدار،
ترود، تكبير، طناز، اچيق، مره، ذره، كته،
لته، بطلال، تتيق، تفكر، تصور، معلوم، ففقد،
رسام، مكرم، بیره، وره، شفاف، كزاب،
میت، اسله، آفاق، خرم، حتی، رقص،
تشبث، مؤلف، تصدق، غله، شدت

163-машқ. Тубандаги сўзларни ташдид белги-
сидан фойдаланиб, эски ўзбек алифбоси асосида
ёзинг ва улар асосида гап тузинг: баққол, сид-
диқ, такаллум, фаррош, арра, тасалдуқ, дарра,
ташаббус, ҳаммол, зиллат, таалдуқ, хуррам, тасав-
вур, саттор, такаббур, ғалла, раққос, раддия,
зарра, оппоқ, ҳатто, хуррият, ҳаммом, даллол,
салла, шадлод.

2. ҲАМЗА  араб сатр усти белгиларидан бири. Ёзувдаги белгиси қўидагича: ()

Бу ҳам, одатда, араб ва форс-тожик тилларидан кирган сўзларда учрайди. Ҳамза кўпинча унли ҳарфларнинг устига қўйилади ва талаффузда унли товушни ундош товушдан фарқлашда ҳамда қатор келган икки унлининг қўшилиб кетмаслигини таъминлайди.

Мисоллар:  - масала,

 - таъсис,  - таассурот,

 - оила.

Ҳамза ёзувда икки унли қатор келганда иккинчи унлининг устига қўйилади.

164-машқ. Тубандаги сўзларни ҳозирги ўзбек алифбоси асосида ёзинг:

تأسیف، تاریخ، انشآت، مؤرخ، تآکید،
غرائب، مؤلف، تآثر، تآمین، عجائب،
تأمل، مأمور، عائله، قرائت، تآلف

3. ТАНВИН **تنوين** . Бу ҳам араб сатр усти белгиларидан. Танвин фақат араб тилидан кирган сўзларда қўйилади. Унинг ёзувдаги шакли шундай: **/ / /** Танвин кўпинча сўз охиридаги ҳарфнинг устига кичкина параллел иккита чизиқча қўйиш орқали ҳосил қилинади. Бу белги фақат сўз охирида келувчи алиф устига қўйилиб (**/ /**), талаффузда ан товуш бирикмасини беради.

Мисоллар: **مثلاً** - масалан,

قصداً - қасдан

Танвиннинг фатҳа, касра ҳамда замма ҳаракат белгилари билан келиши ҳам кузатилади. Бундай ҳолда алиф устига танвин ва унинг тепасига фатҳа ёки замма белгиси қўйилади ва у фатҳалик бўлса, (**/ /**)- ан, касралик бўлса, (**/ /**)- ин, заммалик бўлса, (**/ /**) - ун тарзида талаффуз қилинади.

Ун ва ин товуш бирикмалари билан туговчи арабча сўзлар ўзбек тилида деярли учрамайди.

165-машқ. Мазкур сўзларни ҳозирги ўзбек ёзувига айлантинг:

تَقْرِيبًا، خُصُومًا، بَعْضًا، شُكْلًا، مَعْنًا،
ذَاتًا، شَخْصًا، أَوَّلًا، اِعْتِبَارًا، جِسْمَانًا،
تَدْرِجًا، تَصَادُفًا، بِنَاءً، تَارِيحًا، حَقِيقَةً

166-машқ. Тубандаги сўзларни араб алифбоси асосида ёзинг: шаклан, мазмунан, асосан, тарихан, зимнан, зоҳиран, ботинан, биноан, умуман лутфан, қисман, ҳақиқатан, такроран, аслан, моҳиятан.

4. МАДДА -  белгиси. Бу фақат битта вазифани бажаради: у сўзнинг бошидаги алиф устига қўйилиб, уша товушни а деб эмас, балки о унлиси тарзида талаффуз қилишни талаб этади.

Мисоллар: أَدَاب - одооб, أَقْتَاب - офтооб.

167-машқ. Қуйидаги сўзларни араб алифбоси асосида ёзинг: оломон, омонат, омонлик, омад, оқшом, озод, олмахон, ошён, огоҳ, оқсоч.

5. СУКУН  (ة) Бу белги баъзан сокин ҳам дейилади. Унинг асосий вазифаси - бўгиннинг ёпиқ эканлигини билдириш. У уша бўгин охиридаги

ундош ҳарф устига қўйидагича юмалоқ шакл қўйиш орқали ҳосил қилинади:

Мисоллар: فرزند - фарзанд,

مرحمت - марҳамат.

168-машқ. Ушбу сўзларни эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг, сукун белгисини керакли ўринга қўйинг: дарбон, бандаргоҳ, қандолат, тақдир, тасниф, савдо, раҳбар, харсанг, тасдиқ, ҳасрат, тақлиф, занжирбанд.

6. ВАСЛА - وصله. Араб тилидаги аниқлик артикли ال бирикмасининг устига қўйилувчи мана бундай шаклга эга бўлган белги و васла деб юритилади. Арабча васла сузи қўйиш деган маънони билдиради.

Мисоллар:

دارالفنون - дор-ул-фунун.

Васланинг ёзувдаги шаклини мадд белгиси билан аралаштириб юбориш ярамайди.

Юқорида тилга олинган белгилар қўлёзма манбаларда кўпинча ёзилмасдан кетилаверади. Лекин, шундай бўлса ҳам, уларнинг хусусиятларини билиб қўйиш фойдадан холи эмас.

харфлари") деб юритилиб, унга қуйидаги 14 харф киради:

ت، ث، د، ذ، ر، ز، س، ش، ص، ض، ط، ظ، ل، ن

Иккинчи гуруҳ харфлар эса харфул қамар

("ой харфлари") деб аталади ва унга тубандаги 14 харф киради:

ا، ب، ج، ح، خ، ع، غ، ف، ق، ك، م، و، ه، ي

Араб тилида аниқланмиш аниқловчидан олдин

келади. Уларни ўзаро боғловчи ул изофа кўрсаткичидан кейин келган харф шамсий харфларга тегишли бўлса, ал (ул) артиклидаги ل (лом) талаффуз этилмай, ундан кейинги харф ташдид билан, иккилантириб ўқилади. Мисоллар:

السلام - ассалом
فخر الدين - Фахриддин
نور الدين - Нуриддин
لغت الترك - луғат-ут-турк

Агар ал артиклидан кейин келган сўз иккинчи гуруҳ, яъни қамарий харфлардан бири билан бошланса, ал (ёки ул) тўлиқ талаффуз қилинади. Мисоллар:

الخوارزمي - ал-хоразмий
 محبوب القلوب - маҳбуб-ул қулуб
 بين الملل - байналмилал
 حيرت الابرار - ҳайрат-ул-аброр

172-машқ. Қуёш ҳарфларини уч қатордан дафтарингизга кўчириб ёзинг ва ёд олинг.

173-машқ. Ой ҳарфларини уч қатордан кўчириб ёзинг ва ёд олинг.

174-машқ. Қуйидаги атоқли отларни тўғри ўқинг, қандай ёзилиши ва ўқилишини тусунтиринг, дафтарингизга кўчириб олинг:

عبد الرحمن ، رحمت الله ، كمال الدين ،
 زين الدين ، صدر الدين ، هدايت الله ،
 بدر الدين ، حكمة الله ، شمس الدين ، عصمت الله ،
 قدرة الله ، قهر الدين ، حسن الدين ، ظهير الدين ،
 اسد الله ، نجم الدين ، سعد الله ، عبد الله بنى الله ،
 جمال الدين ، خير الله ، عبد السلام ، صفى الله

175-машқ. Тубандаги киши исмларини эски ўзбек ёзувига айлантинг, ўқилиши ва ёзилишига диққат қилинг: Мухиддин, Ҳикматилло, Раҳматулло, Шукурулло, Ҳусниддин, Абдуқаҳҳор, Гиёсиддин, Убайдулло, Сайфиддин, Ҳабибулло, Амирулло, Абдусаттор, Рамзиддин, Ҳифзиддин, Насрулло, Саъдулло, Абдулла.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ДАРС

Форс изофаси

Эски ўзбек ёзуви ёдгорликлари тилида араб изофали бирикмаларига қараганда форсий изофали бирикмалар жуда кўп. Улар ёзма ёдгорликлар тилига қўшничилик ва қардошлик алоқалари йўсинида шунчаки кириб қолган эмас, балки жонли грамматик восита сифатида тилда муҳим вазифа бажарган.

Маълумки, араб ва форс изофалари моҳият эътибори билан ҳамда сўз тартиби жиҳатидан ўзбек тилига тесқари. Ўзбек тилида олдин аниқловчи, сўнгра аниқланмиш келса, араб ва форс тил-

ларида аксинча ҳолатни кўрамиз. Форсий изофали бирикмаларнинг баъзилари ҳозир ҳам адабий тилимизда, шунингдек, халқ жонли сўзлашув нутқида мавжуд, улар асрлар мобайнида тилга бутунлай сингишиб кетган. Мисоллар:

درد پيدوا - дарди бедаво

درد سار - дардисар

Араб тилидаги изофа кўрсаткичи

ал (ул) бўлса, форс-тожик тилида می (и) товушидир. Форсий изофа кўрсаткичи, одатда, ёзувда акс этмайди. Лекин у баъзи истиснолардан ҳам холи эмас.

Агар аниқланмиш маъносидаги сўзнинг сўнгги товуши ундош билан тугаса, ундай ҳолда ёзувда ҳеч қандай белги қўйилмайди. Лекин талаффузда аниқланмиш билан аниқловчи (қараткич ва қаралмиш) ўртасига албатта и товуши қўшиб айтилиши шарт. Мисоллар:

مرد میدان - марди майдон

تخت روان - тахтиравон

Борди-ю, аниқланмиш а унлиси билан туга-

са, у ҳолда аниқланмишдан кейин э ҳамза белгиси қўйилади ва и товуши сифатида талаффуз қилинади. Мисоллар:

نقطه نظر - нуқтаи назар
ترجمه حال - таржимаи-ҳол

Мабодо аниқланмиш у ёки ў унлилари билан тугаса, улардан кейин (йе, йи) ҳарфи ёзувда ифодаланиши керак, масалан:

روی سیاه - руйи-сиёҳ

Э с л а т м а: Шўни таъкидлаш керакки, изофали бирикмани ўқиганда алоҳида эмас, балки бир бутун умумий интонация билан талаффуз қилиниши лозим. Шўнинг учун ҳам изофали бирикмалар, одатда, бир бутун синтактик бирлик сифатида тушунилади. Хуллас, эски ўзбек тилида, айниқса, классик шеъриятимизда форсий изофадан кенг фойдаланилган. Адабий тилда ва жонли нутқда форсий ҳамда туркий изофа баробар қўлланилган.

I76-машқ. Тубандаги изофали сўз бирикмаларини ўқинг, ёзилиши ва ўқилишини изоҳланг:

شجره تراكمه، حسن جمال، سداسكندره،
باب اول، سر و گل، بوستان سعدي.
عين وقت، مردكار، عشق محبوب، چرخ فلک.
آب روان، آب دیده، روى راست،
ديوانه مشرب، كان فايده، بخاراي شريف.

I77-машқ. Тубандати суз бирикмалари асо-
сида гап тузинг. Эски ўзбек ёзувига айлант-
ринг: нуқтаи назар, лаби хандон, офати жон,
таржимаи ҳол, сарви равон, қомати зебо, сарви
қад, ғамзаи жонон.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ДАРС

Эски ўзбек ёзувида рақамларнинг ифодала-
ниши.

Ҳозирда биз қўллаётган рақамлар араб ра-
қамлари деб юритилса ҳам, улар узоқ асрлик та-
раққиёт мобайнида шаклан ўзгаришларга учраган.
Эски ўзбек тили ёдгорликларида саҳифани рақам-

лаш тартиблаш икки усулда намоен булади: биринчиси — рақамлар, иккинчиси — пойгир орқали.

Ёзма ёдгорликлардаги рақамларнинг айримлари, масалан, ноль, бир, тўққиз ҳозирда биз қўллаётган рақамларга ухшайди. Эски манбаларда қўлланилган бирдан унгача бўлган рақамларни келтирамиз:

1 - I	2 - II	3 - III	4 - IV	5 - V
6 - VI	7 - VII	8 - VIII	9 - IX	10 - X.

Кўряпмизки, бۇ унлик системасидаги ноль, бир, тўққиз рақамлари, баъзи бир фарқли хусусиятларни ҳисобга олмаганда, асосан, ухшашдир.

Рақамлар ҳам худди араб ҳарфларидек ёзилиш тарзи жиҳатидан бир мунча фарқ қилади. Фикримизнинг исботи учун тўрт, беш ва олти рақамларининг босма ва ёзма турларини келтирамиз:

4, V - 4, 5, VI - 5, 7, VII - 6.

Ёзма ёдгорликларда саҳифаларни рақам билан бериш кам учрайди. Одатда, саҳифалар юқорида қайд қилганимиздек, пойгир билан берилади. Хуш,

пойгир ўзи нима?

Пойгир сўзининг луғавий маъноси қадам олмоқ бўлиб, форс тилидаги по (оёқ) ҳамда гирифтан (олмоқ) феълининг ҳозирги замон негизи ўзaro бирикувидан ҳосил бўлган. Пойгир – келгуси саҳифадаги биринчи сўзни тугалланаётган саҳифа тагига ёзиб қўйишни англатади. Демак, пойгир (яъни қайд қилинган сўз) саҳифаларни чалкаштириб юбормаслигимизнинг олдини олади.

Хуллас, пойгирга таянган ҳолда саҳифаларни тўлиқ ёки тўлиқ эмаслигини билиб оламиз. Бундан англашиляптики, пойгир ёзма ёдгорликларда рақамлар ифодаланиши мумкин бўлган вазифани ҳам бажариб келган.

I78-машқ. Қуйидаги рақамларни ҳозирги шаклига айлантинг: $PM, 204, 240, 719, 221, 109M, 1920, 4120, 1411, 4220, 4049, 440PM, 2244, 1902M, 2120, 91419$

I79-машқ. Мазкур рақамларни эскича шаклига келтиринг: 59, 74, 43, 21, 160, 345, 789, 246, 4075, 3263, 4789, 5672, 3627, 86932, 45900, 267864.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ДАРС

Абжад ҳисоби

Араб ҳарфлари шеърӣ санъат, тарихий ёд-торликлар, улкан иморатлар учун нақш, безак вазифасини бажарган. Аждодларимиз шу билан чекланмай, улардан рақам сифатида ҳам фойдаланганлар. Грамматика ва дарсликларда абжад ҳисоби де аталадиган термин ана шу билан борлиқ.

Хуш, абжад ҳисоби деб нимага айтилади?

Сон тўшунчасини ҳарфлар билан ифода этишга абжад ҳисоби дейилади. Одатда, жамият ҳаётида содир бўлган буюк воқеалар – уруш, исён, қўзғолонлар руй берган вақт, иншоотлар, тарихий обидаларнинг қурилган, машҳур шахсларнинг туғилган йиллари, шунингдек, асарларнинг ёзилган ва кўчирилган вақтлари абжад ҳисоби билан берилган. Бу ҳисоб усулининг абжад деб аталишининг махсус бир маъноси йўқ. У абжад ҳисобидаги саккизта сўзнинг (абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, саъфас, қарашат, саххаз, зазағ) биринчиси бўлганлиги сабабли бу система ана шу атама билан юритилади.

Абжад ҳисобининг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир ҳарф муайян бир рақамни ифода этади. Биз қуйида абжад ҳисобидаги саккиз атамани ва улар ифода этган сонлар жадвалини келтирамиз:

VIII	VII	VI	V	IV	III	II	I
صنغ	تعد	قرشت	سقفص	كلمن	حطى	هوز	ابجد
залаг	саххаз	қарашат	са'фас	каламан	ҳўтти	ҳавваз	абжад

Абжад ҳисобидаги ҳарфларнинг сон қиймати:

ا — 1	ك — 20	ر — 200
ب — 2	ل — 30	س — 300
ج — 3	م — 40	ت — 400
د — 4	ن — 50	ث — 500
ه — 5	س — 60	خ — 600
و — 6	ع — 70	ذ — 700
ز — 7	ف — 80	ض — 800
ح — 8	ص — 90	ط — 900
ط — 9	ق — 100	غ — 1000
ي — 10		

Диққат қилган бўлсангиз, абжад системасига кирувчи саккиз атамани ташкил этган товушларнинг жами йигирма саккизта. Яъни унда араб алифбосидаги ҳарфларнинг ҳаммаси акс этган. Уларнинг барчаси ундош товушлардан иборат бўлиб, биронтаси ҳам икки мартаба такрорланган эмас.

Жадвалдаги рақамларда ҳам ана шундай изчил-

лик бор. Унда бирдан минггача бўлган рақамлар муайян тартибда, яъни, бирдан ўнгача бирлик системасида, ўндан юзгача ўнлик системасида, юздан минггача юзлик санок системасида берилган.

Абжад ҳисобини келтириб чиқариш учун, аввало, китоб муаллифи ёки хаттот томонидан ёзувда алоҳида қайд қилинган (ёки таги чизиб кетилган) сўзни топамиз. Уни ташкил этган ҳарфларнинг ифода этувчи рақамларини абжад ҳисоби жадвалидан қараймиз ва ўша рақамларни қўшамиз. Ана шу йиғинди орқали хаттот изоҳига биноан, бирон асарнинг ёки тарихий шахснинг дунёга келган вақтини аниқлаб оламиз. Мисол учун "Юсуф ва Аҳмад" халқ китобининг қўлёзма нусхаларидан бирида хаттот асарнинг кўчирилиш йилини китобнинг сунгги саҳифасидаги *بوز او غلطان و* - Бўзўғлондир сўзининг тагини чизиш орқали ифодалайди. Ўша сўздаги ҳарфлар ифода этган рақамларнинг йиғиндиси 1307 ни ташкил этади. Демак, ушбу дostonнинг кўчирилган вақти ҳижрий-қамарий 1307 йилга тўғри келади. Уни милодий йилга ай-

лантирсак, 1889 йил келиб чиқади.

Абжад ҳисоби бўйича йилни келтириб чиқаришнинг йўли қуйидагича:

بوز اوغلانند - Бўзўғлондир.
 $200+4+50+1+30+1000+6+1+7+6+2=1307$ (1889 милод.) йил.

Шу ўринда бир савол туғилади. Агар араб алифбосида мавжуд бўлмаган, форслар томонидан киритилган ҳарфлар биз абжад ҳисобини чиқармоқчи бўлган сўзда учраб қолса, нима қилишимиз керак? Ундай ҳолда ўша ҳарфларга талаффуз жиҳатидан яқин бўлган товушларнинг миқдорий белгиларини қўйиш ҳамда қўйиш орқали абжад ҳисобини келтириб чиқарамиз.

Масалан, **مشگان** - мужгон сўзидан абжад ҳисобини қандай чиқариш мумкин?

Абжад жадвалига мувофиқ ميم - 40 га (араб алфавитида же ҳарфи бўлмагани учун унга шаклдош бўлган зе ҳарфининг рақам белгиси олинади), зе - 7 га, коф (гоф) - 20 га, алиф - 1 га, нун - 50 га тенг.

Демак, биз аниқламоқчи бўлган сўз абжад ҳисоби бўйича 118 ҳижрий-қамарий йилга тўғри келар

экан. Шунн ҳам эслатиш керакки, баъзи ҳолларда абжад ҳисобини келтириб чиқаришимиз лозим бўлган сўзда пе ҳарфи иштирок этса, у билан оҳангдош бўлган бе ҳарфининг миқдорий белгиси олинади. Чим ҳарфининг ўрнига эса жим ҳарфининг миқдорий белгиси олинади. (Туркий тилда ф товуши йўқ, у фақат араб ва форс-тожик тилларидан ўтган сўзлардагина учрайди.)

Булардан ташқари, абжад ҳисоби Шарқ классик поэтикасидаги таърих санъати билан ҳам чамбарчас боғлиқ. У таърих санъатининг юзага келишида асосий восита вазифасини ўтайди. Шарқ шеъриятида абжад ҳисобидан фойдаланиб гўзал таърихлар яратилган. Хуллас, эски кўлөзма манбаларнинг ёзилган ва кўчирилган йилларини тўғри аниқлаш учун абжад ҳисобидан бохабар бўлиш лозим^I.

180-машқ. Ушбу сўзларни араб алифбоси асосида ёзинг ва улардан абжад ҳисобини келтириб

I. Абжад ҳисоби ҳақида батафсил маълумот олишни истовчилар А. Бувономардиевнинг "Ҳарфлар рақамларга айланганда" (Тошкент, 1966) китобчасини ўқишлари мумкин.

чиқаринг: гулчин, гурбат, қумри, надомат,
зоҳир, таълим, андалиб, азим, ворис, кабутар,
талъат.

181-машқ. Абжад ҳисобига кирувчи сўзлар
ва рақамлар жадвалини кўчириб олинг ва ёдланг.

182-машқ. Абжад жадвалидан мазкур рақам-
ларни ифода этувчи ҳарфларни топинг, узаро боғ-
ланг ва қандай жумла келиб чиққанлигини айтинг:
1, 70, 30, 1, 1, 6, 100, 10, 300, 400, 10, 50,
10, 40, 60, 10, 7, 1, 10, 7, 30, 50, 10, 300,
5, 200, 2, 10, 200, 10, 40, 10, 7, 50, 10, 50,
20, 1, 10, 7, 20, 6, 40, 100, 90, 4, 10, 40,
10, 7, 2, 6, 30, 40, 1, 1000, 10, 1, 7, 10, 40,
4, 6, 200.

183-машқ. Ҳар бирингиз ўз исмингизни таш-
кил этган ҳарфлардан абжад ҳисобини келтириб
чиқаринг. Мазкур сўзлардан абжад ҳисобини чиқа-
зинг.

واجب، شادمان، اختصار،
طریق، ساریان، عندلیب، معنی، وراج
مرغوب، جوانمرد، دهری، اهرمن، اینجو

Янги ва эски йил ҳисоблари

Китобларнинг ёзилган ва кучирилган вақти ҳар доим ҳам абжад ҳисобида берилавермайди.

Агар сиз қўлёзма китобларнинг тугалланмасига эътибор қилган бўлсангиз, қуйидагича ёзувларга кўзингиз тушади:

ایزدی مسئول کام فضلی و کرمی برله تمام تاپیتی... سنه ۱۲۳۱

изади масъул ком ғазли ва карами бирла тамом топти санаи 1231, ёки

تمت الكتاب بعون الملك الوهاب و سنه ۱۲۴۶

таммат-ул-китаби биаъвн-ил-малик-ил-ваҳхаби дар санаи 1246 (ёки бошқа йил рақами келиб чиқадиган жумла ёзилган бўлиши мумкин). Юқоридаги 1231 ва 1246 рақамлари эски йил ҳисоби бўйича асар тугалланган йилни билдиради. Мана шу эски йил ҳисоби ҳижрий йил деб аталади. Ҳижрий йил 622 милодий йилдан, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчган давридан бошланади. Ҳижрий йил икки хилдир. Бири – ҳижрий-қамарий, иккинчиси – ҳижрий-шамсий йил ҳисоблари.

Мусулмон мамлакатларининг барчасида ҳозир ҳам ҳижрий йил ҳисобидан фойдаланилади. Ҳижрий-қамарий йил ҳисоби ойнинг ер атрофида айланиш даврига асосланган, ҳисоб ой кунлари асосида олиб борилади. Бу ҳисоб бўйича йил 354(355)кундан иборат.

Ҳижрий-қамарий йил 12 ойдан иборат бўлиб, тоқ ойлар 30, жуфт ойлар 29 кунлик қилиб олинган. Кабиса йилида эса 12-ой 30 кунлик қилиб олинади. Шу йил кабиса ҳисобланиб, 355 кундан иборат бўлади.

Ҳижрий-шамсий йил ҳисоби ернинг қуёш атрофида айланиш даврига асосланган, ҳисоб қуёш кунлари асосида олиб борилади. Ер қуёш атрофини бир марта айланиб чиқиши даври бир йил ҳисобланиб, бу давр 365(366) кунга тенг бўлади.

Ҳижрий-шамсий йил ҳам 31 ва 30 кунлик 12 ойдан иборат бўлиб, фақат бир оyi 28 кун бўлади. Ҳар тўртинчи йилда бу ой 29 кунлик ҳисобланиб, шу йил кабиса, яъни 366 кунлик бўлади. Ҳижрий-қамарий ва ҳижрий-шамсий йиллар орасидаги 11 кунлик фарқ қамарий йил ойлариининг силжиб юришига

сабаб бўлади. Ҳар 33 йилда ҳижрий-қамарий йил бир даврани айланиб чиқиб, яна бир вақтга тўғри келади, қамарийнинг 33 йили шамсийнинг 32 йилига тенгдир.

Маълумки, милодий йил Григорян йили бўлиб бунда ойларнинг баъзилари 30 ва айримлари 31 кундан, ёлғиз бир ой 28 кундан иборатдир. 28 кунлик ой тўрт йилда бир мартаба 29 кун бўлади ва шундай йил **кабиса йили** деб аталади. Шундай қилиб, милодий йил 365-366 кундан иборат бўлади^I.

Ойни 29,53059 кеча-кундузда ўзининг биринчи қойига қайтиб келиши аниқланган. Аммо кун, ҳафта ва ойлар фақат бутун сонлардан иборат бўлиши лозимлигидан йил ойлари шартли равишда 30 ва 29 кеча-кундуз деб олинган. Кўриниб турибдики, тақвимий ой ҳисоби ойнинг ҳақиқий давридан ортда қолиб боради. Бу ортда қолиш 30 йилда тахминан II кеча-кундузга етади. Араблар бу фарқни йўқотиш учун ҳижрий тақвимга ҳар 30 йилда

I. Бу қўлланмага киритилган йил ҳисобига доир маълумотлар жузъий ўзгартириш ва қисқартишлар билан М. Абдусаматовнинг "Форс тили" дарслигидан олинди.

II кеча-кундуз кўшиб, 30 йилнинг 19 йилини одатдагидек 354 кеча-кундуз, II йилини 355 кеча-кундуз ҳисоблайдилар. Бинобарин, ҳар 30 йиллик циклнинг 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26, 29 йиллари кабиса, яъни 355 кунлик ҳисобланади. "Кабиса" арабча сўз бўлиб, "тўлдирилган", "ортирилган" деган маъноларни билдиради. Демак, кабиса йили тўлдирилган йилдир.

Йилнинг оддий ёки кабиса йил эканини билиш учун уни 30 га бўлиш керак. Агар қолдиқ юқорида кўрсатилган сонлардан бири бўлса, шу йил кабиса йили бўлади. Кабиса йилида зу-л-ҳижжа ойига бир кун кўшилиб, 30 кун ҳисобланади. Бу ҳисоблаш шартли бўлиб, амалда эса мазкур ортиқча кун ис-талган ойда пайдо бўлиши мумкин.

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ ДАРС

Ҳижрий-қамарий йилни милодийга, милодий

йилни ҳижрий-қамарийга айлантириш

Ҳижрий йилни милодий йилга айлантириш учун уни 33 га бўлиш (33 сони, аввал айтиб ўтганимиздек, ҳижрий ва милодий йилларнинг бир-бирига тўғри келиш даврини билдиради), бўлишдан чиққан

сонни ҳижрий йилдан айириш, айиришдан қолган сонга 622 ни қўшиш керак (622 сони, юқорида таъкидлаганимиздек, Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчган йилини англатади). Шу амаллардан чиққан натижа милодий йил бўлади. Мисол учун буюк қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг туғилган йилини (ҳижрий 362) олайлик. Юқоридаги шартга мувофиқ, Берунийнинг туғилган йилини милодийга айлантирмоқчи бўлсак, қуйидагича ечим чиқади:

$$362:33 = 11, 362-11 = 351, 351+622 = 973.$$

Демак, Беруний милоднинг 973 йили дунёга келган экан.

Бу амалнинг формуласи қуйидагича бўлади:

$$M = X - \frac{X}{33} + 622$$

(X—ҳижрий йили, M—милодий йили).

Энди милодий йилни ҳижрийга айлантириш учун қуйидаги амалларни бажариш керак.

Милодий йилдан 622 айириб олинади, яна суратда милодийдан 622 айириб олиниб, 32 га бўлинади ва икки амал натижаси қўшилади. Мана шу қўшилма натижаси ҳижрий—қамарий йил бўлади. Бу

амалнинг формуласи қуйидагича :

$$\chi = M - 622 + \frac{M-622}{32}$$

Изоҳ: Баъзан 33 га ёки 32 га тақсим қилинганда натижа қолдиқ билан чиқади. Агар ўша қолдиқ бўлувчи (33 ёки 32) нинг ярмидан зиёд бўлса, яъни 17 дан катта бўлса, у ҳолда $\frac{X.K.}{33}$ ёки $\frac{M-622}{32}$ — чиққан натижа бутун сонга яхлитланади, яъни бутун қисмига 1 қўшиб олинади. Агар қолдиқ 16 ва ундан кам бўлса, унда $\frac{X.K.}{33}$ ёки $\frac{M-622}{32}$ натижанинг фақат бутун қисми олинади.

Ўз билимларингизни синаш мақсадида оила аъзоларингизнинг туғилган йилларини эски, ҳижрий йил ҳисобига айлантириб кўришингиз мумкин. Айтайлик, опангиз Моҳира 1965 йилда туғилган.

1 Хўш, 1965 милодий йилни ҳижрий-қамарий йилга айлантириш учун нима қилиш керак?

Бунинг учун 1965 дан 622 айрилади. Натижа 1343 бўлади. Сўнгра 1343 32 га бўлинади. Натижа 42 бўлади. Сўнг 1343 42 га қўшилади. Натижа 1385 чиқади.

$$1965-622 = 1343, 1343:32 = 42, 1343+42 = 1385$$

Демак, Моҳира ҳижрий-қамарий йил ҳисоби билан 1385 йилда таваллуд топган.

184-машқ. 940, 1444, 1451 ҳижрий-қамарий йилларни милодий йилга айлантиринг.

185-машқ. 1927, 1960, 1989 милодий йилларини ҳижрий-қамарий йил ҳисобига айлантиринг.

ЙИГИРМА ТҶҲҚИЗИНЧИ ДАРС

Ҳижрий-шамсий йилни милодий йилга,
милодий йилни ҳижрий-шамсийга
айлантириш

Маълумки, ҳижрий-шамсий йил ҳисоби ҳам милодий йил каби қуёш кунларига асосланади. Ўрни ҳар иккала йил муддатининг давомийлиги 365(366) кундан иборат. Милодий йилни ҳижрий-шамсий йилга айлантириш учун милодий йилдан 622 ни айириш керак. Чиққан натижа ҳижрий-шамсий йилни билдиради. Буни қуйидагича кўрсатиш мумкин.

1989 (милодий йил) - 622 = 1367 (ҳижрий-шамсий йил)

Ҳижрий-шамсий йилни милодий йилга айлантириш учун эса худди шунга тескари амал қилинади. Ўрни ҳижрий-шамсийга 622 сони қўшилса, милодий йил келиб чиқади:

1367 (ҳижрий-шамсий йил) + 622 = 1989 (милодий йил)

186-машқ. 1754, 1756, 1804 ҳижрий-шамсий йилларидан милодий йил ҳисобини келтириб чиқаринг.

187-машқ. 1756, 1870, 1924, 1990 милодий йилларини ҳижрий-шамсий йил ҳисобига айлантиринг.

УТТИЗИНЧИ ДАРС

Ҳижрий-шамсий йилни ҳижрий-қамарийга,
ҳижрий-қамарий йилни ҳижрий-шамсийга
айлантириш

Ҳижрий-шамсий йилни ҳижрий-қамарийга айлантириш учун ҳижрий-шамсий йилга ҳижрий-шамсий йилнинг 32 га бўлинишидан чиққан бўлинма бутун сонгача яхлитланиб кўшилади. Чиққан натижа ҳижрий-қамарий йил бўлади. Бунинг формуласи қуйидагича:

$$ХҚ = ХШ + \frac{ХШ}{32}$$

$$1367(\text{ҳижрий-шамсий}) + \frac{1367(\text{ҳижрий-шамсий})}{32} = 1367 + 43$$

$ХҚ = 1410$ (бу йил 4 августдан бошланади)

Ҳижрий-қамарийни ҳижрий-шамсийга айлантириш учун эса ана шунга тескари амал қилинади. Дейлик, 1410 ҳижрий-қамарий йилнинг ҳижрий-шамсий йилга айлантириш учун нима қилиш керак?

1410 дан 1410 ни 33 га бўлинишидан чиққан натижани яхлитлаб айириш керак. Чиққан натижа ҳижрий-шамсий йил бўлади. Бунинг формуласи қуйидагича:

$$ХШ = ХҚ - \frac{ХҚ}{33}; 1410 - \frac{1410}{33} = 1410 - 43 = 1367$$

Демак, 1410 ҳижрий-қамарий йил 1367 ҳижрий-шамсий йилга мос келади.

188-машқ. $490, 940, 914, 1440$ ҳижрий-қамарий йилларини ҳижрий-шамсий йил ҳисобига айлантиринг.

189-машқ. $940, 1440, 1400, 1414$ ҳижрий-шамсий йилларидан ҳижрий-қамарий йил ҳисобини келтириб чиқаринг.

УТТИЗ БИРИНЧИ ДАРС

Ҳижрий-қамарий йил ойлари

Эски ўзбек тилида битилган китобларнинг охириги саҳифаларида: "Ушбу китоб муҳаррам ойининг ўнланчи кунда (ёки Қавс ойининг бешинчисида) итмомуга еткурулди", қабилидаги жумлаларни ўқиймиз. Демак, ҳижрий йил ҳисоби ойлари-ни билиш зарурлиги ҳаёт талабидан келиб чиқади.

Ҳижрий-қамарий йил 12 ойдан иборат бўлиб, тоқ ойлар 30, жуфт ойлар 29 кунлик тарзида қабул қилинган.

1409 ҳижрий-қамарий йил	кун	1988-1989 миллодий йилига мослиги
1. محرم муҳаррам	(30)	(14 авг.-12 сен.)
2. صفر сафар	(29)	(13 сен.-11 окт.)
3. ربيع الاول Раби-ул аввал	(30)	(12 окт.-10 нояб.)
4. ربيع الآخر Раби-ул охир	(29)	(11 нояб.-9 дек.)
5. جمادى الاول жамодиул-аввал	(30)	(10 дек.-8 янв.)
6. جمادى الآخر жамодиул-охир	(29)	(9 янв.-6 февр.)
7. رجب ражаб	(30)	(7 фев.- 8 март)
8. شعبان шаъбон	(29)	(9 март-6 апрель)

9.	رمضان	рамазон	(30)	(7 апр.—6 май)
10.	شوال	шавол	(29)	(7 май—4 июнь)
11.	ذوالقعدة	зул-қаъда	(30)	(5 июнь—4 июль)
12.	ذوالحججه	зул-ҳижжа	(29—30)	(5 июль—3 авг.)

190-машқ. Ҳижрий-қамарий йил ойларини ёд олинг, араб имлосида ёзилишига диққат қилинг.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ ДАРС

Ҳижрий-шамсий йил ойлари

Ҳижрий-шамсий йил ойлари 622 йилнинг баҳорги тенгкунлик (кеча ва кундузнинг баробар бўлиши) – 21 мартдан бошлаб ҳисобланади. Кейинги йил бошлари 20, 21 ёки 22 мартга туғри келади. Давомийлиги Европа, яъни Григорий календаридagi сингари 365 ёки 366 кундан иборат. Ҳижрий-шамсий ойлар доимо йилнинг маълум бир вақтида келади.

Ҳижрий-шамсий йил ойлари	кун	Милодий йил ойлари-га мослиги
1. محرم ҳамал	(31)	(21 март—20 апрель)
2. ثور савр	(31)	(21 апрель – 21 май)
3. جوزاء жавзо	(31)	(22 май – 21 июнь)

4.	سرطان	саратон	(31)	(21 июнь-22 июль)
5.	اسد	асад	(31)	(23 июль-22 август)
6.	سنبه	сунбула	(31)	(23 август-22 сент.)
7.	ميزان	мезон	(30)	(23 сент.-22 октяб.)
8.	عقرب	ақраб	(30)	(23 октяб.-21 нояб.)
9.	قوس	қавс	(30)	(22 нояб.-21 декаб.)
10.	جدى	жадди	(30)	(22 декаб.-20 январь)
11.	دلو	далъ	(30)	(21 январь-19 февр.)
12.	هوت	хут	(29-30)	(20 февраль-20 март)

191-машқ. Ҳижрий-шамсий йил ойларини ўз тартиби бўйича ёддан ёзинг.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ ДАРС

Мучал ҳисоби

Аждодларимиз араб истилосига қадар ўзларининг йил ҳисобларига эга бўлганлар. Мучал ҳисоби билан юритилувчи йил ҳисоби ана шулардан бири. Мучал ҳақида маълумот жуда кўп манбаларда, жумладан Берунийнинг "Осор ул-боқия" ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону лугатит-турк" асарларида ҳам батафсил берилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг мучал ҳисобининг туркий версияси ҳақидаги фикрлари қизиқарлидир. Қуйида унинг фикрларини келтирамиз:

"Турклар ун икки хил ҳайвон исмини ун икки йилга от қўйганлар. Туғилиш, жанг тарихлари ва бошқаларни ана шу йиллар айланишидан ҳисоблайдилар. Бунинг келиб чиқиши шундай: турк хоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдин бўлиб ўтган урушни ўрганмоқчи бўлган, шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишган. Бу масала юзасидан (хоқон) қавми билан кенгаши ва айтди: "Биз бу тарихни (аниқлашда) қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ун икки ой ва осмондаги ун икки буржга асосланиб, ун икки йилга от қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин". Улар "айтганингиздек бўлсин" дейишди.

Хоқон овга чиқди ва одамларга ваҳший ҳайвонларни Ила дарёси томон қувишни буюрди, бу жуда катта сув. Одамлар ов қилиб ҳайвонларни

сүв томон ҳайдай бошладилар, шунда ўн икки хайвон сүвдан ўтди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки хайвон исми билан атадилар. Энг олдин сүвдан ўтган хайвон сичқон бўлди. Шунинг учун йил боши унинг номи билан аталди, шу сўзга йил қўшиб, сичқон йили деб атадилар. Ундан кейин ўтганлари қуйидаги тартибда бўлди:

уд(сигир) йили
барс(йўлбарс) йили
товушқон(қуён) йили
нак (тимсоҳ) йили
йилон (илон) йили
йунд (от) йили
қўй йили
бижин (маймун) йили
тақағу (товуқ) йили
ит йили
тўнғиз йили

Тўнғизга етгандан кейин, ҳисоб яна сичқондан бошланади. ... Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисида бирор ҳикмат бор деб тахминлайдилар. Масалан, уларча сигир йили бўлса, уруш кўп бўлади.

чунки ситир бир-бири билан сузишадиган хайвон. Товуқ йили кирса, озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади. Чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ (илон) йили кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тунғиз йили кирса, совуқ, қор ва фитна кўп бўлади. Шунга ўхшаш, ҳар йилга бирор тахмин юритадилар.

Туркларда ҳафтадаги етти куннинг исми йўқ, чунки ҳафта исломдан сўнг шўҳратланди. Шунга ўхшаш ой исмлари ҳам шаҳарларда арабча юритилади. Кучманчи ва мусулмон бўлмаган турклар ойларни тўрт ғасл билан атайдилар. Ҳар уч ойни бир исм билан юритадилар. Йил утишини шундай билатадилар. Масалан: наврўз (янги кун)дан кейинги аввал баҳорга ўғлоқ ой, сўнгра улўғ ўғлоқ ой дерадилар. Чунки ой бу вақтда катта бўлиб қолади. Бундан кейингисига улўғ ой дейилади. Чунки бу ой ёзнинг ўртасида бўлиб, бу вақтда сут ва неъматлар мўл-кўл бўлади. Бу исмлар кам қўллангани учун ҳаммасини айтишни муносиб кўрмадик. Ўзи-

нинг тушин "I".

Мучал йили ҳисоби узок даврлардан бери му-
ғул, хитой, узбек, қозок, уйғур, туркман ва
Осиёнинг бошқа халқлари уртасида қулланиб кела-
ди. Мучал йили 22 мартдан бошланади. Киши ту-
ғилган йилини мучал йили билан ҳисоблаши учун
қандай амалларни бажариши керак? Бунинг учун
туғилган йилига 9 рақами қушилади ва ҳосил бул-
ган йиғинди 12 га бўлинади, қолдиқ сони мучал
йили сони бўлади. Масалан, бир киши 1960 йилда
туғилган бўлса, бу мучал ҳисобининг қайси йили-
га тўғри келади. Буни қуйидагича ечилади:

$$1960+9=1969; \quad 1969 : 12 = 164, \text{ қолдиқ} - 1.$$

Демак, у киши мучал ҳисоби билан сичқон
йилида туғилган экан.

I. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит-турк. Уч
томлик. I-том. Тошкент, 1960, 330-331, 333-бет-
лар.

192-машқ. 1773, 1898, 1941, 1953, 1972, 1986, 1990 йиллардан мучал ҳисобини келтириб чиқаринг.

193-машқ. Туркий календарь ойларини араб имлосида ёзинг ва ёд олинг.

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ ДАРС

Қўлёзма асарларга хос ёзув усуллари

Араб алифбосидаги ҳарфларнинг ёзилишига асосланиб, улар фақат ана шундай шаклда ифодалангани, деб уйлаш унчалик тўғри эмас. Юқоридаги фикрларимизни араб ҳарфларининг ёзилишидаги темир қонун, муҳр маъносидан тушунмаслик керак. Чунки асрлар давомида араб ҳарфлари сайқалланиб, турли хил усул ва шаклларда ёзиб келинган. Турли жойларда, турли замонларда кучирилган қўлёзма манбаларни кузатсак, улардаги ёзув бири-биридан кескин фарқланиб туришининг гувоҳи бўламиз. Ҳатто муайян бир қўлёзманинг ўзида ҳам айрим сўзлар турли шаклларда ёзилади. Бу эса араб ҳарфларини ёзишда маълум бир қоидага риоя

қилинавермаслиги, ёзувда ҳарфлар ҳар бир хат-
тотнинг ўз диди ва савиясига мувофиқ тарзда ўз-
гариши мумкинлигини англатади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир қўлёзмани тўғри ва
равон ўқиш учун хаттотнинг ёзув услубига хос
хусусиятларни ҳам ўрганиб чиқиш керак, қолавер-
са, ёзувда араб ҳарфларининг турлича ифодалани-
шини яна шу билан ҳам изоҳлаш мумкинки, кўплаб
хат турларидан воқиф бўлган хаттотлар кучириш
жараёнида араб хатининг бошқа турларига хос
ёзув услубларини ҳам ишга солишган. Натижада
настаълиқ хати шикаста, сулс, насх, риқоъ каби
хат турларига хос ёзув белгиларини ҳам муайян
даражада ўзига сингдирган.

Маълумки, араб ёзувининг босма шакли насх
хатига ўхшаш бир чизикда изчил босилади. Ёзма
шаклида эса маълум принцип кўринмайди. Унда
баъзи ҳарфлар, сўзлар сатр чизигидан тушириб
ёзилса, айримлари сатр чизигида ёзилади. Баъзи
қўлёзмаларда ҳарф нуқталари бежо қўйиб кетилади.
Уша нуқтанинг қайси ҳарфга тегишли эканлигини
контекст мазмуни орқалигина билиш мумкин бўлади.

Баъзан эса икки ҳарф учун битта нуқта қўйилади. Бундай ҳолда биз уша нуқтани иккала ҳарфга ҳам қўйиб ўқишимиз лозим. Хуллас, араб имлосини ўқишда зукколик ва топқирлик жуда зарур. Масалан: "хазон" сўзи аслида қуйидагича ёзилади:

خزان . Бундаги ҳарф тепасига қўйилган битта нуқта хе ҳамда зе ҳарфларига тегишли ёки **پيچاق** - пичоқ сўзининг ана шундай усулда ёзилишини олайлик. Унда ҳарф остидаги нуқталар учала ҳарфга ҳам тегишли эканлигини англаб етамиз: **پچان** - пичоқ.

Турли ҳарфларга тегишли бўлган нуқталар баъзан бир жойда йиғма ҳолатда ҳам берилади. Масалан: **پير** - бир сўзи ёзма шаклда **پير** тарзида ҳам битилади.

Шунингдек, ёзувда айрим ҳарфлар, сўзлар бир-бирларининг устига мингаштирилган ҳолатда ҳам битилишини кўрамиз, масалан:

آسمان - осмон

اشتباه - исбот

کتاب - китоб

ساق - соқи

Бундай шаклда ёзиш кўпинча шоирларнинг де-

вонларида учрайди. Хаттотлар мисраларни бир қо-
липга тушириш, сатрдаги сўзларни бир қаторга
сигдириш мақсадида атайин шундай шаклда ёзади-
лар.

Мисол сифатида Ғузӯлий девонидан бир байт-
нинг ёзилишини келтирайлик:

ای فضاقلیم ترک طریوق عسکیم
بو فضیلت داخلى ایل کمال ایملار بنی

Эй Ғузӯлий, қилмазам тарқи тариқи ишққим,
Бу ғазилат доҳили аҳли камол айлар бани.

Хаттотлар ҳатто баъзи қулёзмаларда ҳарфлар-
нинг нуқталарини умуман қўймасдан ёзиб кетган-
лар. Бу эса китобхондан топқирлик, зукколик ва
катта билимдонликни талаб этади. Бунга жавобан
хаттотлар тилида қадимдан бир нақл юради: "Оқи-
лон пайи нуқат мараванд". Бунинг маъноси: Оқил
кишилар учун уқиш жараёнида нуқта қўйилган-қў-
йилмаганлигининг аҳамияти йуқ.

Ёзма шаклларда ҳарфларни ифодалашда муайян
принципга риоя қилинмаслигини яна бир мисол би-
лан ҳам изоҳлаш мумкин. Маълумки, ۋ (дол),

ذ (зол), ر (ре), ز (зе), و (вов) ҳарфлари мунфа-

сил ҳарфлар булиб, улар ўзидан чап томонда келадиган ҳарфларга қўшилмаслик хусусиятига эга. Ёзма манбаларда баъзан ана шу қоидага ҳам амал қилинавермайди. Масалан:

بان	(бода)	نهون	(наҳорда)
دوران	(даврон)	ميدان	(майдон)

Эски ўзбек тилида имло ва пунктуация қоидалари мукаммал бўлмаганлиги сабабли баъзан сўз ва қўшимчалар қўшилиб, баъзан ажратиб ёзилган. Масалан:

سرایدن ← سراى دن	- саройдан
خانلار ← خان لار	- хонлар

Хуллас, араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувини тўғри ўқиш ва ўрганиш учун икки нарсага алоҳида эътибор қилиш керак: биринчиси, ўқилаётган матннинг умумий руҳи ва мазмунини англаб олиш, жумла, ҳар бир сўзнинг маъноси ва оҳангини илғаш, қисқаси, контекстдан келиб чиққан ҳолда ўқишга интилиш бўлса, иккинчиси, тинимсиз ўқиш, машқ қилиш, турли хил қўлёзмаларни кўздан кечириш, бой малака ва тажрибага эга бўлишдир.

Буларсиз араб ёзувини тўла ва пухта ўзлаштириб бўлмайди. Эски ўзбек тилидаги ёзма ёдгорликларни варақлар эканмиз, уларда арабча ва форс-тожикча сўзлар, иборалар бениҳоя кўп эканлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам луғат устида ишлаш, сўзларнинг маъноларини билиш, ёзилиш усуллари-ни ёдда сақлаш равои ўқиш ва тўғри ёзишнинг муҳим омилidir.

194-машқ. Тўбандаги мисолларга тегишли нуқталарни қўйиб чиқсангиз, ўзбек халқ мақолларидан айримларини ўқийсиз.

1. **آه نور سگ آمان بولسه رگ و رو سگ**
2. **سامان بولماس ۲. عقل ناسده ايماس**
3. **ناسده ۳. آداب كسي سگ رسي**
4. **محمد محك كليمه اوى ۵. آرا او كجاست**
5. **دانا بولور نامحن نامحن سعليت درنا**
6. **بولور ۶. ماره لك ساعلك سگ گراوى**

اوسنگاں اور ار اوسمکان نور ار ۸. سلاگی
 رور سرنی سهار سلسی رور سینگ می
 سهار ۹. محسی سلاں نور سینگ سارس
 مرادگا ماماں سلاں نور سینگ فالارس
 اوماگہ ۱۰. مالہر آب سینگ حگی صہماس
 حگی حسیہ ہم داعی صہماس ۱۱. بجل
 سینگ داعی کو کارماس کو کار سہ ہم سہ
 سرماس ۱۲. سر ودری می سلماڈی سر
 انکماکان دہمالار ایل ودری می سلماڈی
 ایل کو رماگان مادالار ۱۳. کور مورفای
 قول ماسر ۱۴. مورگان گا موسیہ کور سار
 ۱۵. دوست سر ماسم نور سر اسسم

195-машқ. Қуйидаги сузларни дафтарингизга кучириб ёзинг, уқилиши ва ёзилишини ёдда тутинг, улар асосида гап тузинг:

Исо	عيسى	хожа	خواجہ	азият	ازيت
ҳасса	حصا	хоразм	خوارزم	алвицо	الويداع
хайит	عيد	хоб	خواب	тайин	تعين
мустафо	مصطفى	зотилжам	ذات الجنب	тақрибан	تقريباً
муаззин	مؤذن	риоя	رعايه	таъминот	تأمينات
муаррих	مؤرخ	саноат	صناعت	таассурот	تاثيرات
манба(ъ)	منبع	зимнан	ضمناً	жазава	جذبہ
наф(ъ)	نفع	тамагир	طعامگر	жам(ъ)	جمع
хайъат	حیث	зоҳиран	ظاهراً	журъат	جرات
яхё	يحيى	муассаса	مؤسسة	ҳатто	حتى
йилбай	يلبيغ	алоҳида	عليحده	ховуз	حوض

196-машқ. Қулёзма асарларга хос усул билан ёзилган тубандаги сузларни туғри уқишга ҳаракат қилинг:

دېھرا آفتا کتا رت ٻراه
منه بکھا مردان آسکا

کلچین، حبتا، کمان، جانان، گیلماو،
 ما، آفتاب، معنی، آبپتہ، شوا،
 اسراج، کیے، جنت، ساغ،
 منجات، ایملا، ثمر، ہیرورس، ہیرشا،
 کسما، مخم، آما، صورت، فانی، شہ،
 مذبان، جسع، غل، مجنون،
 عاصی، ششنبہ، تدارک،
 سمام، کٹپدر، مہبران، نقاش، نیکے،
 ہمیسہ، ثبشا، پنج کتبہ، سلامت،
 تاشقین، غوص، خرابشا، ہندشا

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ДАРС

Ислоҳ қилинган эски ўзбек ёзуви

Асрлар давомида қўлланиб келган араб алифбоси халқ оммасининг савод чиқариши учун бирмунча қийинчилик туғдирарди. Шунинг учун ҳам ўзбек совет зиёлилари олдида алифбони соддалаштириш ёки бошқа осонроқ имлони қабул қилиш масаласи кўндаланг турарди.

Ниҳоят, 1921 йилда араб ёзуви ислоҳ қилинди. Яъни ёзув олдингисига нисбатан бирмунча соддалаштирилди. Омманинг осонроқ савод чиқариши учун муайян қулайлик яратилди.

Ислоҳ талабига мувофиқ, ёзувда барча ҳарфлар ифодаланди, араб тилига хос бўлган товушларни ифодаловчи айрим ҳарфлар (**ذ ، ث**) ёзувдан бутунлай чиқариб ташланди. Улар ўрнига эса талаффузи жиҳатидан ўзбек тилидаги товушларга яқин бўлган ҳарфлар қўлланиладиган бўлди. Эски ёзувдаги

ص (сод), **ث** (се) ҳарфлари ўрнига ислоҳ қилинган алифбода **س** (син) ҳарфи, **ظ** (зо),

ز (зол) ҳарфи урнига (зод), ض (зе), ط (то) ҳарфи урнига ت (те) ишлатила бошлади.

Мисоллар:

Ислоҳ қилинган эски ёзувда Эски ёзувда Ҳозирги кўриниши

ساييت	—	ثابت	—	собит
سايير	—	صابر	—	собир
زاكير	—	ذاكر	—	зокир
زه ربه	—	ضربه	—	зарба
زاليم	—	ظالم	—	золим
طاقه گت	—	طاقت	—	тоқат

Маълумки, эски ёзувда қисқа унлилар ёзувда ифодаланмас эди. Ислоҳ қилинган араб алифбосида эса улар ёзувда тўла акс этадиган бўлди. Ҳатто улар учун махсус ҳарфий белгилар ҳам ишлаб чиқилди.

Ислоҳ қилинган эски ёзувда эски ёзувда ҳозирги шакли

ئە	—	ا	—	<u>-a</u>
ئا	—	آ	—	<u>-o</u>

تو	—	او	- <u>у</u>
بو	—	او	- <u>ў</u>
ئىسى	—	اىسى	- <u>и</u>
ئە	—	اىسى	- <u>э</u>

Мисоллар:

ئەندە	—	اندا	- анда
ئاباد	—	آباد	- обод
ئۈچۈن	—	اۈچۈن	- учун
ئۈتەر	—	اۈتەر	- утар
ئىسى	—	اىسى	- иш
ئىتىك	—	اىتىك	- этик

Эски ёзувда **و** (вов) ҳарфи уч хил товушни, яъни в, ў ва у ни ифодалаб келар эди. Ислоҳ қилинган ёзувда эса улар бир-биридан фарқланиб турувчи ҳарфий белгилар билан ёзиладиган бўлди. Ҳатто в ундоши учун махсус белги қабул қилинди,

масалан:

عوض	—	ئەۋۋز	- аваз
وطن	—	ۋەتەن	- ватан

Эски ёзувдаги **ى** ҳарфи ислоҳ қилинган ёзувда уч хил ифодаланади:

بىلىم — بىلىم
 تىل — تىل
 باي — باي
 نىگ — نىگ

Эски ёзувдаги **نگ** (нг) ёки **نىگ** (инг) товۇши бирикмалари ислоҳ қилинган алифбода **ش** ёки **ش** ҳарфига мувофиқ келган, масалан:

تاشىك — تاشىك
 يورنىگ — يورنىگ

197-машқ. а ва о унлилари иштирок этувчи сўзлардан топиб, ислоҳ қилинган эски узбек имлосида ёзинг.

198-машқ. у ва ў унлилари иштирок этувчи сўзлардан топиб, ислоҳ қилинган араб ёзувида ёзинг ва улар ёрдамида гап тузинг.

199-машқ. и ва э унлилари иштирок этувчи сўзлардан топинг, улар ёрдамида гап тузинг ва ислоҳ қилинган эски узбек имлосида ёзинг:

200-машқ. **ئ** (нг) – ҳарф бирикмаси билан туговчи сўзлардан топиб, ислоҳ қилинган алифбо асосида ёзинг.

201-машқ. в ундошининг алоҳида ҳамда боғланган ҳолда ёзилиш шаклларига бештадан мисол топинг, уларни ислоҳ қилинган араб алифбоси асосида ёзинг.

202-машқ. Қуйидаги сўзларни ислоҳ қилинган эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг: баланд, матонат, қаландар, танг, мактуб, талаба, чуқур, тилинг, кўнгул, хато, элак, олим, инсоф, зафар, ўқиш, тараққиёт, тузум, талант, чанг, муҳокама, фазилат, мунозара, жавоб, отинг, ҳасрат, маросим, вафо, самара, гаранг, иқлим, ҳусн, нафас, қалб, кундуз, олқиш, тўнғич, ўрим, бонг, ҳавас, фасл, дафтар, сўнг, сурат.

203-машқ. Қуйидаги матнни ҳозирги имломиз ҳамда ислоҳ қилинмаган эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг:

شەرقنەك ئىشچى، دېھقان خاتن - قىزارى مۇدافەئەگە
تاييار بولگلار!

Та айлантинг:

ئىپراك

باقچادا بولبولنىڭ سايراشىن ئىكەنم،
ئىكەنكەچ ئولتۇرۇپ، ئوزاق ۋاقىت ئىكەنم،
سايراردى ئۆ. بولبول كوڭلىن داغلايدى،
قەتەت مېن «بىرەنچى - ئاغوسىن» ئاڭلاردىم.

حەقىقەت قەلەمى

(مۇخبىرلەرگە باغشلاپ)

قوللاردا نىزمى ئويناپ،
حەقىقەتچى قەلەمك.
ئۆمبى كۆيىنى ئىڭلىم،
قەلبىڭدە وق ئەلەمك.

ئىپراك قىز

ئىپراك قىز ئويناپ، كۆلەپ،
ئەيىدى زاۋققا تولۇپ،
يېلەم قايدا باراڭ،
قايدان مەسكەن ئالدىرا

—
حەقىقەتنى يازاسىن،
بارلىقنى سېپىن كېزەسىن،
زالىم كوڭلىن ئېزەسىن،
ئىپراك قىز بولالار چېزەسىن.

—
قەلەمگە زور ئۆمبىپ،
ھەر ۋاقىت چاققاپ ئاشلار،
دوڭلىگەگى زور يېلگى،
ئىستەك ئاغىن ئاشلار

ئىپراك قىزنى تۇشىندى حەقىقەتنى،
ئانىدى قارا - ئانىنى،
قوللىق رەزىچون ئۆزەن،
ئىپراك قىزنى كېزەن،
ئۆمبىپ يېلگىسىن ئاقىپ،
بارلىققانلارنى باقىپ،
بىلىم سەرى باراڭ،
دۇشمەن كوڭلىن پاراڭ.

عوسمان

شورالار حۇكۈمەتنى، بۇتۇن بىر بۇزىدە بوردىمىز. بىر ئىشچى، دېھقانلار حۇكۈمەتتىمىز.

غەربنىڭ سىمىمىزدا - قانخورلارنى، مەنە شۇ ئىشچى، دېھقانلار ھاكىمىيەتتىن دۇنيادان يوق قىلىپ يولباش ئۈچۈن، بىر نېچچە مەرتەبەلەر بىر تۇتقۇنچىلارچا سىياسى، خەلقنى تۇرلۇق ھۇجۇملەر ياسايدىلار. لېكىن، ۋەھشى فېئىكرلەر بىزنى ۋەجودكە چىقىرىشقا مۇۋەپپەقىي بولالمايدىلار.

سوغىنى ۋاقىتلاردا سىمىمىزدا لىرىك بىزگە قارشى بولغان خەركەتلىرى، شۇنچە ئۆزگەرگەن كېتىدىكەن، تۇتقۇن ئەتىلەرچە بولغان بۇ خەركەت - ئىپراك قىزنىڭ، سىمىمىزنى ئىپادىلەش ئۈچۈن ۋاقىت خەلقىنى تۇرلۇق ھۇجۇمىغا ئەلپەنەپتىمىز.

بىز قان توكلىشىمىز - تۇرۇشنى خالايمىز. بىزنىڭ بۇتۇن سىياسەتتىمىز، بىزنىڭ بىزنى تۇرۇشقا چاتۇپ بىزگە قارشى ئىشلەگەن ھەر خىل قەيەملىكلىرىمىز ۋە ھەر خىل ئاڭلاشماشۇمۇلارنى سۇلج بولۇپ بىلەن تەئىمىن قىلىشىمىز. لېكىن، بىزنىڭ سۇلج سىياسەتتىمىز، بىزنىڭ بىزنىڭ قايىسى ئۈچۈن ئىپادىمىز. چۈنكى، تىنچلىك دەۋرىدە بىزنىڭ ئىقتىسادى، تەبىئەتتىمىز ۋە سەنئەتتىمىز بىلەن - بىل مەھكەم.

لىرىدە بارلىق - شۇنىڭ ئارقىسىدا شورالار حۇكۈمەتتىمىزنىڭ كۈچى - مۇداپىئە قۇۋۋەتنى ھەم ئىپادى قىلىشقا ئۇقتۇرۇش سىمىمىزدا بار. قانداق دېيىشكەن بولسۇن، ھەر خىل دۇشمەنلەر بىزنىڭ ئاقچىلىرىمىز - ئاقچى بولمىسى ھۇجۇملەرگە ئايىپار بولۇپ تۇرماقچىمىز ئىكەنمىز.

بىر نېچچە ھەقتەلەردەن بويان، بۇتۇن شورالار ئىتتىپاقى مەقسەتلىك - ئىشچى دېھقانلار ھاكىمىيەتنى - مەھكەم كەتتىمىزنى دۇشمەنلىرىمىز ھۇجۇم - بىلەن مۇداپىئە قىلىشقا.

205-машқ. Мана бу матнни ислоҳ қилинган эски ўзбек алифбоси асосида ёзинг:

БОЛА БОШИДАН

Ибн Сино қишлоқда яшаб, табиблик қилар экан. Кунлардан бир кун шу қишлоқлик бир йигит билан бир қиз турмуш қуришибди. Улар яхши ҳаёт кечирибди. Орадан тўққиз ой-ю тўққиз кун, тўққиз соату тўққиз дақиқа ўтгач, фарзанд кўришибди. Бир оз вақтдан сўнг, улар бир-бирига маслаҳат қилишибди:

- Боламизни қандай тарбия қиламиз? Уни шундай тарбия қилайликки, катта бўлганда эл-юртга фойдаси тегадиган чин инсон бўлсин,- дебди эри.

- Тўғри айтасиз,- дебди хотини,- мен ҳам шунни ўйлаб турган эдим. Яхшиси Ибн Синодан сўраб қўя қолайлик. Бу гап эрига маъқул тушибди. Эр-хотин болани кўтариб, Абү Али ибн Синоникига келишибди. У бир кичик, тор кулбада яшар, шундай бўлса-да, донғи оламга кетган олим экан, Абү Али ибн Сино эр-хотинни яхши қутиб олибди. Нима иш билан келганликларини сўрабди.

– Боламизнинг тарбияси ҳақида бизга мас-
лаҳат берсангиз. Токи катта бўлгач, эл-юртга
фойдаси тегадиган киши бўлсин,– дебди эри.

– Қачон туғилди?– деб сўрабди Ибн Сино.

– Эрта билан туғилди,– эрининг ўрнига хо-
тини жавоб берибди.

– Э... азизлар,– дебди Ибн Сино,– бола
эрта тонгда туғилган экан, ҳозир чошгоҳ бўлди,
кечикибсизлар. Бола туғилиши билан унинг тар-
бияси ҳақида қайғуриш керак. "Ниҳолни бошдан,
болани ёшдан" деб бекорга айтишмаган, ахир.

УТТИЗ ОЛТИНЧИ ДАРС

Транслитерация ва ҳуснихат (калли- графия) ҳақида тушунча

Транслитерация деганда, муайян бир халқ
алифбоси асосидаги хатни иккинчи бир халқ имло-
сига ўтказиш тушунилади. Демак, тилдан тилга
ўгириш таржима бўлса, бир алфавитдан иккинчи
алфавитга ўтказиш транслитерациядир.

Каллиграфиянинг туб маъноси ҳуснихат, чи-
ройли ёзув демакдир^I. Ўтмишда араб имлосини чи-

I. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг:
Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихи-
дан. Тошкент, 1971.

ройли ҳуснихат билан кучирувчи кишилар хаттот ё котиб деб юритилган. Барча соҳаларда бўлгани каби, устоз ва шогирдлик анъанаси хаттотликда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Турли шаҳарларда куплаб хаттотлик мактаблари булган. Навоий асарларини маҳорат билан кучирган Султонали Машҳадий, Абдулжамил котиб ўз даврининг уста, қилқалам хаттотларидан саналган. Хаттотлик санъати ҳақида ўтмишда махсус рисолалар ҳам ёзилганлиги маълум. Улардан бири Шермуҳаммад Мунис қаламига мансуб булган "Саводи таълим" рисоласидир. Мазкур рисолада ҳуснихат таълими ҳақида қимматли фикрлар илгари сурилган^I.

Хаттотлар ҳар бир ҳарфнинг чиройли чиқиши учун нуқтани ўлчов бирлиги сифатида қабул қилганлар (иловага қаранг).

I. Жумаев Н. Муниснинг "Саводи таълим" рисо-ласи. Ўзбек тили ва адабиёти, 1978, 6-сон, 54-57-бетлар.

Э с л а т м а: Араб ҳарфларини ёзганда қалам унгда чопга томон юритилиши лозим. Купинча илк ўрганувчилар ана шунга амал қилмай, ҳарфнинг ҳусни ва шакл-шамойилини бузиб қўядилар.

206-машқ. Қуйидаги топшмоқларни трансли-
терация қилинг ва жавобларини араб алифбоси
асосида ёзинг.

1. Кичкинە دىكى اچس تولە مینچى (....)
2. تىگ دىسام تىگمايدى تىگم دىسام تىگادى
3. (..) پىر تىگىدە آلتىن قازىق (....) 4. پىر
پارچە پتىر عالم گاتاتىر (..) 5. قولسىز
آياتسىز ايشىك آچار (....) 6. چىن
قوشىم چىتىن قوشىم چىن تىپە گاقوندى
قوشىم توشوغىنى پىر گاتىر اب خلق قە
سلام بىردى قوشىم (....) 7. قازىق
اوستىدە قارتورماس (....) 8. چاپساڭگ
چاپىلمايدى كومساڭگ كومىلمايدى (....)

207-машқ. Ўзингиз билган шаҳар номларини араб алифбоси асосида ёзинг.

208-машқ. Эски ўзбек имлосида "Менинг таржимаи ҳолим", "Бизнинг оила" деган мавзуларда баён ёзинг.

209-машқ. Тубандаги ҳаракат номларини эски ўзбек ёзувига айлантинг ва улар асосида гап тузинг.

ёзув, ўқш, учмоқ, учрашув, қутш, билмоқ, хайрлашув, кураш, ўрганмоқ, кучш, етмоқ, чақирув, олмоқ, термоқ, кўрсатув, ўчиш.

210-машқ. "Мен севган касб" мавзуида эски ўзбек ёзувида иншо ёзинг.

211-машқ. Уй-рўзғор асбоблари ва уй ҳайвонлари номларини араб алифбоси асосида ёзинг.

212-машқ. Ўзингиз билган дарахт номларини араб ёзувига айлантинг ва улар иштирокида гап тузинг.

213-машқ. Қуйидаги жумлалардаги нўқталар ўрнига тегишли сўзларни қўйиб ўқинг ва ёзинг:

كامل جان آتائيازوف خالقپير نينگ

ارداقی دور ۲. انسان فی
 بختای قیلادی گان نرسه پول هم جسمانی
 کوچ ہم ایماس بلکه حقانن لیک و هر
 تامانلامه دور ۳. برارته هم
 بولما گان آدم و نیاده یشمه سه هم
 بولادی ۴. انسان فی انسان قیلیب
 یشیرو چس نرسه دور
 سعادت الاقبال دیوانی نینگ
 مؤلیف شاعر دور ۷. کتاب الشفا
 شرق نینگ قلمی گام دور
 اولوغ علامه

214-машқ. Ўз кун тартибингизни араб алифбосида ёзинг.

215-машқ. Қуйидаги киши номларини араб алифбосида ёзинг: Алишер, Нодира, Ойша, Даврон, Интизор, Шакаржон, Икром, Шерали, Нурали, Дилшод, Баҳром, Моҳира, Матёқуб, Маткарим, Розия, Билолбек, Бобур, Равшан, Зебо, Саломат, Мамарайим, Шухрат, Азамат, Сарвар, Сардор, Қувондиқ, Зулфия, Меҳрибон, Шоҳрух, Фаррух, Сабоҳиддин, Ҳабибулло, Козим, Юсуф, Ўрозали, Абдурашид, Қодир, Муҳаммад, Қадам, Рашид, Расул, Манзар, Зикриё, Назокат, Раъно, Баҳодир, Эшқобил, Файрулло, Рисолат, Коммуна, Муборак, Отабек, Фароғат, Шомурот, Клара, Муяссар, Бобомурод, Саодат, Ҳамза, Зулайҳо, Дилфуза, Фарход, Ашир, Машариф, Малоҳат, Роҳат, Мунаввар, Полвон, Рўзмат, Жуманиёз, Дармон, Қобил, Зокир, Шокир, Ботир, Сория, Севара, Жасур, Шаҳриёр, Назира, Азимбой, Раззоқ.

216-машқ. Ҳар бирингиз оила аъзоларингиз ва қариндош-уруғларингизнинг номларини араб ёзувида ёзинг.

217-машқ. Бирдан ўнгача бўлган рақамларни эски ўзбек ёзувида ёзиб чиқинг, улар иштирокида гап тузинг.

218-машқ. Қуйидаги матнларни ўзаро қиёсланг араб имлосининг босма ва ёзма шакллариغا хос хусусиятларни қайд қилинг.

پادشاه بيلان قرچيغاي

بر پادشاه قرچيغاي قوياق قويانکه ساليب يياروب اوزى ارقاسيدىن جايدى قرچيغاي قوياق اوشلادى ، پادشاهنى اجراتيب آليپ تشنه بولكانلكى اوچون ايچماقگه سو ايزلادى ، بر تاغ نيننه يانيدن تامچلاب سو اقب توركان ايكان آنى كوروب پادشاه خورجونيدن پياله سيني آليپ تامچلاب توركان سوکه توتدى ، پياله تولگاندىن كيين پادشاه ايچايديب اغزيگه آليپ باردى قرچيغاي بردن قنات قاييب سونى توكوب يياردى . پادشاه پياله سيني توتدى قچان تامچلاب پياله تولگونچه آنچه وقت اوتدى باز پادشاه ايچايديب اغزيگه تامچلاتگان مخلده قرچيغاي ينه قناتى بيلان سونى توكوب يياردى ، پادشاه اوچونچى مراتبه پياله سيني تولدورب لبيکه ياقينلاتگان فرستده قرچيغاي باز توكوب يياردى . پادشاه اچيغلانيب قرچيغاينى تاشگه اوروب اولدوردى بول اورتمده پادشاهنى خدمتكارلرى يتيب كيليب کوپراق سوتاپايلىك ديب بولاقتى اوزيگه باريب ، سو آلماسدن قيتيب كيلدیلر و ايتدیلرکه : " بول سونى ايچيب بولمايدور ، سبب شولکه يلان زهرينى سوکه توكويدور يخشى قيليب قرچيغاي سونى توكويدور ، بولمسه درحال اولار ايدينگر ديب . پادشاه بى نهايت خفه بولديکه : قرچيغاي منگا يخشى ليک قيلگان ايكان اما من آنى اولدورديم ديب "

پادشاه پیلان قرچیهای

بر پادشاه قرچیهای قویانگاسالیب بیارو او را قسیدن چایدی
 قرچیهای قویانسی او شلادک پادشاه انی ابرایتب آیب تشند بولکانلیسی
 او چون ایماقک سوازلادی برتاغ نینگ یانیدن تا چیلاب سواقیب تورگان
 ایکان انی تور پادشاه خوجونیدین پیال سینی آیب تا چیلاب تورگان سوگا
 توتدی پیال تورگاندن کسین پادشاه ایچایدب آغزیکا آیب باردی قرچی
 بردن قنات قاقیب کونی توکوب یاردی پادشاه پیال سینی توتدی قچان
 تا چیلاب پیال تورگونچی آنی وقت اوتدی باز پادشاه ایچایدب آغزیکا
 تا چیلانگان مجله قرچیهای قناتی پیلان کونی توکوب یاردی
 پادشاه او چویش هراتب پیال سینی تولد وزولبیکا یا قینلانگان فرستده
 قرچیهای باز توکوب یاردی پادشاه اچینخان ب قرچیهای
 تاشگا اوروب اولدور دما بول اورتده پادشاه نی خزمکار
 لاری یتیب کیلیب کوپراق سوا یلیک دیب بولاق نی اوزیک
 باریب سوا لاسدن قایشیب کیلدیلار وایتدی که بول سونی اچیب
 بولمایدور سبب شوکد پیلان زقرینی سوگا توکوبدور یخشی قلیب
 قرچیهای سونی توکوبدور بولماسد و حال اولار ایدنیکز دیب
 پادشاه بی نهایت خف بولدیکه قرچیهای منگا یخشی لیک
 قیلکان ایکان امامن انی اولدور دوم دیب

ЎТИЛГАН ДАРСЛАР ЮЗАСИДАН САВОЛ ВА
ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўрта Осиё территориясида мавжуд бўлган қадимий ёзувлардан қайсыларини биласиз?
2. Араб алифбосининг Ўрта Осиё ва Кавказ халқларига расмий ёзув сифатида кириб келишининг асосий омиллари нималарда эди?
3. Ўзбек халқи ҳозирга қадар қандай алфавитлардан ўз ёзуви сифатида фойдаланди?
4. Араб алифбоси нечта ҳарфдан иборат? Унинг бошқа ёзувлардан фарқ қилувчи асосий хусусиятларини сананг.
5. Араб хат турларидан қайсыларини биласиз? Ёзма ёдгорликлар, асосан, қайси ёзув турида битилган?
6. Араб алифбосидаги ҳарфлар бошқа ҳарфлар билан боғланиш-боғланмасликлари жиҳатидан неча турга бўлинади? Улар қайсилар?
7. Араб алифбосидаги ёзувда сатр чизигида ва сатр чизигидан пастга тушириб ёзиладиган ҳарфларни ёзиб кўрсатинг.
8. Шаклан ўхшаш, лекин нуқталарининг ўрни ва

шакллардаги ёзилишини курсатиб беринг. Уша ҳарфлар иштирокидаги сўзлардан намуналар келтиринг.

28. Эски узбек ёзувида соф унлиларнинг ифода этилиши ва ёзувдаги кўринишлари тўғрисида гапириб беринг.
29. Эски узбек ёзувида е,ё,ю,я унлилари қандай ифодаланади?
30. Айн ва ҳойи ҳуттий ҳарфларининг хусусиятлари ҳақида сўзлаб беринг. Мисоллар келтиринг.
31. Ҳойи ҳавваз ҳарфининг ёзувдаги вазифаси тўғрисида сўзлаб беринг. Мисоллар келтиринг.
32. Йо ҳарфининг вазифалари ҳақида гапириб беринг.
